


БАҲАҲС МУАММОЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБОВ И.О., ҒОЙИБНАЗАРОВ Б.К., ОЧИЛОВ К.Т.,
АБДУСАТТОРОВА Х.М.

БАЛАНС МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртларида илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

**YOQUBOV I.O., GOYIBNAZAROV B.K., OCHILOV K.T.,
ABDUSATTAROVA Kh. M.**

BALANCE PROBLEMS

This manual is recommended by the group of «regulating the activities of scientific organizations of higher education» of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

Якубов И.О., Ғойибназаров Б.К., Очилов К.Т., Абдусатто-
рова Х.Б. Баланс муаммолари (Ўқув қўлланма) — Т.: ТДИУ,
2004 — 144 б.

Ушбу ўқув қўлланма бозор муносабатлари шароитида
миллий иқтисодиётнинг ривожланиш назарияси ва амалиёти
масалаларига бағишланган. Унда миллий иқтисодиётнинг бозор
муносабатларига ўтиши, бозор иқтисодиётининг амал қилиш
механизми, иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий балан-
слари ва уларни тузиш тартиби ёритилган; шунингдек, ўқув қўл-
ланмада миллий иқтисодиётни бошқариш тизимида халқ хўжа-
лиги баланси тизими ва асосий балансларнинг тутган ўрни, тар-
киби, республикамізда миллий ҳисоблар тизимининг асосий ба-
лансларидан фойдаланиш, бу баланслар олдида турган асосий
вазифалар, иқтисодий операциялар ва асосий ҳисобларни иш-
лаб чиқиш, тармоқлараро балансларни миллий ҳисоблар тизими
услубияти асосида ўрганиш, тўлов балансларини ишлаб чиқиш
каби масалалар ўз ифодасини топган.

Қўлланма олий ўқув юр்தларининг талабалари, илмий хо-
димлар, тадбиркорлар, аспирантлар ва умумтаълим мактаблари
ўқитувчиларига мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: и.ф.д., проф.
Холмўминов Ш.Р.

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Салимов Б.Т.;
и.ф.д., проф. Ишмуҳамедов А.Э.
и.ф.н. доц. Курманов Б.
доц. Маҳмудов Б.

Yaqubov I.O., Goyibnazarov B.K., Ochilov K.T., Abdusattarova Kh. M. Balance problems (Manual) – T.: TSEU, 2004 – 144 pages.

The manual is about the theories and practice of national economy in the process of transition to market economy. It also explains obeying mechanism of market economy, macro-economical balances of economic development, and the ways of constructing them. In addition, the manual explains about the balance system of national household in the management of national economy, role and structure of its main balances, the utilization of main balances of Republic's national accounts system, economical operations and creation of main accounts, the study of inter branches balances with the help of national accounts system, problems of creation of payment systems balances.

This manual is designed for the students of Higher Educational Establishments, professor-lecturers, entrepreneurs, and scientific members and for the teachers of high schools.

Responsible editor: doctor of economic science,
prof. Holmuminov Sh. R.

References: doctor of economic science,
professor Salimov B.T.;
doctor of economic science,
prof. Ishmukhammedov A.E.
candidate of economic science
Kurmanov B.
senior lecturer Makhmudov B.

КИРИШ

Миллий иқтисодиётимизнинг турли йўналишлари ҳамда таркибий қисмларини жаҳон иқтисодиёт билан қиёсий ўрганиш ва макроиқтисодий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли республикамизда миллий иқтисодиётни макроиқтисодий таҳлил қилишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш зарурияти туғилди. Бунга макроиқтисодий таҳлилнинг барча муаммоларини акс эттирган БАЛАНС МУАММОЛАРИ ни жорий қилиш орқали эришилади.

Республикамиз иқтисодиётини бошқаришга узоқ вақт халқ хўжалиги баланси хизмат қилиб келди, Эндиликда улар бозор принципларига жавоб бера олмаётганлиги боис жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги баланс усулларига эҳтиёж сезилмоқда.

Ушбу ўқув қўлланмада айнан бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётга мувофиқлашган балансларни (миллий ҳисоблар, тармоқлараро баланс, молиявий баланс, тўлов баланси, аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси ва ҳ.к.лар) ишлаб чиқиш услубияти кўрсатиб берилган; халқ хўжалиги баланси ва унинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли, асосий баланслари, миллий иқтисодиётни бошқариш тизими, иқтисодиёт ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили, миллий иқтисодиёт учун баланс ҳисоблар тузиш услубияти, макроиқтисодий кўрсаткичларни баҳолаш, аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси, тармоқлараро баланс ва тўлов балансини ишлаб чиқиш каби муаммоларни ёритиш кўзда тутилган.

«Баланс муаммолари» фани иқтисодиётни тартибга солиш услубини такомиллаштиришда, ишлаб чиқариш ва хизматлар ҳажми кабиларни асослашда иқтисодий-математик усуллар, ҳисоблаш техникаси сингариларга таянади.

Ушбу ўқув қўлланманинг назарий ва услубий асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, баланс муаммолари бўйича ватанимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ҳисобланади.

«БАЛАНС МУАММОЛАРИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Баланс муаммолари фанининг ривожланиш тарихи ва бошқа назарий фанлар билан алоқалари

Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётни таҳлил қилиш ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш амалиётда янги баланс усуллари кўллаш талаб этмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Умумиқтисодиёт комплекси таркибидаги вазирлик ва идоралар фаолиятида иқтисодиёт ва унинг айрим тармоқлари бўйича ривожланиш истиқболларини асослашда, номутаносибликни аниқлашда мувофиқлаштирувчи баланс усуллари урни ва аҳамияти инкор этиб келинмоқда. Бу борадаги яна бир жиддий камчилик шундан иборатки, комплекс таркибига кирадиган вазирлик ва идоралар ишида иқтисодиётнинг ривожланиш стратегиясини аниқлашда муҳим омил бўлган умумий молиявий баланс, тўлов баланси, миллий ҳисобот тизими ва бошқа баланслардан старлича фойдаланилмаяпти».¹

Халқ хўжалиги баланс тузилмаларининг тамойиллари, кўрсаткичлар тизими, уларнинг ҳисобланиш усуллари турли иқтисодий мактаблар таъсири остида шаклланган. Халқ хўжалигининг баланс моделларини яратишга уринган иқтисодчилар Григорий Кинг ва Франсуа Кенэ бўлишган. Кенэнинг «иқтисодий жадвал»ида маҳсулотнинг яратилиш ва тақсимланиш жараёни ойдинлаштирилган. Бу жадвал макроиқтисодий баланснинг биринчи тажрибаси ҳисобланади.

Кейинчилик таълимоти хўжалик жараёнларининг макроиқтисодий балансларини тузиш ва текширишни асослашда муҳим ўрин тутди. Бу хусусда кўплаб хорижий иқтисодчи олимлар Ж. Кейнс «назарий баланс усулининг отаси» деб аташди. Шунингдек, хориж статистикасида баланс тузилишидаги миллий ҳисобларнинг назарий-методологик аспектларини яратувчилар сифатида С. Кузнец ва В. Леонтьевлар тан олинган. МҲТ нинг амалий томондан шаклланишига Р. Стоун, Ж.Хикс, М. Жильберт, О. Аукруст, Г.Жазз, Ж. Дерксен ва бошқалар

¹ Президент И.А.Каримов. Халқимиз фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлаш — устувор вазифа. Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаши мажлисидаги маъруза. «Халқ сўзи», 2001 йил, 12 январь.

улкан ҳисса кўшдилар.

Инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнснинг буюк хизмати шундаки, унинг макроиқтисодий назарияси асосан иқтисодий жараён натижаларини ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган иқтисодиётни тавсифловчи ўзгарувчилар орқали (умумий даромад, истеъмол, инвестиция, жамғарма) пул ҳисобида тадқиқ этишга қаратилган. Бозор иқтисодиётини бошқариш муоммоларига қаратилган ғоялари унинг «Бандлик, фоииз ва қиймат умумий назарияси» асарида ёритилган. Бу асарда Ж.Кейнс макроиқтисодий таҳлил учун зарур ахборот тизимни шакллантириш ва унинг давлат ҳокимиятини бошқаришдаги бир қанча принципларини асослаб берди.

Ж.Кейнс баланс тизимининг муҳим назарий ва услубий асосларини шакллантирди. Шунингдек, у баланс услубининг ривожланиш тарихи ва бутунги кундаги ривожланиш жараёнини ҳам кенг тадқиқ қилди.

С. Кузнец тадқиқотлари пухталиги ва амалий аҳамияти билан бошқалардан ажралиб туради. Бу олимнинг тадқиқотлари ҳозирги замон баланс услубияти учун асос қилиб олинган ва амалда қўлланилмоқда. Унинг асосий асари — «Даромадлар бўйича юқори гуруҳларнинг даромад ва жамғармалардаги ҳиссаси» (1953) китобида 1919 — 1948 йилларда АҚШ миллий даромадининг тақсимланиш динамикаси келтирилади. Унинг ҳисоби-ча, энг катта даромад олувчи (1%) аҳоли 1919 - 1938 йиллари давомида 13 % даромад эгаси бўлган, 1948 йилга келиб, бу кўрсаткич 9 % гача пасайган. 5 % ни ташкил этган юқори гуруҳ аҳоли ҳиссаси эса шу давр мобайнида 25 % дан 18 % гача камайган. Шунга асосан у юқоридаги хулосаларга келган.

Бу олим иқтисодий ўсишнинг қиёсий таҳлиliga катта ҳисса кўшди, ҳозирги замон иқтисодиётини белгиловчи мезонларни аниқлади. Улар қуйидагилар: даромаднинг аҳоли жон бошига қараб ўсиш суръатлари, ишчи кучининг тармоқлар бўйича тақсимооти, аҳолининг ҳудудлар бўйича жойлашуви.

В. Леонтьев иқтисодиётда «харажатлар - ишлаб чиқариш» услубини ривожлантирди ва уни муҳим иқтисодий муоммоларни ҳал қилишга тадбиқ этди.

Бу услуб бозор иқтисодиётни тармоқларида ижтимоий маҳсулот қисмларини ўзаро алмаштиришнинг конкрет жараёнларини тадқиқ қилишга йўналтирилган. В.Леонтьев томонидан таклиф қилинган тамоёнлар иқтисодиётни прогнозлаштириш ва программалаштириш амалиётида кенг қўлланилмоқда.

Р. Стоуннинг асосий хизмати шундаки, у баланс тизимининг ҳозирги моделини яратди. Улар биринчи бор 1953 йили

БМТ нинг статистика бўлими томонидан чоп этилди ва ҳозир бутун дунёда тан олинган. Унинг баланс тизими матрица шаклида берилган, ҳар бир ҳисоб энига (даромад) ва бўйига (харажат) кўрсаткичига эга. Шунини айтиб ўтиш керакки, бундай уришлар илгари ҳам бўлган (В. Петти, П. Буагильбер - XVII аср, С. Кузнец ва К.Кларк - XX аср), улардан фарқли равишда Р.Стойун биринчи бўлиб макродаражада бухгалтерия балансини икки марта ёзиш қоидаларини қўлади. «Йиғма матрица» ларида стандарт кўрсаткичлар: миллий маҳсулот, истеъмол, савдо баланси ва бошқалар шундай гуруҳ - гуруҳ қилиб берилганки, улар иқтисодиёт тузилмаси ва унинг ҳаракат қилиш жараёнларини тўла изоҳлаб беради. У миллий ҳисобларга молия баланси тизимини киритиши катта янгилик бўлди.

МХТ ҳозирги ривожланган мамлакатларда ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида шакллана бошлади. 30 - йилларнинг охирида АҚШ да савдо вазирлиги қошида миллий даромад бўлими ташкил этилди. 1934 йилда етакчи инглиз иқтисодчиси С. Кузнец мамлакат бўйича 1929 - 1934 йиллар учун миллий даромад ҳажмини ҳисоблаган.

Дастлабки вақтдаги баланслар миллий даромад кўрсаткичини ҳисоблашга қаратилган эди. XX аср бошларида Англия, Австрия, Франция, Норвегия, Германия ва АҚШ да миллий даромад кўрсаткичи ҳисобланган.

Америкалик иқтисодчи В.Леонтьевнинг 1931 йилда ишлаб чиқилган «тармоқлараро баланс» модели ҳозирги замон тармоқлараро таҳлилининг асоси ҳисобланади.

Миллий даромад ҳисоби ва тармоқлараро баланслар фақат реал (номолиявий) товар ва хизматлар оқимини ифодалайди.

Иқтисодиётнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш учун пул ва молия капиталининг оқимларини ўрганиш лозим бўлади. Бунга молиявий оқим баланслари хизмат қилади. Молиявий оқим балансини биринчи бўлиб америкалик иқтисодчи М. Копеланд «Пул оқимлари жадвали» кўринишида тузган. Шу жадвал асосида «1939- 1953 йиллар учун АҚШ нинг молиявий оқимлар баланси» ишлаб чиқилди. У нақд пуллар оқими билан бирга бошқа битимларини ҳам ўз ичига олади.

Ҳар қандай миллий иқтисодиёт халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг элементи ҳисобланади. Шунинг учун ташқи операцияларни ҳар томонлама реал ва молиявий томонларини қамраб олиб ифодалаш зарурияти туғилади.

Тўлов баланси турли мамлакатлар орасидаги алоқаларни товарлар, хизматлар ва молиявий мажбуриятлар орқали ифодалайди.

«Баланс муаммолари» фани мустақил фан ҳисобланиб (му-

3.29

стақил фан бўлиши учун шу фаннинг предмети, хусусий ўрганадиган усуллари ва объекти бўлиши талаб қилинади), у ривожланиш босқичида бир қанча иқтисодий фанлар билан ҳамбарчас боғланган. У айниқса, «Миллий ҳисоблар тизими», «Бухгалтерия ҳисоби», «Макроиқтисодиёт», «Макроиқтисодий статистика» ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадор.

1.2. «Баланс муаммолари» фанининг предмети ва ўрганиш усуллари

«Баланс муаммолари» фанининг предмети миллий иқтисодиёт учун баланс тизимларини ишлаб чиқиш, ҳисоблар тизimini тузиш услубияти, жумладан, ҳисоблар тузиш усуллари ва қоидалари, унинг мазмуни, миллий ҳисобларнинг кўрсаткичлар тизими, уларни ҳисоблаш усуллари ва ўзаро боғланишлари; ҳар бир сўтганинг иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишдаги ўрни, ташқи иқтисодий фаолиятни тавсифлаш, миллий ҳисоблар концепциялари асосида тармоқлараро балансни, тўлов балансини, оила бюджетларини ўрганиш ҳисобланади.

Баланс усули ёрдамида иқтисодий жараёнлар ва уларнинг натижаларини текшириш, миллий иқтисодиётнинг асосий тушунча ва категориялари мазмунини ўзлаштириш мумкин.

Баланс тузишнинг асосий мақсади моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, даромадлар ҳосил бўлиши, уларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш, фойдаланиш ва ташқи иқтисодий фаолият билан боғланган макроиқтисодий жараёнлар ва уларнинг натижаларини миқдорий ифодалаш ҳисобланади. Бундай ифодалаш ўзаро боғланган кўрсаткичлар тизими ресурси ва ундан фойдаланиш қисмлари бўйича баланслаш ёрдамида умумлашган баланс жадвалларида (ҳисобларида) акс эттиришни билдиради.

«Баланс муаммолари» фанининг объекти мамлакат иқтисодиёти, унинг тармоқлари ва секторлари ҳисобланади.

«Баланс муаммолари» фанининг асосий усуллари. Баланс муаммолари фани ўз номидан келиб чиқиб, иқтисодий баланслар тенглиги принципига асосланади.

Баланс усулига асосланган, ҳар бир ҳисобда (баланс) унинг ресурслари ва фойдаланиш қисми орасидаги тенглик баланслаштирувчи моддани ҳисоблаш йўли билан ифодаланади. Ҳар бир ҳисобда баланслаштирувчи модда ўрганилаётган иқтисодий жараёнлар натижаларини ифодалашда мустақил аҳамиятга эга. Шунингдек, бу баланслаштирувчи модда олдинги сўтни кейинига сўт билан боғловчи бўғин саналади.

Шундай қилиб, ўзаро боғланган кўрсаткичлар тизимлари

асосида бириктирилган ҳисоблар такрор ишлаб чиқариш босқичларига мувофиқ, иқтисодий жараёнлар ва унинг натижаларини миқдорий ифодалайди.

«Баланс муаммолари» фанида классификация ва гуруҳлаш усули ҳам кенг қўлланилади. Бу усул ёрдамида ўрганилаётган иқтисодий жараёнлар, иқтисодий кўрсаткичлар тузилмаси ва умумиқтисодиётни ҳар томонлама тавсифлаш мумкин.

Баланс усулида таҳлил қилиш жараёнида таҳлилнинг мақсади ва мавжуд маълумотлардан келиб чиқиб, замонавий математик- статистик усуллардан фойдаланилади.

Баланс ҳисобларини босқичма-босқич тузиш усули энг кенг тарқалган усул бўлиб, бу усулда ҳисоблар босқичма-босқич тузилади, сўнгра уларнинг кўрсаткичлари бутун иқтисодиёт бўйича тузиладиган маҳсулот ва хизматлар ҳисобларида баланслашади. Ҳисобларни босқичма-босқич тузиш такрор ишлаб чиқариш жараёнининг босқичма- босқичлигидан келиб чиқади.

Товар оқимлари усули жуда содда. Ундан, одатда, ҳисобланган маълумотлар базаси шубҳали ва босқичма- босқич тузилган ҳисоблар охирида катта статистик фарқлар чиққанида фойдаланилади. Бундай ҳолатда йўл қўйилган хато изланади, бироқ хатони айнан қасрдан излаш ҳар доим ҳам аниқ бўлмайди. Етишмаётган маълумотлар ҳолатида бажарилаётган оператив ҳисоблашлар учун ҳисоблар «маҳсулот-харажат» жадвалидаги каби математик модел асосида тузилади.

Товар оқимлари усули шу билан характерланадиги, ҳар бир ҳисобдаги кўрсаткичлар бутун иқтисодиёт, сектор ва тармоқлар бўйича босқичма- босқич умумлаштирилмайди. Аксинча, ҳар бир ҳисобда алоҳида маҳсулот турлари бўйича ресурс кўрсаткичлари (ишлаб чиқариш ва импорт) фойдаланиш кўрсаткичлари (оралиқ истеъмол, якуний истеъмол, жамғариш ва экспорт) билан боғланади.

Миллий статистика хизматида товар оқимлари усули ёрдамчи усул сифатида қўлланилади. Баъзи мамлакатларда эса, масалан, Данияда бу асосий усул ҳисобланади. Бу усулдан фойдаланиш учун ҳар бир маҳсулот бўйича махсус жадваллар тузилади, Бундай жадвалларнинг ресурс қисмида бозор баҳосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати, шунингдек, бозор баҳоларидаги импорт маҳсулотлари қиймати кўрсатилади. Фойдаланиш қисмида эса оралиқ истеъмол (ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган маҳсулот ва хизматлар қисми), якуний фойдаланиш (уй хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар якуний истеъмоли), миллий жамғариш ва экспорт кўрсатилади. Агар жадвалларнинг шкала қисми ўзаро баланс бермаса, ҳисоб-китоб қилинган кўрсаткичларнинг кам ишон-

чилиги ва умуман ишончсизлиги аниқланади.

1.3. «Баланс муаммолари» фанининг асосий вазифалари

Баланс муаммолари фанининг асосий вазифалари қуйидагиларда намоён бўлади:

1) Миллий ишлаб чиқариш жараёни ҳар доим икки ёқлама операцияларнинг бирлиги сифатида талқин этилади;

2) Макроиктисодий даражаларда ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш, истеъмол қилиш ва жамғариш жараёнлари баланс кўринишида амалга оширилади;

3) Баланс тарзида қиймат шаклида иккиёқлама операцияларни амалга ошираётганлар уларнинг даромад ва харажатлар сифатида акс эттирадилар;

4) Маълумотларнинг аниқлиги, тўғрилиги таъминланади;

5) Пулнинг айланиши, истеъмол қиймати балансида бевоcита ифодаланиб, уларнинг асосий кўрсаткичлари ялпи ички маҳсулотда ўз аксини топади;

6) Баланс тизими мамлакатдаги иқтисодий жараёнларни босқичма -босқич ифодалаб беради. У ишлаб чиқаришдан бошланиб, даромадлар шаклланиши, тақсимланиши ва мавжуд пул қиймати, турли қимматли қоғозлар иқтисодиётни молиявий нуқтаи назардан ифодалаш билан якунланади.

Баланс тизимида миллий маҳсулотнинг даромадлар шаклидаги ҳаракатини баланс кўринишида тасвирлаш ва молиявий бойликлар айланишининг ҳисобларда ифодаланган тармоқлараро алоқалар тавсифи (характеристикаси) қамраб олинади.

Баланс принциплари бутун республикаimiz иқтисодиётидаги ўзгарувчанликни тўғри акс эттириши керак. Жумладан, бозор шаронтида иқтисодий ўсиш динамикасини аниқлашда сифат ўзгаришлари ва тузилмавий силжишлар, минтақалараро иқтисодий алоқалар ва бозор муносабатлари шаклланиши, инфляция жараёнлари таҳлили ва бошқалардаги муҳим ўзгаришларни аниқлаб бериши зарур.

Қисқача хулосалар

Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётни таҳлил қилиш ва унга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш амалиётда янги баланс усулларни қўллашни талаб этади.

«Баланс муаммолари» фани предмети миллий иқтисодиёт учун баланс тизимларини ишлаб чиқиш, ҳисоблар тизимини тузиш услубияти, усуллари ва қоидалари, унинг мазмуни, миллий ҳисобларнинг кўрсаткичлар тизими, уларни ҳисоблаш усуллари ва ўзаро боғланишларидан иборат.

«Баланс муаммолари» фанининг асосий вазифаси миллий ишлаб чиқариш жараёнини ҳар доим икки ёқлама операцияларнинг бирлиги сифатида талқин этишдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Баланс деганда нимани тушунасиз?
2. Баланс усулининг ривожланиш тарихига қисқача изох беринг.
3. «Баланс муаммолари» фанининг асосий вазифаси нима?
4. «Баланс муаммолари» фани қандай усулларда ўрганилади?
5. «Баланс муаммолари» фанининг бошқа фанлар билан алоқасини тушунтиринг.
6. Иккиёқлама ёзиш принципини изохланг.

Асосий адабиётлар

1. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. — Т.: «Ўзбекистон», 2000.
2. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. — М.: «Инфра», 2000.
3. Ивашковский С.Н. Экономика: микро и макроанализ. - М.: «Дело», 1999.
4. Ишмухаммедов А.А ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. -Т.: «Ўқитувчи», 1996.
5. Иқтисодий йўналишлар: чораклик нашр. Ўзбекистон (январь — март, 2000) - Т., «Ўзбекистон», Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, 2000.
6. Клименко Б.И. Межотраслевые балансы капиталистических стран. —М.: «Наука», 1986.
7. Якубов И.О., Ташмухаммедов Н.С. Балансовые проблемы. сб. текст. лек. ТГЭУ, -Т., 2000.

БАЛАНС МУАММОЛАРИ АСОСЛАРИ

2.1. Иқтисодиёт балансининг мазмуни ва моҳияти

Иқтисодиёт баланси деб ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий жадваллар (одатда, улар ўзаро боғланган жадваллар қатори кўринишида бўлади) тизимига айтилади. Улар ўзида миллий ишлаб чиқаришнинг аниқ моддий шартлари ва натижаларини акс эттиради. Иқтисодиёт балансининг икки хил тури мавжуд: ҳисобот ва режа баланслари. Баланс миллий ишлаб чиқариш жараёнининг ўтган даври учун аниқ сонли ва сифатли тафсилотни беради ҳамда миллий иқтисодиёт амалиётида юзага келадиган мутаносибликлар (пропорциялар)ни белгилайди. Иқтисодиётнинг режа баланси режалаштирилаётган давр учун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги мутаносибликлар ва алоқалар, ривожланиш шартлари ва суръатлари, йўналишлари ҳамда ҳажмини аниқлаб беради.


Иқтисодиёт баланси иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган муносабатлар ва мутаносибликларни маълум даврга ўрнатиш имконини беради.

Иқтисодиёт балансининг асосий уч хил вазифаси мавжуд: биринчидан, у асосий халқ хўжалиги мутаносибликларини сон жиҳатидан аниқлаш учун ишлаб чиқилади. Бу умумиқтисодий, тармоқ, тармоқлараро ва ҳудудий мутаносибликлар. Улар истеъмол, ишлаб чиқариш соҳаси ва муомала соҳаси, жорий истеъмол ва такрор ишлаб чиқаришни кенгайтиришга кўйилмалар ўртасида мутаносибликларни белгилаб беради.

Иккинчидан, агарда ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромад каби иқтисодиётнинг таркибий қисмлари ўзаро мувофиқлаштирилган бўлса, яъни халқ хўжалиги ривожланишини умуман балансланган деб таъкидлаш мумкин бўлса, баланс ҳисоб-китобларидан тузилаётган режанинг ўзаро мутаносиблигини текшириш учун фойдаланиш мумкин.

Учинчидан, миллий иқтисодиёт баланслари иқтисодиётда мавжуд ва ривожланаётган мутаносибликлар ва алоқаларни акс эттирган ҳолда тартибга солиш воситаси ҳисобланади. Статистика ва режалаштириш амалиётида баланс ҳисоб-китобларини I-чизмадагидек классификациялаш мумкин:

Иқтисодиёт балансининг биринчи бўлими миллий бойлик, кейин ялпи миллий маҳсулот ҳақидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади, истеъмол ва жамғариш мақсадида моддий бойликлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва ишлатишни кўрсатади.



1-чизма. Иқтисодиёт балансини классификациялаш

Балансининг учинчи бўлими — миллий даромад, у яратилган даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш босқичларни акс эттиради. Тўртинчи бўлим — молиявий баланслар матрицаси, бешинчи бўлим — реал сектор баланси.

Балансининг олтинчи бўлими — ишчи кучи умумлашма баланси ўзида иқтисодиётда мавжуд ишчи кучи ва ундан фойдаланишни акс эттиради. Ишчи кучи — жамият ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг таркибий қисми ҳисобланади.

Бошқа меҳнат баланслари билан бирга ишчи кучи баланси иқтисодиётда меҳнатдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва меҳнатни оқилона тақсимлашни режалаштириш имконини беради. Ушбу асосий бўлимлардан ташқари иқтисодиёт баланси таркибига бир қатор қўшимча баланслар ва баланс ҳисоб-китоблари киради. Улар асосий бўлимларни аниқлаштиради ва такрор ишлаб чиқариш жараёнининг у ёки бу томонларини ва шартларини акс эттиради. Улар қаторига тармоқлараро баланс, асосий фондлар баланси, капитал қўйилмалар баланси, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол моллари баланси, миллий иқтисодиёт балансининг асосий кўрсаткичлари баланслари киради.

2.2. Миллий иқтисодиёт балансини ишлаб чиқишнинг илмий асослари

Иқтисодиёт балансини ишлаб чиқишнинг илмий асоси кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш иқтисодий ўсиш назарияси ҳисобланади.

Такрор ишлаб чиқариш иқтисодий назарияси реал такрор ишлаб чиқариш жараёнини ўрганишга асосланади ва миллий иқтисодиёт балансининг зарурий илмий асоси саналади. Такрор ишлаб чиқариш жараёни — миллий маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиси ҳисобланадиган жамиятнинг барча аъзолари ўзаро боғланган фаолияти асосида амалга ошириладиган ижтимоий жараёндир. Бу жараён ўз ичига ишлаб чиқариш, айирбошлаш, истеъмолни ва жамғармани олади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқариш ҳажмларининг йил сайин кенгайишни, яъни унда фойдаланаётган ресурслар — ишчи кучи, ишлаб чиқариш воситалари ва хом ашёни йил сайин кўпроқ даражада истеъмол қилишни, шу билан бирга такрор ишлаб чиқариш жараёни натижасида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар ҳажмининг йил сайин ошиб боришини ва шунга мос равишда, муомала, тақсимот ва истеъмол жараёнига йил сайин кўпроқ товарлар ва хизматлар келиб тушишини билдиради. Шунинг учун иқтисодиёт доимо янгиланиб турувчи товарлар ва хизматлар, моддий ва молиявий ресурсларнинг доиравий ҳаракатидан иборат.

Маълумки, иқтисодиёт фирмалар (корхона, завод, фабрика, деҳқон, фермер хўжаликлари, жамоа хўжалиги) ва уй хўжалигидан иборат бўлади. Уй хўжалиги билан фирмалар ўртасидаги товарлар ва хизматлар пул маблағлари ва моддий ресурслар доиравий ҳаракати жамият ҳаётининг макроиқтисодий обо-

роти деб аталади. Бу икки оқим ҳаракати ҳар доим бир-бирига мос келганда иқтисодиёт равон ривожланади.

Икки оқимли ҳаракат даражасини иқтисодий субъектлар ўз манфаатларини кўзлаб юритади. Бозор уларни бир-бирига боғлайди. Макроиқтисодий жараён мураккаб бўлиб, у миллионлаб товарлар ва хизматлар яратилишини, уларни миллионлаб кишилар истеъмол қилишини билдиради. Бу ҳаракатнинг равон амалга ошиши учун ундаги иқтисодий нисбатлар, яъни такрор ишлаб чиқаришнинг турли томонлари ўртасидаги нисбатлар муҳим аҳамиятга эга.

Бизга маълумки, ялпи миллий маҳсулот таркибий қислардан иборат. Шунинг учун унда қуйидаги нисбатлар мавжуд:

- ялпи ички маҳсулот ва қоплаш фонди;
- истеъмол фонди ва жамғариш фонди.

Биринчи бўлим тармоқ корхоналари маҳсулоти билан иккинчи бўлим тармоқ корхоналари маҳсулоти кабилар ўртасида мутаносиблик вужудга келтиришнинг икки усули мавжуд:

- бозор усули;
- тоталитар усули.

Бозор усули товар ва хизматлар, моддий ва молиявий ресурслар ҳаракатини ишлаб чиқарувчилар манфаатини, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

Тоталитар усулда маъмурий — буйруқбозлик йўли билан кишилар турмушини тенглаштиришга ҳаракат қилинади. Товар ва хизматлар, моддий ва молиявий ресурслар ҳаракати юқоридан берилган буйруқлар, режалар асосида амалга оширилади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча жабҳаларида макроиқтисодий мувозанатнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Ялпи талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанат.
2. Ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги мувозанат.
3. Уй хўжалиги даромади ва харажати ўртасидаги мувозанат.
4. Пул массаси ва товар-хизматлар массаси ўртасида мувозанат.
5. Жамғариш билан инвестиция ўртасидаги мувозанат.
6. Инвестиция даражаси билан иқтисодий ўсиш даражаси ўртасидаги мувозанат.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш баланси иқтисодий ривожланишнинг суръат ва мутаносиблигини асослашнинг самарали қуроли бўлиши мумкин.

Мамлакат иқтисодий ривожланишини тартибга солиш амалиётида унинг роли фақатгина мустақиллик йилларида қайтадан тикланиб, баланс янги поғонага кўтаришмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, тўлов баланси, Марказий

банк пул баланси, молиявий матрица, реал сектор баланси, тармоқлараро баланс кабиларга катта аҳамият берилмоқда.

2.3. Иқтисодиёт балансини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Жамиятда иқтисоди барқарорлик ва юксалишнинг асосий кўрсаткичи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)дир. Унинг ўсиш динамикаси ва таркиби жамият иқтисодий кўрсаткичларининг ундаги фойдаланилмай қолинган имкониятларини кўрсатувчи бирдан-бир индикатор ҳисобланади. Ўз-ўзидан ялпи ички маҳсулот ижтимоий маҳсулотнинг таркибий қисми. Ишлаб чиқариш ҳажмлари халқ хўжалиги баланслари (ХХБ) орқали ҳисобланганда унинг асосий кўрсаткичи ялпи ижтимоий маҳсулот ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳажмлари миллий ҳисоб тизими (МХТ) орқали ҳисобланади. Унинг асосий иқтисодий кўрсаткичи ялпи ички маҳсулот саналади. Республикамиз иқтисодиётида бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги даврида ишлаб чиқариш ҳажмларини белгилаш халқ хўжалиги балансларидан миллий ҳисоблар тизимига ўтиш билан бирга амалга оширилмоқда.

МХТнинг асосий афзаллиги шундан иборатки, унда моддий ишлаб чиқариш соҳаси билан бирга (ХХБлари фақатгина моддий ишлаб чиқариш соҳасини ўз ичига олади ва номоддий ишлаб чиқариш соҳасида моддий нсъматлар ва хизматлар яратилмайди, деб ҳисобланади) номоддий ишлаб чиқариш соҳаси натижалари ҳам ҳисобга олинади. У такрор ҳисоблаш усулидан озод бўлиб, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир фазаси учун махсус ҳисоб сётларига эга. МХТ давлатнинг иқтисодий фаолиятига ҳар томонлама тавсиф берувчи ўзаро боғлиқ бўлган статистик кўрсаткичлардан, ҳисоб сётларидан, жадваллардан иборат бўлган тизимни ташкил қилади.

Халқ хўжалиги баланслари тизимини амалга оширишнинг асосий воситаси сифатида ишлаб чиқарилган миллий даромад таркибига унинг вужудга келиш даврида бирламчи тақсимот ва якуний истеъмол ҳаракатлари қўшиб ўрганилган. МХТга ўтиш даврида давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболларини белгилаш миллий ҳисоблар тизимининг бошланғич унинг бошланғич базаси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда қўлланаётган индекатив режалар тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Халқ хўжалиги баланси модели, асосан «харажат — ишлаб чиқариш»га асосланган бўлса, энди ўзаро боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш сётлари орқали истиқболни белгилаш йўли билан ЯИМнинг келажакдаги ҳажмини аниқлаш имконияти яратилмоқда. ХХБ тизимида номоддий ишлаб чиқариш иккинчи даражали соҳа деб қаралиб, бу соҳада маҳсулот яра-

тилмасдан, балки моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган маҳсулот қайта истеъмол қилинади, деб қаралган. Ҳозирги кунда бундай қарашлар норсал ва МХТга ўтиш зарурлиги реал ҳақиқатдир.

МХТга ўтиш иқтисодиёт тармоқлараро балансининг янги концепциясига ўтишни тақозо қилади. Тармоқлараро балансининг янги концепцияси :

- МХТнинг барча кўрсаткичларини мувофиқлаштириш;
- баҳо ва дефлятор индексацияларини ҳисоблаш, инфляцион жараёнларни комплекс баҳолаш, иқтисодий ўсишни белгилаш бўйича тўла ахбарот-инфляцион базани яратиш;
- иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг илмий истиқболларини белгилашнинг ахборот имкониятларини яратиш.

ХХБ нисбатан МХТ «молиявий ресурслар», «бюджет», «қўшимча қиймат», «иш ҳақи фонди» ва «фойда», «даромадлар» ва «харажатлар», «активлар ва пассивлар», «институционал бирликлар» каби иқтисодий тушунчаларга жуда мос келади. ХХБ билан МХТни интеграциялаш жамиятни иқтисодий ривожланиш асоси бўлмиш моддий ишлаб чиқариш соҳасини такрор ишлаб чиқаришни макроиқтисодий таҳлил қилиш даражасини оширади. ХХБ билан МХТ ўртасида фарқ бўлишига қарамай, булар ўртасида умумийлик ҳам мавжуд. Ушбу икки тизимнинг ҳам асосий вазифаси макроиқтисодий кўрсаткичларни аниқлашнинг концептуал асосларини белгилаш ва иқтисодиётнинг ривожланиш, ундаги алоқадорлик ва боғлиқликларни белгиловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлашдир. Иккинчидан, макроиқтисодий статистика кўрсаткичларининг услубий бирлигини, яъни кўрсаткичлар моҳияти, уларнинг классификацияси бирлигини таъминлашдан иборатдир.

ХХБ ва МХТнинг вазифалари ўртасидаги умумийликдан ташқари бу икки модель ўртасида методологик характердаги умумийлик ҳам мавжуд. Улар:

- миллий хўжаликни ривожланиб боровчи, такрор ишлаб чиқарувчи иқтисодий тизим сифатида моделлаштириш тамойили;
- истеъмол қийматлар ҳаракати билан даромад ҳаракатини чегаралаш;
- бир томондан, истеъмол қийматлари ва даромадларини, иккинчи томондан, ресурслар захирасини ажратиб кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш даромадларини қайта тақсимот даромадларидан фарқлаш;
- маҳсулотни якуний ва оралиқ маҳсулотга ҳамда истеъмолни якуний ва оралиқ истеъмолга гуруҳлаш;
- асосий ва моддий айланма фондларни ажратиб кўрсатиш.

ХХБ билан МХТ ўртасида бошқа турдаги умумийликлар ҳам мавжуд. Масалан, аҳолининг ёрдамчи хўжалик фаолиятини баҳолашда товар-пул шаклига кирмайдиган маҳсулот баҳосини белгилаш ва ҳаказо.

Қисқача хулосалар

Иқтисодиёт баланси деб ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий жадваллар тизимига айтилади. У иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган мутаносибликларни маълум даврга ўрнатиш имконини беради.

Иқтисодиёт балансини ишлаб чиқишнинг илмий асоси такрор ишлаб чиқиш (иқтисодий ўсиш) назарияси ҳисобланади.

Иқтисодиёт балансини такомиллаштириш — иқтисодий ривожланишнинг суръат ва мутаносиблигини асослашнинг самарали инструменти бўла олишидадир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Иқтисодиёт балансининг моҳияти нимадан иборат?
2. Баланс ҳисоб-китобларидан қасрда фойдаланиш мумкин?
3. Миллий ишлаб чиқариш баланси қандай таснифланади?
4. Иқтисодиёт балансининг бўлимлари қайсилар?

Асосий адабиётлар

1. Рябушкин Т.В., Симчера В.М., Машихин Е.А. Статистические методы и анализа социально -экономических процессов. М.: «Наука», 1990.

2. Сакс Дж.Д., Ларрен Ф.Б. Макроэкономика. Глобальный подход: Пер. санг. М.: «Дело», 1996.

3. Салин В.Н. и другие. Макроэкономическая статистика. - М.: «Дело», 2001.

4. Салин В.Н. , Шпаковская Е.П. Социально - экономическая статистика. - М.: «Юристь», 2001 .

5. Сафранова В.П. Показатели системы национальных счетов в отечественной статистике: Учеб пособие. М.: «Финстатинформ», 1996 .

6. Система национальных счетов: инструмент макроэкономического анализа. Под. ред. Ю.Н. Иванова. М.: «Финстатинформ», 1996 .

7. Спридонов И.А. Мировая экономика. М.: «ИНФРА», 2001.

8. Алимов И.Р., Хуррамов А.Ф., Маматов А.А. Макроиктисодий барқарорлик ва ялпи ички маҳсулот. — Т., «Фан», 1999.

9. Йўлдошев.З, Қосимов.М. Макроиктисодиёт асослари. — Т.: «Мехнат», 1995.

10. Ғойибназаров.Б.К. Миллий ҳисоблар тизими — макроиктисодий таҳлил асоси. —Т.: «Фан», 2001.

11. Якубов И.О, Ташмухамедов.Н.С. «Балансовые проблемы», сб. текст. лекций, ТГЭУ, 2000.

III боб

ИҚТИСОДИЁТНИНГ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БАЛАНСИ

3.1. Ишчи кучи баланси тузилишининг назарий ва ижтимоий асоси

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, ривожлантириш назарияси ва амалиёти, табиий бойликлар, иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни кўзда тутди. Мазкур масалани ечишда меҳнат ресурсларидан тўла ва оқилона фойдаланишга катта аҳамият берилади.

Аҳолининг жойлаштирилиши ижтимоий-иқтисодий қонун. Шунинг учун бу қонунни фақат демографик ҳодиса деб қараш мумкин эмас, яъни демографик ҳодисалар одамларнинг ишлаб чиқариш воситаларига муносабати ва уларнинг ишлаб чиқаришдаги бевосита иштироклари натижасидир.

Демак, аҳолини жойлаштириш қонунининг мазмуни — такрор ишлаб чиқариш, меҳнат ресурслари (аҳоли)нинг ҳаракати ва улардан фойдаланишдир.

3.2. Ишчи кучи баланслари тизими ва уларнинг иқтисодиётни тартибга солишда қўлланиши

Баланс ҳисоб-китоблари тизими — ишчи кадрларни тайёрлаш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солишнинг асосий усули сифатида ишчи кучи, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг барча асосий босқичлари, ўнлаб ҳисоб-китобларни ўз ичига олади.

Ҳозирги вақтда тартибга солиш органлари ишчи кучи балансларининг қуйидаги тизимидан фойдаланадилар:

- а) ишчи кучи;
- б) иқтисодиётни ишчи кучи билан таъминлаш баланси ҳисоб-китоблари;
- в) ёшларни меҳнат билан таъминлаш баланси;
- г) малакали ишчи кадрлар баланси;
- д) мутахассислар баланси.

Бу баланслар ёрдамида қуйидагилар аниқланади:

-иқтисодиёт тармоқлари бўйича меҳнат ресурсларини тақсимлашдаги мутаносибликлар;

-туманлар, шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасида меҳнат ресурсларини тақсимлаш зарурияти; ўқишда банд бўлган меҳнатга қобилиятли аҳоли сони, меҳнатга қобилиятсиз ёшдаги аҳолининг миллий ишлаб чиқаришдаги иштироки.

Ишчи кучи баланси иқтисодиёт балансининг таркибий қисмини ташкил этади. Чунки, унда миллий маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган барча меҳнат харажатлари акс эттирилади.

Шу муносабат билан у келажагдаги ишчи кучини, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг муҳим томонларини ҳаракатлантиради. Унда меҳнат ресурсларининг сони ва ўсиши, бандликнинг ортиши, малакали кадрларга бўлган талаб ва унинг таъминоти, мамлакат туманлари ва тармоқлари бўйича ишчи кучини тақсимлаш кўрсатилади.

Демакки, ишчи кучи баланси иқтисодиёт балансининг таркибий қисми бўлиб, у ўзида ишчи кучи, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини ҳам акс эттиради; мамлакатнинг меҳнат ресурслари, уларнинг бандлиги ва фан-техника ютуқлари, меҳнат умумдорлиги ўсиши ҳисобига меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни ҳаракатлантиради.

Ишчи кучи баланси ўзаро боғланган иккита баланс — иш вақти ва меҳнат ресурслари балансларидан иборат.

Иш вақти ва меҳнат ресурслари баланслари иқтисодиётни тартибга солишнинг шаклланишига фаол таъсир этади. Меҳнат ресурсларидан мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланиш энг кам меҳнат харажатлари билан максимал натижага эришиш имконини беради.

Тартибга солиш амалиётида иш вақти балансининг қўлланилиши ижтимоий меҳнатдан оқилона фойдаланиш эҳтиёжидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, иш вақти баланси барча харажатларни акс эттириш асосида тармоқлар бўйича меҳнатни тақсимлаш ва ундан фойдаланиш мутаносибликларни тўғри аниқлаб олиш имконини беради.

Балансда қуйидагилар ўз аксини топади:

- хўжаликнинг турли тармоқлари бўйича реал меҳнат харажатлари;
- миллий ишлаб чиқаришда уй хўжалиги ва шахсий тармоқларга, хўжаликда, шунингдек, ўқишдаги меҳнат харажатлари рационал мутаносиблиги;
- миллий ишлаб чиқаришда банд бўлган битта ишчига тўғри келадиган меҳнат юки (нагрузкasi);
- вақт захираси;
- вақтни йўқотиш ва қисқартириш.

Санаб ўтилган вазифалар иш вақти баланси мазмунини очиқ беради.

Иш вақти балансини 2 бўлимга ажратиш мумкин:

- жамоат тасарруфидаги вақт захиралари;
- жамиятга керакли иш вақти.

Буни қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин:

1-жадвал

Иш вақти баланси

Вақт захираси (ресурслар)

1. Жамият тасарруфидаги потенциал вақт захиралари (ресурслари)

жами _____

шу жумладан:

а) реал вақт захиралари _____

б) вақтни йўқотишлар _____

бундан

касалликлар туфайли _____

бошқа йўқотишлар _____

2 Жамиятга керакли иш вақти-
жами _____

шу жумладан:

А) ижтимоий хўжаликда _____

Улардан:

Б) моддий-маиший хизматлар соҳасида _____

В) маданият ва соғлиқни сақлаш соҳасида _____

Г) уй хўжалигида _____

Д) ўқишга сарфланган вақт харажатлари _____

Улардан:

ишлаб чиқаришдан ташқари _____

иш вақтининг умумий харажатларидан жами _____

моддий ишлаб чиқариш тармоқларида ишлатилади жами _____

шу жумладан, тармоқлар бўйича: _____

ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқлари ишлатилади: жами _____

шу жумладан, тармоқлар бўйича: _____

3. Жамиятнинг ишсиз вақти — умуман _____

Шу жумладан,

-йўлга кетган харажатлар (ишгача ва орқага) _____

-бошқа вақт харажатлари _____

-жамиятининг бўш вақти (одамларнинг жисмоний ривожла-
ниши ва дам олиш) _____

Балансининг охириг иккита бўлимидаги вақт сарфлари би-
ринчи бўлим, яъни жамият тасарруфидаги вақт захиралари би-
лан боғлиқ.

Умумлашма балансининг бу жадвали жамият вақтидан фой-
даланиш ҳақида тасаввур яратади.

Иш вақти балансини ҳисоб-китоб қилишда ҳақиқий вақт
захиралари ҳисобланади. Максимал вақт фонди календарь иш вақти
фондидан уйқу, овқатланиш ва бошқа физиологик эҳтиёжларни
қондиришга кетган вақт айрилиб топилади. Ҳозирда бу харажат-
лар ўртача 1 кишига тахминан 1 кунда 9 соатни ташкил этади.

Демак, 1 кишининг максимал йиллик иш вақти фонди 5475
соатга тенг.

Иқтисодиёт ва ўқишда банд бўлган барча меҳнат ресурсла-
рининг йиллик иш вақти фонди мамлакатнинг иш вақти захираси-
ни (ресурсини) ташкил этади.

Ишчи кучи баланси — бу, режа иқтисодий ҳужжат ҳисобла-
ниб, унда ишчи кучи, такрор ишлаб чиқариш жараёни, хўжалик

тармоқлари, фаолият турлари бўйича меҳнатдан фойдаланиш, уларни тўлдириш манбалари ўз аксини топади.

Ишчи кучи балансининг моҳияти ва қўлланилишидан келиб чиқиб, унинг вазифаларини қўйидагиларга ажратиш мумкин:

- мамлакатнинг барча меҳнат ресурслари ва уларни асосий белгиларига кўра, гуруҳлаш тўла ҳисобга олинишини таъминлаш;
- иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва маъмурий ҳудудларда ишчи кучига бўлган қўшимча эҳтиёжни аниқлаш;
- бу эҳтиёжларни қондириш манбаларини аниқлаш;
- мамлакатда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги тармоқлари ва соҳалари ўртасида меҳнат ресурсларини оқилона тақсимлаш ва қайта тақсимлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;
- малакали ишчилар ва мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш орқали мамлакат меҳнат ресурслари сифатини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш.

Ишчи кучи баланслари:

- ҳақиқий;
- режа балансларига бўлинади.

Ишчи кучи ҳақиқий балансида олдинги давр учун ишчи кучи захиралари ва улардан фойдаланиш ўртасида мутаносиблик акс эттирилади. Ҳақиқий меҳнат баланслари мамлакат иқтисодиётидаги ўзгаришлар ва рўй берган ижтимоий силжишлар билан боғлиқ меҳнат ресурсларининг сони ва таркибидаги сифат ўзгаришларни тавсифлайди.

Ишчи кучининг келажакдаги режа баланси кейинги даврга тузилади, унда иқтисодиётнинг истиқболли ривожланиши, меҳнат умумдорлигининг ўсиши фан, техника ва маданият ютуқларини жорий қилиш асосида ишчи кучи ресурсларининг ўзгариши ҳамда улардан оқилона фойдаланиш лойиҳалаштирилади.

Ишчи кучи режа балансини тузиш учун қўйидагиларни билиш лозим:

- хўжаликнинг алоҳида тармоқларини ривожлантириш режаларининг иқтисодий ва техник хусусиятлари;
- ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар;
- меҳнатга қобилиятли аҳолининг кўпайиши;
- малакавий таркибда ўзгаришлар.

Юқоридагилардан ташқари ишчи кучи баланслари хусусий ва йиғма, тармоқ ва ҳудудий балансларга бўлинади.

Ишчи кучининг хусусий баланси меҳнат ресурсларининг сифатини тўла тавсифлаш учун тузилади. Бу аёллар бандлиги, ёшлар меҳнат ресурслари, малакали ишчи кадрлар, мутахассислар баланслари ва ҳ.к.

Хусусий баланслар асосида йиғма баланслар тузилади.

Ишчи кучи йиғма режа баланси туманлар, иқтисодиёт тармоқлари бўйича меҳнат ресурслари ҳаракати ва уй хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурсларининг ўлуштини аниқлаш имконини беради.

3.3. Мехнат ресурслари ва аҳолининг келажакдаги сонини аниқлаш методикаси

«Мехнат ресурслари» тушунчаси ўз ичига барча ишлаётган ва ишламаётган, меҳнатга қобилиятли аҳолини олади. Бундай тавсиф барча формацияларга тегишли. Физиологик нуқтан назардан инсон фақат маълум бир жисмоний ривожланиш даражасига эга бўлибгина меҳнат қила олади. Демак, меҳнат ресурсларига аҳолининг ёши жиҳатидан бу даражага етмаган ва меҳнат қобилиятини йўқотган қисми киритилмайди. Шундай қилиб, меҳнат ресурслари мавжуд ва потенциал ишчи кучи, аҳолининг бир қисми сифатида намоён бўлади. Пастки чегараси потенциал ишчи кучини ташкил этади. Ёшига кўра чегараси ижтимоий-иқтисодий манбаларига боғлиқ. Энг муҳим-омиллар:

1. Аҳолининг моддий турмуш даражаси;

2. Ишчиларни тайёрлашга ҳукумат талаблари.

Жамият ривожланиши билан ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳам, меҳнат ресурслари чегараси ҳам ўзгариб туради.

Умумий анъана шундайки, кам ривожланган мамлакатларда ёш авлод меҳнат фаолияти билан эрта шуғуллана бошлайди, қариялар эса иш фаолиятини кеч тугатадилар.

Ривожланган мамлакатларда меҳнат ресурслари чегаралари ёш авлоднинг меҳнат фаолияти билан кеч шуғулланиши туфайли қисқартирилади.

Шундай қилиб, меҳнат ресурслари нафақат статистик миқдорий тушунча, балки, ижтимоий-иқтисодий категория ҳамдир.

Аҳоли ва меҳнат ресурслари сонининг режа даврига ҳисоб-китоблари иқтисодиётни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди.

Режа даврининг ҳар бир йилига аҳоли сони қуйидагича аниқланади: аҳоли сонидан режа давридаги ўлчамлар сони айрилиб, бу даврда туғиладиган ва яшайдиган болалар сони қўшилади.

Мамлакат ҳўжалигида аёллар иштирок этиш даражаси демографик, ижтимоий ва иқтисодий омилларга боғлиқ.

Демографик омилларга қуйидагилар киради: сони, тузилишлар сони, мактабгача ва мактаб ёнидаги сони;

Ижтимоий-иқтисодий омилларга эса, аҳоли даромадлари даражаси, турмушнинг саноатлаштирилиши, халқ таълими тизими ва кадрлар тайёрлаш тизими ривожланиши; аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ҳ.к.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларини режа даврига ҳисоб-китоб қилиш халқ ҳўжалиги ривожланиш режаларини ишлаб чиқишнинг муҳим қисмини ташкил этади.

Моддий ишлаб чиқариш объектлари ва хизмат кўрсатиш соҳаси кўрсаткичларини асослаш учун бутун аҳоли сонини аниқлаш керак.

Қисқача хулосалар

Ишчи кучи балансини тузишнинг назарий ва ижтимоий асослари ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, ривожлантириш назарияси ва амалиёти, табиий бойликлар, иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни кўзда тутди.

Баланс ҳисоб-китоблари тизими ишчи кадрларни тайёрлаш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солишнинг асосий усули сифатида ҳисоб-китобларни ўз ичига олади.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларини режа даврига ҳисоб-китоб қилиш иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим қисмини ташкил этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ишчи кучи баланси тузилишининг шарт-шароитлари нималардан иборат?
2. Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг келажакдаги сони қандай аниқланади?
3. Иш вақти баланси қандай тузилади?
4. Ишчи кучи балансининг қандай турлари бор?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. -Т.: «Ўзбекистон», 1992.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997.
4. Волков А. Перспективное планирование ресурсов. -М.: «Финансы», 1996.
5. Авдокушин Е. Международные экономические отношения. - М., 1996.
6. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти -Т., 1998.
7. Якубов И.О., Ташмухамедов Н.С. Балансовые проблемы. сб. текст. лек. ТГЭУ, 2000.

IV боб

МИЛЛИЙ БОЙЛИК БАЛАНСИ

4.1. Миллий бойлик, миллий мулк ҳақида тушунча ва уларнинг таркиби

Мамлакат миллий бойлиги - инсон меҳнати туфайли тўпланган номолиявий ва молиявий активлар ҳамда табиат инъомларининг йиғиндисидан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси миллий бойлигининг ҳажми 1991 йил 1 сентябрдан ҳисоблана бошланди. У яратилиш манбаи бўйича 2 қисмдан иборат:

1. Миллий мулк — инсон меҳнати туфайли шу давргача тўпланган бойликлар.

2. Табиат инъомлари — бойликлари.

Умуман, Европада қўлланадиган МХТ концепциясига асосан Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги қуйидагилардан ташкил топади:

Йил бошида

Моддий бойликлар		Молиявий ресурслар
Табиий ресурслар	Инсон меҳнати туфайли тўпланган моддий бойликлар	
АВ	ВГДЕ	ЖЗИКЛМН

Йил давомида қилинган операциялар

Моддий бойликлар бўйича қилинган операциялар	Молиявий ресурслар бўйича қилинган операциялар

Йил охирида

Моддий бойликлар		Молиявий ресурслар
Табиий ресурслар	Инсон меҳнати туфайли тўпланган моддий бойликлар	
АБ	ВГДЕ	ЖЗИКЛМН

I. Табиий ресурслар:

А - фойдаланишга киритилмаган;

Б - ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган.

II. Инсон меҳнати туфайли йиғилган моддий бойликлар:

В - асосий фондлар;

Г - моддий айланма маблағлар ва захиралар;

Д - аҳолининг шахсий мулки;

Е - бошқа моддий бойликлар.

III. Молиявий ресурслар:

Ж - олтин;

З - мавжуд пуллар ва банкдаги ҳисоблар;

И - қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари);

К - заёмлар;

Л - акциялар;

М - суғурта фондлари;

Н - бошқа молиявий маблағлар.

Миллий бойлик ҳажми, одатда, йил боши ва охирида қуйидагича аниқланади:

$$МБ + ТР + КМТЙМБ + МР.$$

Бунда: МБ - миллий бойлик;

ТР - табиий ресурслар;

КМТЙМБ - инсон меҳнати туфайли йиғилган моддий бойликлар;

МР - молиявий ресурслар.

Қандай мақсадга мўлжалланлигига қараб инсон меҳнати туфайли яратилган миллий бойликлар икки гуруҳга бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш фондлари;

2. Ноишлаб чиқариш фондлари.

Биринчи гуруҳ инсон меҳнати туфайли йиғилган бойликнинг 40 фоизга яқинини ташкил қилиб, ишлаб чиқариш воситаларидан иборат бўлади. Иккинчи гуруҳ инсон меҳнати туфайли йиғилган бойликларнинг асосий қисмини (60фоиз) ташкил қилиб, ноишлаб чиқариш фондлари, айланма фондлар ва аҳолининг шахсий мулкини ўз ичига олади.

Айланма фондлар — бу, ишлаб чиқариш воситаларининг битта ишлаб чиқариш жараёни давомида тамомила истеъмол қилинган қисми бўлиб, унинг қиймати тайёр маҳсулотга тўлалигича ўтади. Ноишлаб чиқариш воситалари таркибига қуйидагилар киради:

- меҳнат ашёлари ва ғамламалари;

- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим фабрикатлар;

- келажак учун мўлжалланган харажатлар.

Айланма фондлар асосий ишлаб чиқариш фондларининг тахминан 19-20 фоизини ташкил қилади. Улар йил давомида бир неча марта айланади. Шу сабабли йил мобайнида сарфлан-

ган ресурсларнинг умумий ҳажми уларнинг ўртача йиллик ҳажмига қараганда бир неча баравар катта бўлади.

Статистика мамлакатимиз миллий бойлиги ҳажмини ҳисоблаш билан бирга унинг динамикасини ҳам таҳлил қилади.

Бу формула миллий бойлик ҳажмининг миллий даромаддаги жамғарма меъёрига тўғри, йил бошидаги ҳажмига эса тесқари пропорционал боғланишда эканлигини ифодалайди. Миллий бойликнинг ўсиши жамғариш қонуни асосида юз беради. Бу қонунга биноан иқтисодиётда ўсиш юз берганда кўшимча маҳсулотнинг жамғариладиган қисми миллий бойликка айланади.

4.2. Миллик бойлик, миллий ҳисоблар тизимида актив ва пасив тушунчалар

Актив — бу, институционал бирликлар қўлидаги мулк бўлиб, эгалари унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи туфайли иқтисодий даромад топадилар. Активлар мулк объекти бўлганлиги сабабли захира кўринишида намоён бўлади. Мулкнинг қийматидаги ифодаси МҲТ да иқтисодий актив маъносини беради. Иқтисодий активнинг миқдори (кўлами) олинган иқтисодий даромад ҳажмига, шунингдек, муайян даврда ундан фойдаланилганлик даражасига ҳам боғлиқ.

Мулк объектларининг хизмат қилиш даври турлича бўлади. Вақт ўтиши билан улардан олинадиган даромад камайиб боради. Натижада мазкур мулкнинг бозор қиймати пасаяди. Шу тариқа ҳар бир институцион бирлик даромад топади. Айтайлик:

- ер эгаси деҳқончилик қилиш ёки ерни ижарага бериб, рента олишдан;

- пул ёки қимматли қоғозлар эгаси уни қарзга бериб, фоиз олишдан;

- капитал эгаси уни бизнесда ишлатишдан даромад топади.

Пассивлар - институцион бирликларнинг қарзлари ёки уларни узиш бўйича қарздорлик мажбуриятидир.

Активларнинг қийматини ҳисобга олиш уларнинг умумий миқдорини (ҳажми) ҳисобга олиш имконини беради. Активларнинг (А) умумий қийматидан (П) пассивлар айириб ташланса, институцион бирликларнинг ҳусусий капитали (ХК) келиб чиқади:

$$ХК = А - П$$

Макроиқтисодиётда ҳусусий капитал соф активлар деб юритилади. Активлар икки турдаги ресурслардан ташкил топади:

- моддий (номолиявий) ресурслар;
- молиявий ресурслар.

Моддий ресурслар, ўз навбатида, тикланадиган ва тиклан-майидиган фондларга бўлинади.

Моддий айланма воситалар ва моддий-товар маблағлар захиралари таркибига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқарувчилардаги тайёр маҳсулот ва тугаллан-маган ишлаб чиқариш ғамламалари;
- оралиқ истеъмол учун четдан сотиб олинган хомашё, маблағ ва ярим фабрикатлар ғамламалари;
- муомаладаги товар ғамламалари ва давлат ихтиёридаги захиралари.

Асосий фондлар ҳам ўз навбатида икки гуруҳ активлари-дан иборат:

1. Моддий тикланадиган активлар — тураржойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва қурилиш маҳсулотлари, ускуналар, ишлаб чиқаришга жалб қилинган табиий ресурслар, буюмлашган ба-дий асарлар;

2. Номоддий тикланадиган активлар — тадқиқотлар ва изланишлар, қазиб олинадиган минерал ресурслар, электрон-ҳисоблаш машиналари дастурлари , адабиёт ҳамда санъатнинг нодир асарлари ва ҳоказо.

Моддий активлар жамиятнинг моддий эҳтиёжини қонди-рувчи ва аниқ моддий ашёвий шаклдаги активлардир. Номоддий активлар ҳам моддий кўринишга эга бўлиб, улар номоддий эҳти-ёжни қондиради.

Асосий фондлар деганда хизмат муддати бир йилдан ортиқ ва қиймати ўн беш минимал иш ҳақидан кам бўлмаган ишлаб чиқариш воситалари тушунилади. Улар ишлаб чиқаришнинг бир босқичида эмас, балки бир неча босқичида иштирок этади-лар, маҳсулот ишлаб чиқарадилар ва натурал ашёвий шаклини сақлаб қолган ҳолда қийматларини тайёрланаётган маҳсулот қийматига қисман-қисман ўтказиб борадилар.

Соф молиявий актив иқтисодиётнинг соф активларини ёки ху-сусий капитални ҳисоблаш учун зарур. У қуйидагича аниқланади:

$$CMA=MA-MM$$

Бу ерда: CMA - соф молиявий актив;

MA - молиявий актив;

MM - молиявий мажбуриятлар.

Молиявий мажбурият кредиторлар ва қарздорлар ўрта-сида тузилган шартнома мунособатлари натижасида вужудга келади.

Молиявий мажбурият - қарздорларнинг ўз кредиторлари талабларини қондириш (тўлаш) бўйича мажбуриятдир.

Актив ва пассив баланслар, одатда, йил боши ва йил охиридаги ҳолатида ҳисобга олинади. Шунга қараб мутаносиб равишда актив ва пассив баланслар бошланғич ҳамда якуний кўринишларда тузилади. Бу баланслар МХТ таркибидаги тўртинчи тоифа ҳисоблар бўлиб, уларда активлар элементларининг таркибий мажбурият ва хусусий капиталнинг муайян вақтдаги ҳолати акс эттирилади.

Иқтисодиётнинг соф активи барча секторларнинг соф активлари йиғиндисиغا тенг:

$$I_{ca} = EC_a$$

Бу ерда: I_{ca} - иқтисодиётнинг соф активи;

EC_a - секторлар соф активларининг йиғиндиси.

Чет эл молиявий активлари мамлакатнинг чет эллар бўйича актив ва пассив балансларига асосланиб ҳисобланади. Бу баланснинг актив қисмида қуйидагилар ҳисобга олинади:

1. Чет эл валютаси захираси;
2. Хорижий инвестиция ва қимматли қоғоз;
3. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари;
4. Экспорт бўйича кечиктирилган тўловлар учун берилган кредит;
5. Хорижий давлатларнинг қарзлари;
6. Халқаро ташкилотларга берилган бадаллар;
7. Бошқа ташқи активлар (бунга валюта банкларининг қисқа муддатли чет эл активлари ва корпорацияларнинг чет эл активлари киради).

Баланснинг пассив қисмида қуйидаги унсурлар ҳисобга олинади.

1. Ички қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар;
2. Ички иқтисодиётга қилинган инвестициялар;
3. Импорт бўйича кечиктирилган тўловлар учун берилган кредит;
4. Хорижий давлатлардан қарзлар;
5. Бошқа ташқи қоғозлар (бунинг таркибига валюта банкларининг қисқа муддатли ташқи қарзи ва корпорацияларнинг ташқи қарзлари киради).

Активлар ва мажбуриятлар баланслари ўрганилаётган давр боши ва охиридаги ҳолати билан қуйидаги даромадлар бўйича ишлаб чиқилади:

- институционал бирликлар;
- иқтисодиёт секторлари;

- мамлакат иқтисодиёти миқёсида.

Активлар ва мажбуриятлар балансини тузиш бозор баҳосида олиб борилади. Активнинг таркибий элементлари ва уларнинг давр боши ва охиридаги ўзгариши қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$A_0 + B - C + D + X = A_1$$

Бу ерда: A_0 ва A_1 - активларларнинг давр боши ва охиридаги қиймати (бозор нархида); B - сотиб олинган активлар (олди-сотди қилиш чоғидаги баҳода);

C - сотилган ёки тугатилган активлар;

D - активлар таркибидаги бошқа ўзгаришлар;

X - активлар бўйича холдинг номинал фойдаси (+) ва зарари (-).

Жамғарма — капиталнинг шаклланишида ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Унинг миқдори мавжуд даромаддан жамғариш фойзига боғлиқ ва у мавжуд даромад билан ҳақиқий пировард истеъмол ўртасидаги фарққа тенг. Соф жамғарма капитал ҳажмининг ўзгаришида биринчи ва ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Молиявий активлар таркибидаги ўзгаришлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳалокат ёки фожиа натижасида кўрилган зарарлар;
- қопланмайдиган мусодара қилишлар;
- тасниф ва таркибий қисмлардаги ўзгаришлар.

4.3. Асосий фондлар баланслари

Ишлаб чиқарувчилар ўз фаолиятини амалга ошириши учун маълум миқдорда ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлишлари керак:

Ишлаб чиқариш фондлари (асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ўтказувчи қурилмалар ва ҳоказолар) ёрдамида ишчи кучи ишлаб чиқариш воситаларига тайёр маҳсулот олиш учун таъсир этади. Улар ишлаб чиқариш жараёнининг бир неча актларида иштирок этади ва аста - секин эскириб боради. Ишлаб чиқариш предметлари (материаллар, ёнилғи ва ҳоказо) эса ишлаб чиқариш жараёни охирида бутунлай ишлатилиб, уларнинг қиймати тайёр маҳсулотга ўтиб кетади.

Демак, ишлаб чиқариш предметлари ўз қийматларини бир ишлаб чиқариш босқичида тайёр маҳсулотга ўтказди. Ишлаб чиқариш фондлари эса ўз қийматининг эскириб боришига қараб, аста-секин ўтказди ва ишлаб чиқаришнинг бир неча босқичида қатнашади.

Шундай қилиб, асосий фондлар қиймат (пул) шаклида ифодаланган, хизмат муддати 1 йилдан кам бўлмаган меҳнат воситаларининг йиғиндиси бўлиб, улар ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт қатнашади ва қийматини тайёр маҳсулотга аста-секин, эскиришига қараб ўтказа боради.

Асосий фондлар ҳажмини аниқлаш учун уларнинг ҳар бири ёки бир гуруҳи натурал кўрсаткичда ҳисобга олинади. Масалан, печлар — фойдаланиш майдони кубметр (m^3) да, яшайдиган иморатлар — сонда ва фойдаланиш майдони квадратметр (m^2) да ҳисобланади ва ҳоказо.

Асосий фондларни бундай кўрсаткичларда ҳисобга олиш кўп иқтисодий масалаларни ўрганишга хизмат қилади.

Шунга қарамай, асосий фондларнинг ҳолати ва эскиришига баҳо бериш, ишдаги умумий кўрсаткичларни аниқлаш, уларни гуруҳлаш, тармоқ ёки бутун саноатнинг асосий фондлари ҳажмини аниқлашда қиймат (пул) шаклида баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Бу шакл асосида йиллик амортизация нормаси ва суммаси аниқланади, асосий фондларнинг баланси тузилади.

Амалиётда асосий фондларни қуйидагича баҳолаш усуллари қўлланилади:

1. Тўлиқ қиймати бўйича:

а) тўла бошланғич қиймати бўйича;

б) тиклашдаги қиймати бўйича.

2. Эскирган қисмини ажратиш қиймати бўйича:

а) тўла бошланғич қийматида эскирган қисмини ажратиш;

б) тиклашдаги қийматида эскирган қисмини ажратиш.

3. Йўқотишдаги қиймати.

Асосий фондларни сотиб олиш, олиб келиш, ўрнатиш жараёнидаги харажатлар йиғиндиси асосий фондларнинг тўлиқ бошланғич қийматини ташкил этади ва у баҳолашнинг асосий тури ҳисобланади. Асосий фондлар шу баҳода корхоналарнинг балансига ўтказилади.

Тиклаш қиймати эса шу қийматнинг ҳозирги баҳоларда ифодаланишидир. Қурилиш материалларини ҳозирги баҳосида, ҳозирги вақтдаги транспорт ва ҳоказолар харажатлари бўйича баҳолаш асосий фондларни қайта баҳолаш натижасида аниқланади.

Эскирган қисмини ажратиш қиймати деб, тўлиқ бирламчи қиймати ёки тиклаш қийматидан эскирган қисм қиймати айириб ташлангандан кейин қоладиган қийматга айтилади.

Эскириб, ишлаб чиқаришдан чиқариб ташлашдаги қиймати йўқотиш қиймати дейилади.

Асосий фондлар амортизацияси жисмоний ва маънавий томондан эскиришни пул шаклида ифодалашдир. Шу билан

бирга амортизация асосий фондлар қийматининг тайёр маҳсулотга ўтказган қисмини белгилайди. Жисмоний эскириш уларни ишлатиш натижасида ҳосил бўлади. Маънавий эскириш эса улар замон талабига жавоб бера олмай қолганида рўй беради.

Маънавий эскиришнинг 2 тури мавжуд:

1) Мавжуд асосий фондларга нисбатан унумлироғи ишлаб чиқарилганда;

2) Мавжуд асосий фондларга нисбатан арзонроғи ишлаб чиқарилганда.

Жисмоний ва маънавий эскиришнинг амортизация ажратмалари аста-секин йиғила бориб, амортизация фондини ташкил этади. Бу фонд ҳисобидан асосий фондлар бутунлай ёки қисман тикланиб борилади. Асосий фондлар амортизациясини ўрганишда йиллик амортизация суммасини ва амортизация меъёрини ажратиш керак.

Йиллик амортизация суммаси — йил давомида ажратилган амортизация суммалари йиғиндиси бўлиб, у мутлақ миқдор — сўмларда ифодаланади.

Бу фондлар суммасия ишлаб турган вақтида уларни капитал таъмирлаш ва қайта ускуналаш учун, ишдан чиққанида эса қийматини бутунлай коплаш ёки янгисини сотиб олиш учун ишлатилади. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

П(В)-Л

$$A = \frac{\text{П(В)-Л}}{X}$$

Бу ерда: П(В) - асосий фондларнинг тўла бошланғич қиймати;

Л - йўқотишдаги қиймати;

Х - асосий фондларнинг хизмат даври.

Амортизация нормаси деб, йиллик амортизация суммасини унинг тўлиқ бирламчи бош баҳосига нисбатан фоизда ифодаланишига айтилади.

$A * 100$

$$Na = \frac{A * 100}{\text{П(В)}}$$

Агар ушбу станок 10 йилдан кейин ҳам ишлаб чиқаришда иштирок этаверса, унда фақат капитал таъмир учун амортизация ажратилади.

Корхоналардаги асосий фондлар қиймати муттасил ўзга-

риб туради. Уларнинг кўпайишига қуйидаги омиллар таъсир этади:

- 1) Сотиб олиш;
- 2) Қуриш;
- 3) Инвентаризация давридаги баҳосининг ортиши.

Асосий фондлар ҳажмининг камайиши қуйидаги омиллар таъсирида кечади:

1. Эскирганлиги сабабли йўқотиш;
2. Бошқа корхоналарга сотиш;
3. Табиий офат натижасида йўқотилиши;
4. Инвестиризация баҳосининг камайиши.

Асосий фондлар ҳақидаги маълумотларга асосан корхона ва тармоқ бўйича уларнинг тўлиқ қийматига кўра баланс тузилади.

$$Аф_1 = Аф_0 + Аф_{кир} - Аф_{чик}$$

Бунда: $Аф_0$ - асосий фондларнинг йил бошидаги қолдиғи;

$Аф_1$ - асосий фондларнинг йил охиридаги қолдиғи;

$Аф_{кир}$ - ишлаб чиқаришга киритилган асосий фондлар;

$Аф_{чик}$ - ишлаб чиқаришдан чиқиб кетган асосий фондлар.

Масалан: тармоқда йил бошида 6000 м.с. асосий фонд мавжуд эди. Йил давомида ишлаб чиқаришга 1200 м.с. асосий фонд киритилди ва 200 м.с. асосий фонд чиқарилди. Асосий фондларнинг йил охиридаги қиймати аниқлансин ва баланси тузилсин:

1) $Аф_1 = Аф_0 + Аф_{кир} - Аф_{чик}$

2) $6000 + 1200 - 200 = 7000$

3) $6000 + 1200 = 200 + 7000$

4) $7200 \text{ м.с.} = 7200 \text{ м.с.}$

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қилиш учун уларнинг ишлаш ҳолати, эскириш даражаси ва бу фондлардан фойдаланиш даражасини тавсифлайдиган маълумотларга эга бўлмоқ керак.

Асосий фондларнинг эскириш даражаси мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда ифодаланади:

Масалан, саноат тармоғининг йил бошидаги асосий фондлари қиймати 10 млн. сўм. Унинг қолдиқ қиймати эса 8 млн. сўм. Бундай ҳолда унинг эскириш суммаси 2 млн. сўм. бўлади. Эскириш коэффиценти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\text{Эскириш коэф.} = \frac{\text{Оф} - \text{Оф}^1}{\text{Оф}};$$

Бу ерда: Оф-асосий фондларнинг бошланғич қиймати;
Оф¹-қолдиқ қиймат.

Эскириш коэффиценти яроқлилиқ коэффиценти билан узвий боғлиқ. Эскириш коэффиценти қанча кичик бўлса, яроқлилиқ коэффиценти шунча катта бўлади ва аксинча. Агар «1» дан эскириш коэффиценти айириб ташласак, яроқлилиқ коэффиценти эга бўламиз. Юқоридаги мисолимизда

$$\text{эскириш коэффиценти} = \frac{10-8}{10} = 0.2 \text{ ёки } 20 \% \text{ бўлса,}$$

$$\text{яроқлилиқ коэффиценти} = 1-0.2 = 0.8 \text{ ёки } 80 \% \text{ бўлади.}$$

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш суръатини тавсифлаш учун уларнинг жисмоний ва техник ҳолатини ўрганишда янгилаш коэффиценти қўлланилади.

$$\text{Янгилаш коэффиценти} = \text{ЕВ} / \text{ЕО}_{\text{фк}}$$

Бунда: ЕВ- ишлаб чиқаришдаги янги киритилган асосий фондлар қиймати;

ЕО_{фк} - асосий фондларнинг йил охиридаги қиймати;

Бундан ташқари чиқиб кетиш коэффиценти ҳам қўлланилади.

$$\text{Чиқиб кетиш коэффиценти} = \text{ЕВ} / \text{ЕО}_{\text{фн}}$$

Бунда: ЕВ- ишдан чиқарилган асосий фондлар қиймати;

ЕО_{фн} -асосий фондларнинг йил бошидаги қиймати.

Жамиятимизнинг моддий - техника базаси мустаҳкамлангани сари меҳнатнинг асосий фондлар билан қуролланиш даражаси ортиб боради. Бу кўрсаткич асосий фондларни қиймати корхонадаги ходимлар сонига ёки энг кўп ишчи ишлаган сменадаги ишчилар сонига бўлиб аниқланади.

Масалан, корхонада асосий фондлар қиймати - 12 млн.сўм. Энг кўп ишчилар ишлаган сменадаги ишчилар сони 12000 киши. Бунда меҳнатнинг фонд билан қуролланганлиги $= 12000 / 12 = 10$ млн.сўм.

Демак, ҳар бир ишчи 10000 минг сўмлик асосий фонд билан қуролланган экан. Бу кўрсаткичнинг ортиши меҳнат унумдорлиги ортишига олиб келади.

Қисқача хулосалар

Мамлакат миллий бойлиги — инсон меҳнати туфайли тўп-ланган номолиявий ва молиявий активлар табиат инъомларининг йиғиндисидан ташкил топади.

Актив — бу институционал бирликлар қўлидаги мулк бўлиб, эгалари унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш туфайли иқтисодий даромад топадилар. Пассивлар — институцион бирликларнинг қарзлари ёки уларни узиш бўйича қарздорлик мажбуриятидир.

Асосий фондлар - қиймат (пул) шаклида ифодаланган хизмат муддати 1 йилдан кам бўлмаган меҳнат воситаларининг йиғиндисидир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Миллий бойлик деганда нимани тушунасиз?
2. Миллий бойлик статистикасининг асосий вазифаларини тушунтириб беринг.
3. Миллий мулк нима?
4. Асосий фондлар деганда нимани тушунасиз?
5. Асосий фондлар қандай баҳоланади?
6. Асосий фондлар балансларини тушунтиринг.

Асосий адабиётлар

1. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. — Т.: «Ўзбекистон», 2000.
2. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. М.: «Инфра», 2000.
3. Ивашковский С.Н. Экономика : микро и макроанализ. М.: «Дело», 1999.
4. Ишмухамедов А.А ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. Т.: «Ўқитувчи», 1996.
5. Иқтисодий йўналишлар: чораклик нашр. Ўзбекистон (январь — март, 2000) - Т: Ўзбекистон Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, 2000.
6. Ғойибназаров. Б.К. Миллий ҳисоблар тизими — макроиктисодий таҳлил асоси. Илмий рисола. — Т.: «Фан», 2001.
7. Якубов И.О., Ташмухамедов Н.С. Балансовые проблемы. Сб. текст. лек. ТГЭУ, Т., 2000.

V боб

АҲОЛИ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ БАЛАНСИ

5.1. Аҳоли пул даромадлари

Пул даромадлари барча тоифалардаги аҳолининг меҳнати эвазига олган иш ҳақи, тадбиркор шахслар даромадлари, нафақа, тушум, стипендия, мулкдан олинган даромадлар, қимматбаҳо қоғозлар, дивидентлар, рента, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорва молларини сотиш, турли хизматларни кўрсатишдан олинган даромад ва бошқалардан иборат.

1. Аҳолининг реал умумий даромадлари деганда, сотиб олиш нархлари ўзгаришларига мослаштирилган, бепул ёки ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан аҳолига хизматлар учун имтиёзлар берилгандаги қийматларга шахсий даромадларни қўшиш орқали аниқланган даромад тушунилади.

2. Аҳолининг ихтиёридаги шахсий даромадлари истеъмол нархлари ўзгаришига мослаштирилган шахсий даромадларидир.

3. Аҳоли даромадлари йиғиндиси унинг шахсий даромадларига ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан бепул ёки имтиёзли равишда кўрсатилган хизматлар қийматини қўшиш орқали аниқланади.

4. Аҳолининг шахсий даромадлари - ишчиларни ёллаб ишлатганликлари учун, шахсий ёрдамчи хўжаликдан, якка тартибдаги меҳнат фаолияти натижасида, молия -кредит тизимидан олинган барча пул ва натура шаклидаги даромадлардир.

5. Аҳоли ихтиёридаги шахсий даромадларни (2) топиш учун аҳолининг шахсий даромадларидан солиқлар, мажбурий тўловлар ва аҳолининг ҳар хил ижтимоий ташкилотларга тўлайдиган бадалларини чегириб ташлаш лозим.

6. Аҳолининг пул даромадлари (аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари балансининг даромад қисми) ўз ичига корхоналардан тушаётган пул тушумлари, нақд бўлмаган ўтказмалар ва солиқ, турли хил тўловлар, аҳолининг пул даромадлари ҳисобидан кўрсатилаётган хизматлар ва маҳсулотлар қийматини ўз ичига олади. Аҳоли гуруҳлари орасидаги пул айланиши балансда ҳисобга олинмайди.

7. Ишчиларнинг ўртача даромадлари ва ўртача иш ҳақи ҳар бир ишчининг истеъмолига йўналтирилган воситалар йиғиндисига асосан аниқланади.

Истеъмолга йўналтирилган воситаларга қуйидаги натура

ва пул шаклидаги тўловлар киради: меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, рағбатлантиришлар ва пул тўловлари, акциялардан келаётган дивиденд ва фоизлар.

8. Реал иш ҳақининг ўртача қиймати номинал иш ҳақидан солиқлар чегириб ташлагандан сўнг, истеъмол товарлари ва хизматлари нархлари индекси нисбатига тенг.

9. Нафақа, стипендия ва ёрдам пулларининг ўртача қиймати иш билан банд, қарилиги сабабли, ногиронлиги, боқувчиси йўқлиги бўйича пенсиялар ва ижтимоий пенсияларнинг миқдориغا асосан ҳисобланади. Ушбу нафақалар бир хил вақтда, ҳар ой тўланади.

Аҳолининг пул маблағлари ўз ичига аҳолининг қўл остида бўлган нақд пуллари, халқ банки ва бошқа банклардаги омонот қўйилмалари, облигациялари, давлатнинг ҳаёти суғурта қилиш бўйича полислари, сертификатлар, акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни олади.

Аҳоли пул харажатлари ва жамғармалари аҳолининг товарлар ва турли хизматларни сотиб олишга қилган харажатлари, мажбурий тўловлар ва турли хил аъзолик бадаллари (солиқ ва йиғимлар, суғуртага тўловлар, ижтимоий ва кооператив ташкилотларга аъзолик бадаллари, товар кредитига фоизлар ва бошқалар) ҳамда шахсий жамғармаларидан иборат.

Аҳолининг турмуш даражасини иқтисодиётда қуйидаги кўрсаткичлар характерлаб беради:

- жон бошига тўғри келган соф миллий даромад;
- номинал ва реал даромад индекслари;
- турмуш қиймати индекси;
- инсон баркамоллиги индекси;
- аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси;
- яшаш минимуми ва бошқалар.

Бу кўрсаткичлар қиймат - пул кўрсаткичлари бўлиб, аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини акс эттиради. Аҳоли жон бошига яратилган соф миллий даромад иқтисодий тараққиётни ва аҳоли турмуш даражасини ифодалайди:

$$K = \frac{СМД}{\Delta}$$

Бу ерда: К - аҳоли турмуш даражаси коэффициенти;
СМД - соф миллий даромад;
Δ - аҳолининг ўртача йиллик сони.

Аҳоли турмуш даражасининг юксалиши учун СМД нинг ўсиш суръати аҳолининг ўсиш суръатидан юқори бўлиши лозим. Буни аниқлаш учун турмуш даражаси индексини ҳисоблаш керак:

$$I_{т.д.} = \frac{СМД_1}{A} : \frac{СМД_0}{A_1} = K_1 : K_0$$

Бу ерда: $I_{т.д.}$ - аҳоли турмуш даражаси индекси;

Агар $I_{т.д.}$ бирдан катта бўлса, иқтисодий ўсиш содир бўлган, бинобарин аҳоли турмуш даражаси ошган. Агар $I_{т.д.}$ бирдан кичик бўлса, аксинча.

$I_{т.д.} = 1$ бўлганда аҳоли турмуш даражаси ҳам ўзгармаган.

5.2. Аҳолининг номинал ва реал даромадлари

Аҳолининг номинал даромади ишловчининг муайян турдаги иш (хизмат) ларни бажаргандан сўнг унинг меҳнати натижасига қараб (бунда, албатта, унинг миқдори ва сифати ҳисобга олинади) бериладиган меҳнат (иш) ҳақи кўринишидаги жами даромадларини ифодалайди.

Статистикада аҳолининг номинал даромади — аҳолининг ўз мулкидан (рента, фойда, фоиз) олган даромадлари билан меҳнат туфайли олган даромадлари (иш ҳақи, тадбиркорлик даромади) йиғиндиси сифатида кўрилади.

Номинал даромад аҳолининг турмуш даражасини старли даражада баҳолай олмайди. Чунки, бу даромад жорий истеъмол баҳоларида кўрсатилади. Шунинг учун аҳолининг реал даромадини ҳисоблашга эҳтиёж туғилади.

Реал даромад жами пул даромадларидан турли тўловлар (солиқлар, ижтимоий суғуртага ажратмалар) ажратиб ташлангандан сўнгги қолган пул даромадини истеъмол нархлари индексига бўлиш ёрдамида аниқланади:

$$РД = \frac{\text{Номинал даромад} - \text{турли хил тўловлар}}{\text{Истеъмол нархлари индекси}}$$

Реал даромад истеъмол товарлари ва хилма-хил хизматларда ифодаланган даромад бўлиб, пул даромадининг харид қобилиятини билдиради, аҳоли турмуш даражасини умумлашган ҳолда характерлайди.

Аҳолининг реал даромади индекси. Аҳолининг умумий ва якуний даромадларини ҳисоблаш натижасида унинг реал даромад индекси ҳисобланади. Буни қуйидаги жадвалда кўриб чиқамиз.

Аҳолининг реал даромад индексини ҳисоблаш

	Кўрсаткичлар	1999 йил	2000 йил
1	Аҳолининг умумий даромадлари, млн. сўм	567	598
2	Умумий номинал даромаддан чегириб ташланадиган ҳар хил тўловлар (турли хил солиқлар ва маиший хизматлар учун тўловлар)	98	112
3	Аҳолининг реал даромади, ҳақиқий баҳоларда, млн сўм (1-2)	469	486
	Истеъмол нархлари индекси (I_p)	1,0	1,16
	Реал даромад солиштира баҳода, млн.сўм (3: 4)	469	418,9

Аҳолининг реал даромад индекси қуйидагича ҳисобланади:

$$I_{PD} = \frac{PD_1}{PD_0} : I_p$$

Бу ерда: PD_0 ва PD_1 — реал даромаднинг базис ва жорий даврлардаги қиймати;

I_p — истеъмол нархлари умумий индекси.

$$I_{PD} = \frac{PD_1}{PD_0} : I_p = (486 : 469) : 1,16 = 0,893 \text{ ёки } 89,3 \%$$

Демак, аҳолининг реал даромади жорий даврда базис даврга нисбатан 10,7 % га камайган.

Ўрганилаётган йилларда истеъмол нархлари индекси эса 16 % га ошган. Агар баҳо ўзгармаган ёки пасайган ҳолатда аҳолининг пул даромади кўпайса, реал даромад ҳам кўпаяди. Агар пул даромади ўзгармай туриб, нарх ошса, реал даромад пасаяди, нарх пасайса, аксинча, ортади. Аҳолининг пул даромади ва нарх реал даромадга қарама- қарши йўналишда таъсир кўрсатади.

Оилаларнинг даромад ва харажатларини статистик ўрганиш уй хўжалиги бюджетларини статистик текшириш асосида ҳар ойда мунтазам равишда оилаларни (турли касбдаги) танлаб олиш асосида амалга оширилади.

Уй хўжалиги бюджетларини текшириш маълумотлари аҳоли даромади истеъмол харажатлари, аҳоли турли қатламларидаги даромад ва харажатларининг ўзгаришини тавсифлайди. Уй хўжалиги ва унинг таркибидаги аъзоларнинг бандлиги билан боғ-

ланган ҳолда, улар орасидаги фарқларни очишда фойдаланилади, даромад даражасини истеъмол билан боғланган ҳолда даромадларни шакллантиришда алоҳида манбалар ролини кўрсатади; истеъмол талаблари ўзгаришларини босқичма-босқич ифодалашда фойдаланилади; даромадлар даражаси ва аҳоли турмуш даражасини тавсифловчи бошқа кўрсаткичлар дифференциациялашини ифодалайди.

5.3. Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси

Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси аҳоли даромадларининг йиғиндиси ва уларнинг ташкил топиш манбалари, харажатлари миқдори ва таркибини ифодалайди.

Аҳолининг пул даромадлари таркибига қуйидагилар киради: меҳнат ҳақи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлар, пенсия, стипендия ва бошқа нафақалар, молия ташкилотларидан тушумлар (суғурта тўловлари, омонатдан тушумлар, заём ютуқлари), шахсий қурилиш ва бошқа мақсадлар учун олинган қарзлар ҳ.к.лар.

Аҳоли харажатларига қуйидагилар киради:

1. Товарлар ва хизматларни сотиб олиш:

- а) турли шохобчалардан сотиб олинган товарлар;
- б) хизматларни тўлаш ва бошқа харажатлар, шу жумладан:
 - уй - жой ва маиший хизматлар тўлови;
 - коммунал хизматлар учун тўловлар;
 - таълим хизматлари учун тўловлар;
 - дам олиш, санатория йўлланмалари учун тўловлар;
 - тиббиёт ва туризм учун тўловлар;
 - кино, театр, турли томошалар учун тўловлар;
 - транспот ва алоқа хизматлари учун тўловлар;
 - бошқа харажатлар.

2. Мажбурий ва ихтиёрий тўловлар:

- а) солиқ ва йиғимлар;
- б) суғурта учун тўловлар;
- в) қарзларни тўлаш.
- г) лоторея билетларини сотиб олиш;
- д) товар кредити учун фоиз тўловлари;
- е) нафақа фонди учун тўловлар.

3. Омонатга қўйилган ва қимматли қоғозларга қилинган сарфларнинг ўсиши:

- а) халқ банкига ва бошқа банкларга қўйилган омонатларнинг ўсиши;
- б) ички заёмларни сотиб олиш.

- в) сертификатларни сотиб олиш.
- г) банк билан ҳисоб-китоб қилиш мақсадида пластик карточкаларни сотиб олиш.
- д) корхоналар акцияларини сотиб олиш;
- 4. Уй - жой сотиб олиш;
- 5. Чет эл валюталарини сотиб олиш;
- 6. Пул ўтказмалари.

Бозор иқтисодиёти шароитида республикада бозор принципларидан келиб чиқиб, аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси таркибида бир қанча ўзгаришлар юз берди. Масалан, аввал аҳоли пул даромадлари таркибида дивиденд, фоиз, тадбиркорлик ва чет эл валютасини сотишдан тушган даромадлар акс этмас эди. Ҳозирги кунда бу даромадлар аҳоли даромадларида маълум ўринга эга. Аҳоли харажатларига эса банк билан ҳисоб-китоб қилиш учун пластик карточкаларни сотиб олиш, корхоналар акцияларини сотиб олиш, чет эл валюталарини сотиб олиш ва шу каби харажатлар қўшилган.

Дивиденд — бу, акциядорлик жамияти кўрган фойданинг акциядорларга улуш сифатида тегадиган қисми. Бозор иқтисодиёти ривожланган сари дивиденднинг аҳоли даромадларидаги салмоғи ортиб боради. Чунки, аҳолининг тобора кўпроқ қисми акциядорларга айланади. Акциядан олинадиган номинал даромад (A_n) қуйидагича аниқланади:

$$A_n = \frac{D}{A} \times 100 \%$$

Бу ерда: D - дивиденд;
 A - акция қиймати.

Акциядан олинадиган реал даромадни ҳисоблаш учун инфляциянинг таъсири инобатга олинади:

$$A_{рд} = A_n \times I_p$$

Бу ерда: I_p - нархнинг умумий индекси.

Фоиз — бу, пул эгаси ўз пулини ўзгаларга қарзга берганлиги учун оладиган даромади. Фоиз қарзга берилган пул суммасига нисбатан улуш даражасида белгиланади, яъни фоиз ставкаси аниқланади:

$$\Phi_n = \frac{КД}{КС} \times 100\% ; \quad КД = КС \times \Phi ; \quad \Phi_p = \Phi_n \times I_p$$

Бу ерда: Φ - номинал фоиз ставкаси.

КД - кўзланган даромад; КС - қарз суммаси; Φ - реал фоиз ставкаси; I_p - нарх индекси.

3 - жадвал

Аҳоли даромадлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари (%)

Даромад турлари	1999 йил	2000 йил
ЖАМИ:	100	100
шу жумладан,		
- иш ҳақи	30,67	28,57
- корхоналардан олинган даромад	0,57	0,47
- жамоа хўжаликларида олинган даромад	3,85	1,9
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан келган даромад	23,0	22,96
- нафақа, ёрдам пули, стипендия	15,07	17,02
- тадбиркорликдан олинган		
Даромад	26,84	29,08

4-жадвал

Аҳоли харажатларининг тақсимланиши (%)

Харажат турлари	1999 йил	2000 йил
ЖАМИ	100	100
шу жумладан,		
- истеъмол харажатлари	89,44	90,02
- мажбурий тўлов ва бадаллар	8,86	8,25
- омонотларни ўсиши	1,42	1,55
- бошқа харажатлар	0,28	0,18

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси пул даромадлари ва харажатлари балансининг даромадлар қисмида 2000 йили 1999 йилдагига нисбатан иш ҳақи, корхоналар, жамоа хўжаликларида ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган даромадларнинг салмоғи камайган ҳолда, нафақа, ёрдам пули, стипендия ва тадбиркорликдан олинган даромадлар салмоғи ошган. Балансининг харажатлар қисмида 2000 йилда истеъмол харажатлари салмоғи ошгани, мажбурий тўлов, бадаллар ва бошқа харажатлар салмоғи камайганини кузатишимиз мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларини индексациялаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бу аҳоли даромадлари ошишига ёрдам беради.

Индексация — фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг бир тури бўлиб, аҳолининг айниқса, кам таъминланган аҳолининг (нафақадаги, ногиронлар, кўп болали оилалар, талабалар) пул даромадларини ва уларни сотиб олиш қобилиятини сақлаб қолишга қаратилган. Индексацияни амалга оширишда истеъмол буюмларига бўлган нарх индекси асос қилиб олинади. Индексацияни амалга оширишда энг кам истеъмол савати аниқланади. «Истеъмол савати» — инсонга зарур бўлган озиқ-овқат, саноат моллари ва хизматларининг тирикчилик учун кифоя қиладиган ҳажмидир.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, айтиш мумкинки, республикамызда аҳоли истеъмол харажатларининг салмоғи ошганини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пул даромадларини индексация қилиш фуқаролар даромадини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

5.4. Аҳоли истеъмоли

Моддий неъматлар, хизматлар истеъмоли даражаси ва унинг структураси «аҳоли турмуш даражаси»нинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Аҳолининг турмуш даражасини тавсифлашда ноишлаб чиқариш истеъмоли, яъни хизмат кўрсатиш соҳаларидаги муассаса ва ташкилотлардаги аҳолининг истеъмол кўрсаткичларидан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш истеъмоли, яъни меҳнат предметлари ва воситаларининг ишлаб чиқариш жараёнидаги истеъмоли моддий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади ва «Иқтисодий статистика»нинг ўрганиш объектидир.

Ноишлаб чиқариш истеъмоли 3 та таркибий элементга бўлиниши мумкин:

1) аҳолининг шахсий истеъмоли (шахсий бюджет ҳисобига молиялаштирилади);

2) аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (мактаб, клублар, театр-концерт ташкилотлари, пассажир транспорти) ва муассасаларнинг моддий харажатлари шаклида ифодаланадиган моддий неъматлар истеъмоли;

3) Давлат бошқаруви, муҳофаа, фан ва техника хизматларини кўрсатиш ва ижтимоий соҳада моддий неъматлар истеъмоли.

Биринчи 2 элемент аҳолининг истеъмол фондларини шакллантиради. Бу фонднинг таркиби, миқдорлари ва тузилмаларини тўлиқ статистик ўрганиш аҳолининг озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал, уй-жой, маданий-маиший предметларга мўлжалланган рационал истеъмолини қондириш жараёнини акс эттириш учун муҳим ижтимоий аҳамиятга эга.

Аҳолининг истеъмол фондини ўрганиш учун бир қатор

гуруҳлашлар қўлланилади. Ўз навбатида бу фонднинг натурал-буюм таркиби текширилади. Моддий неъматлар истеъмолининг бундай гуруҳлари: озиқ- овқат маҳсулотлари; яхна ичимликлар ва тамаки; кийим-кечаклар; пойабзал; мебель ва хўжалик товарлари; узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган маданий-маиший буюмлар; ёнилғи ва ёритувчи товарлар; электр-энергия, сув, газ, уй-жой фондининг эскиришидан иборат.

Жамият аъзоларининг моддий таъминланиши аҳолининг турли хил моддий неъматларга бўлган истеъмол даражаси ва тузилмаси билан аниқланади. Аҳолининг моддий неъматлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси, яъни истеъмолини тавсифлаш учун тегишли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Бу кўрсаткичлар қиймат ва натура шаклида ҳисобланиши мумкин. Мисол учун, шундай умумлашган кўрсаткичлардан бири «моддий неъмат ва хизматларга бўлган умумий истеъмол ҳажми» қиймат шаклида аҳоли жон бошига ҳисобланиши мумкин. Бу кўрсаткични ҳисоблашда истеъмол қилинган моддий неъматларнинг ҳажми аҳолининг моддий неъматларга бўлган шахсий истеъмоли қиймати сифатида аниқланади (бунда давлат уй-жой фондининг йиллик эскириш қиймати ҳисобга олинмайди).

Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол кўрсаткичларини ҳисоблашда муайян хусусиятлар вужудга келади. Озиқ- овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол 80 % ни ташкил этади. Озиқ- овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол кўрсаткичларини аҳоли жон бошига ҳисоблашда (одатда йилга) натурал ва шартли натурал ўлчов бирликлари қўлланилади.

Масалан, қаймоқ, қатик, сариёғ ва бошқалар «сут ва сут маҳсулотлари» гуруҳига бўлган истеъмол бўйича қайта ҳисобланади. Аҳоли жон бошига озиқ- овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж 10 та асосий гуруҳга ажратилади.

5-жадвал

Озиқ- овқат маҳсулотлари (аҳоли жон бошига, кг да)

Маҳсулотлар	1960 йил	1970 йил	1980 йил	1990 йил	Рационал норма
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	39,5	47,5	57,6	62,4	78
Сут ва сут маҳсулотлари	240	307	314	333	405
Тухум, дона	118	159	239	268	292
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	9,9	15,4	17,6	18,7	18,2
Шакар	28,0	38,8	44,4	44,0	40,0
Ўсимлик ёғи	5,3	6,8	8,8	9,8	9,1
Картошка	143	130	109	107	110
Сабзавот ва полизлар	70	82	97	102	130
Мевалар	22	35	38	56	91
Нон ва нон маҳсулотлари	164	149	138	132	115

Бунда аниқ маҳсулотларга бўйича натура ҳолидаги истеъмол фонди алоҳида маҳсулот турининг моддий баланслари асосида аниқланади. Аҳоли жон бошига озиқ- овқат маҳсулотлари кўрсаткичларининг бошқа хусусиятлари шунда намоён бўладики, уни алоҳида ҳудудлар бирлиги бўйича таққослашда истеъмолчилар таркибини ёши бўйича (эркаклар ва аёллар истеъмоли, ёш болалар ва катта ёшдагилар, ёшлар ва пенсионерлар, жисмоний ва ақлий банд бўлганларга ажратган ҳолда) ҳисобга олиш зарур.

«Истеъмолни қондириш коэффиценти» кўрсаткичини ҳисоблаш учун истеъмолнинг ҳақиқий даражаси (ХИ) илмий асосланган нормага - истеъмолнинг рационал нормасига (РИ) нисбати билан ифодаланади, яъни:

$$K = \frac{\text{Ҳақиқий истеъмол даражаси}}{\text{Рационал норма}}$$

Истеъмолнинг рационал нормалари — тиббиёт, биология ва ижтимоий соҳа мутахассислари томонидан ишлаб чиқилади.

Аҳолининг озиқ - овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни яхшилаш нафақат уларнинг алоҳида маҳсулотларга бўлган истеъмоли даражасининг ошишига, балки унинг тузилмаси тақомиллашишига олиб келади.

Масалан, 1- жадвалдан кўринадики, аҳоли жон бошига тўғри келган нон ва нон маҳсулотлари, шунингдек, картошка сезиларли қисқарди, бу вақтда сув, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар истеъмол даражаси ўсди. Ўз навбатида иккала тенденция ҳам рационал нормага унчалик яқинлашмади.

Социал статистикада моддий нсѐматлар истеъмоли кўрсаткичлари динамикасини текшириш — иқтисодий индекслар методига асосланган. Бунда барча моддий нсѐматлар ҳамда алоҳида турдаги истеъмол маҳсулотларига ажралган ҳолда истеъмол динамикаси ўрганилади.

Алоҳида турдаги маҳсулотлар истеъмоли ҳажмининг индивидуал индекси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$i_g = q_1 : q_0$$

Бу ерда: q_1 ва q_0 ҳисобот ва базис даврлардаги моддий нсѐматларнинг натура кўринишидаги истеъмол ҳажмлари.

Аҳоли жон бошига истеъмолнинг индивидуал индекси қуйидаги формула билан топилади:

$$I_q = \frac{q_1}{s_1} : \frac{q_0}{s_0} = I_q : I_s$$

Бу ерда: S_1 ва S_0 — ҳисобот ва базис даврдаги аҳолининг ўртача йиллик сони.

Моддий неъматлар гуруҳларининг истеъмол динамикасини аниқлаш учун қиймат кўрсаткичлари асосида истеъмолнинг умумий индекслари тузилади. Бу индекс формуласи истеъмол физик ҳажмининг агрегат индекси кўринишида бўлади:

$$I_{\text{ф.х.истеъмол}} = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0}$$

Бу ерда: p_0 - ҳар бир маҳсулотнинг таққослама баҳоси;
 q_1 ва q_0 - ҳисобот ва базис даврлардаги ҳар бир турдаги истеъмол қилинган маҳсулот миқдори.

Моддий неъматларни қайта баҳолаш халқ истеъмоли товарларига бўлган индивидуал ва группавий баҳо индекслари асосида ташкил этилади, яъни:

$$q_1 p_1 = q_1 p_0 : I_p$$

Аҳоли жон бошига умумий истеъмол индекси қуйидагича ҳисобланади:

$$I_{\text{а.ж.б.ист.}} = I_{\text{ф.х.истеъмол}} : I_s = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0} : \frac{S_1}{S_0}$$

Моддий неъматларнинг истеъмол даражасига омилларнинг таъсир даражасини аниқлаш мақсадида корреляцион-регрессион таҳлил ҳамда истеъмолни турли омиллар таъсири натижа-сида ўзгаришини ҳисобга олиб, эмпирик ва назарий эластиклик коэффицентларидан фойдаланилади. Бундай омилларнинг энг катта қисми сифатида даромадлар даражаси ўзгариши қабул қилинади:

$$\varepsilon = \frac{x}{y} \cdot \frac{y}{x} = \frac{x}{x} : \frac{y}{y}$$

Бу ерда: ε - даромаддан эластиклик истеъмоли коэффи-
 центи;

x - ўртача жон бошига истеъмол;

y - ўртача жон бошига даромад;

x ва y — мос равишда ўсишлар;

Олинган эластиклик коэффиценти қиймати шуни кўрсата-
 дики, даромадларнинг 1 % ошишига кўра берилган моддий неъмат
 турининг истеъмоли неча фоизга ошишини ифодалайди.

Масалан, жорий йилда ўртача жон бошига сабзавот ис-

теъмоли ўтган йилдагига нисбатан 2,5 % га, гўшт истеъмоли эса 5 % га ошган. Бу даврда аҳоли даромадлари жон бошига 10%га ўсган. Бу ҳолатда сабзавот истеъмолининг эластиклик коэффиценти 0,25 га тенг (яъни $2,5 : 100$), гўшт истеъмолининг эластиклик коэффиценти эса 0,5 (ёки $5:10$) га тенг. Барча турдаги аҳоли бўйича ноистеъмол товарларига эластиклик истеъмоли озиқ- овқат маҳсулотларига эластиклик истеъмолидан ортиқ туради. Ўз навбатида озиқ-овқат ва картошка истеъмолининг эластиклиги паст, ҳайвон ёғи, гўшт, мева истеъмоли кўп. Ноистеъмол товарлари орасида (кийим — кечак, пойабзал ва бошқалар) эластиклик истеъмоли кам.

Сезиларли катта эластиклик чегараланган талаб товарлари истеъмоли (чинни идишлар, заргарлик буюмлари), шунингдек, шахсий автомобиль воситаларида (енгил машиналар ва мотоцикллар) кузатилади.

Шахснинг ҳар томонлама ва гармоник ривожланиш шароитларини ҳосил қилиш учун унинг турли хизматларга бўлган истеъмолини тўла қондириш керак.

Қисқача хулосалар

Аҳоли пул даромадлари барча категориялардаги аҳолининг меҳнати эвазига олган иш ҳақи, тадбиркорлик даромадлари, нафақа, стипендия, мулкдан олинган даромадлар, дивидентлар, рента, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, чорва молларини сотиш, турли хизматларни кўрсатишдан олинган даромаддир.

Аҳолининг номинал даромади — ишловчи муайян турдаги ишларни бажаргандан сўнг унинг меҳнати натижасига қараб бериладиган меҳнат ҳақи кўринишидаги даромаддир.

Реал даромад истеъмол товарлари ва хилма-хил хизматларда ифодаланган даромад бўлиб, пул даромадининг харид қобилиятини билдиради.

Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси аҳоли даромадлари йиғиндиси ва унинг ташкил топиш манбалари, харажатлари миқдори ва таркибини ифодалайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳоли даромадлари деганда нимани тушунасиз?
2. Аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари ҳосил бўлиши ва тақсимланишини тушунтиринг.
3. Аҳолининг мулк ва тадбиркорликдан олган даромадлари қайси даромадлардан ҳосил бўлади?
4. Аҳолининг реал ва номинал даромадларини изоҳланг.
5. Аҳолига кўрсатилган пуллик ва бепул хизматлар ҳажми қандай ҳисобга олинади?

Асосий адабиётлар

1. Сакс Дж.Д., Ларрен Ф.Б. Макроэкономика. Глобальный подход: Пер. с.анг. — М., «Дело», 1996 .
2. Салин В.Н. и другие. Макроэкономическая статистика. - М., «Дело», 2001.
3. Салин В.Н. , Шпаковская Е.П. Социально - экономическая статистика. - М., «Юристь», 2001.
4. Сафранова В.П. Показатели системы национальных счетов в отечественной статистике: Учеб пособие. — М., «Финстатинформ», 1996.
5. Система национальных счетов: инструмент макроэкономического анализа. Под. ред. Ю.Н. Иванова. — М., «Финстатинформ», 1996.
6. Спридонов И.А. Мировая экономика. — М., «ИНФРА», 2001.
7. Якубов И.О., Ташмухамедов Н.С. Балансовые проблемы. Сб. текст. лек., ТГЭУ, Т., 2000.

VI боб

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНК ПУЛ БАЛАНСИ

6.1. Молия муносабатлари ва молия тизими

Молиявий муносабатлар ва уларга хизмат қилувчи махсус муассасалар республиканинг молия тизимини ташкил қилади. Молия тизими корхоналар, тармоқлар ва умумдавлат молиясини ўз ичига олади. Давлат пул маблағларининг асосий марказлашган фонди бўлиш давлат бюджети молия тизимининг асосий бўғини бўлиб хизмат қилади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдир. Республика Марказий банки мамлакат пул-кредит тизимини марказлашган тартибда бошқаради ва давлатнинг ягона кредит сиёсатини амалга оширади. У барча банкларнинг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиради, жумладан, улар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ташкил этади, қимматли қоғозлар чиқаради, пул муаммоласини тартибга солади, давлат бюджетининг касса ижросини назорат этади. Пул муомаласи — пулнинг муомала ва тўлов воситаси сифатидаги узлуксиз ҳаракати республиканинг пул тизими миқёсида амалга оширилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Молия вазирлиги ва Марказий банки мамлакатимизнинг пул-кредит сиёсатини олиб бориш юзасидан катта меъёрий-ҳуқуқий негиз яратди. Республикада иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади — миллий валютанинг харид қувватини ошириш, инфляцияни камайтириш, ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш учун замин тайёрлашга қаратилган ҳаракатлар орқали иқтисодий тангликни енгиб ўтиш, бозор иқтисодиётининг зарур шарт-шароитларини яратиш, жаҳон молия-кредит тизими билан алоқаларни ўзвий олиб боришни янада ривожлантиришга қаратилган. Амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати натижасида республикада молиявий ва иқтисодий барқарорлик таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июлда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомиллага киритиш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ 1994 йил 1 июлдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўм муомиллага киритилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муомалага қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100

сўм, 1997 йил 1 мартдан 200 сўм, кейинча 500 ва 1000 сўм бўлган банк қоғози пуллари (банкнотлар) ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 тийин, 1997 йил 1 августдан қиймати 1, 5, 10 сўмлик металл тангаларни чиқарди.

6.2. Давлат бюджети

Макроиктисодий тартибга солиш воситалари орасида давлат бюджети муҳим ўрин эгаллайди. Давлат бюджети — маълум бир даврга қонуний тарзда тасдиқланган давлат даромадлари ва харажатлари ифодасидир.

Республикада бюджет муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва республиканинг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ўзбекистонда биринчи давлат бюджети ўтган асрнинг 1924-25 йиллар учун тузилган. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги бюджет тизими республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, шунингдек, вилоят, туман, шаҳар, шаҳарлардаги туманлар бюджетларини ўз ичига оладиган маҳаллий бюджетлар мажмуидан иборат. Ўзбекистон Республикаси бюджети республика Олий мажлиси томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети республика Жўқорғи Кенгеси томонидан қонун тарзида тасдиқланади. Маҳаллий бюджетлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарори билан тасдиқланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет даромадлари қисмининг ижросини назорат қилишни давлат солиқ органлари таъминлайдилар.

6-жадвалдан кўриниб турибдики, давлат бюджети даромадининг ЯИМдаги улуши 32,7% (2000й 9 ой) дан (2001й. 9 ой) гача, яъни 4,9% га қисқарди. Ушбу пасайишнинг асосий сабаби билвосита солиқлар тушумининг сезиларли — 3,3% га пасайиши ҳамда бевосита солиқлар тушумининг 1,1% га камайишидир.

* Бевосита солиқлардан келадиган тушумлар

2000 йилнинг январь-сентябрида бевосита солиқларнинг ЯИМга нисбати 8,8% ни ташкил этган бўлса, 2001 йилнинг шу даврида ушбу кўрсаткич 7,7% га тенг бўлди. Ушбу камайиш (1,1%) асосан, корхоналар фойда солиғининг 31% дан 26% гача қисқартирилиши натижасида юзага келди ва бу, ўз навбатида, фойда солиғидан келадиган тушумларнинг ЯИМга нисбатан 4,4% дан 3,3% гача, жами бюджет даромадларидаги улушининг эса 13,5% дан 12,1% гача пасайишига олиб келди.

6-жадвал

**Давлат бюджети тушумлари (2001 йил январь-сентябр)
Давлат бюджети даромад қисмининг бажарилиши (ЯИМга
нисбатан %)**

	ЯИМга нисбатан %		Жамига нисбатан %	
	2000 январь-сентябрь	2001 январь-сентябрь	2000 январь-сентябрь	2001 январь-сентябрь
Жами:	32,7	27,8	100	100
Бевосита солиқлар, жами	8,8	7,7	26,8	27,9
Корхоналардан фойда солиқлари	4,4	3,3	13,5	12,1
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқлари	3,7	3,7	11,4	13,4
Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фойятидан олинадиган даромад солиқлари	0,7	0,7	1,9	2,4
Билвосита солиқлар, жами	18,2	14,9	55,7	53,7
Қўшимча қиймат солиғи	8,3	8	25,3	28,7
Акциз солиқлар, жами	9,2	6,2	28,1	22,3
Божхона тўловлари	0,3	0,4	1,1	1,4
Киритилган маҳсулотлар учун жисмоний шахслардан олинадиган йиғимлар	0,4	0,3	1,2	1,3
Ресурс тўловлари, жами	3,2	2,8	9,6	10,2
Мулк солиғи	1	0,9	3,1	3,3
Ер солиғи	1,1	0,9	3	3,3
Ердан фойдаланганлик учун тўловлар	0,4	0,2	1,2	0,9
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар	0,1	0,1	0,4	0,4
Экология солиғи	0,6	0,7	1,9	2,3
Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солинадиган солиқлар	0,3	0,4	1	1,3
Бошқа солиқ турлари ва солиқдан танқари тушумлар	2,2	2	6,9	6,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари.



2-чизма. Давлат бюджети даромадларининг билвосита солиқлар бўйича таркиби

7-жадвал

Давлат бюджети харажат қисмининг бажарилиши
(ЯИМга нисбатан % ҳисобида)

	ЯИМга нисбатан % ҳисобида		Жамига нисбатан % ҳисобида	
	2000 январь-сентябрь	2001 январь-сентябрь	2000 январь-сентябрь	2001 январь-сентябрь
Жами харажатлар	32,4	28,4	100,0	100,0
Ижтимоий соҳа	11,4	10,4	35,2	36,6
-таълим-тарбия	7,4	7,0	22,9	24,6
-соғлиқни сақлаш	2,8	2,6	8,7	9,2
-спорт	0,1	0,1	0,2	0,2
-маданият	0,5	0,4	1,7	1,6
-илм-фан	0,2	0,2	0,5	0,5
-ижтимоий таъминот	0,4	0,1	1,2	0,5
Ижтимоий муҳофаза	2,6	2,3	8,1	8,2
Иқтисодиётга харажатлар	2,8	2,3	8,7	8,1
Марказлаштирилган инвестициялар	6,5	6,2	19,9	21,6
Давлат бошқарув органлари	0,8	0,5	2,6	1,9
Бошқа харажатлар	8,3	6,7	25,5	23,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси маълумотлари

Бюджетни бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар ўзларига берилган ваколатлар доирасида республика ва тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар қисмларига ўзгартиришлар киритишлари

мумкин. Барча даражадаги бюджетларнинг мувозанатланган бўлиши бюджет-молия сиёсатининг зарур шарти ҳисобланади. Республикада ҳамма даражадаги бюджетларнинг касса ижросини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз муассасалари ва тижорат банклари орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 декабрдаги қарорига кўра, 1995 йилдан республика бюджетига амалдаги қонунларга мувофиқ ташкил этиладиган бюджетдан ташқари жамғармалар: Ижтимоий суғурта жамғармаси, Бандликка ёрдам жамғармаси, Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамғармаси, минерал-хомашё ресурсларини такрор ишлаб чиқариш жамғармаси, Йўл жамғармаси, Ўзбекистон Давлат жамғармаси, Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг махсус жамғармалари ҳам қўшилади.

1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонуни қабул қилинди ва шу вақтдан бошлаб республиканинг ҳақиқий, мустақил банк тизими шакллана бошлади.

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини шакллантириш ва ривожлантириш стратегияси иқтисодиётни хўжалик юритишнинг бозор шароитларига босқичма-босқич ўтказиш дастурига мос келади. У мазкур ислохотларни ўтказиш дастурининг бешта асосий тамойилига асосланади.

Ўтган даврда банк ислохотларининг ривожланишида қуйидаги муҳим ютуқлар қўлга киритилди: миллий банк тизимининг икки босқичли структураси (юқори босқичда Марказий банк, қуйи босқичда-тижорат банклари) ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Тижорат банкларининг сони ва улар кўрсатадиган хизмат турлари кўпайди, банклар фаолиятини таъминлайдиган тизим (муассаса)лар яратилди.

1995-2003 йилларда банк қонунчилиги янада такомиллашди. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ги 1995 йил 21 декабрдаги Қонун банк тизимининг ҳуқуқий асосларини тўлдирибгина қолмасдан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг алоҳида мақоми, мақсадлари, вазифалари ҳамда ваколатларини ҳам аниқ белгилаб берди. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган Қонуни эса тижорат банклари фаолиятининг барча ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаб берди.

Таркибида 12 та вилоят ва Тошкент шаҳри бошқармалари бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки — Ўзбекистон Республикасининг бош банки ҳисобланади.

Банк тизимининг қўйи босқичини пайчилик, акциядорлик асосида, чет эл капитали иштирокида ташкил этилган тижорат банклари, уларнинг филиал ва ваколатхоналари, кооператив ва хусусий банклар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими икки табақадан иборат: Марказий банк ва тижорат банклари. 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Марказий банкнинг асосий вазифаси миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Самарали пул-кредит сиёсатини юритиш, молия муассасаларининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида қонунда Марказий банкка ўз ваколатлари доирасида мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Парламенти)га ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки пул-кредит сиёсатини амалга оширишда қатор вазифаларни бажаради. Улар орасида асосийлари пул-кредит жараёнини тартибга солиш, ҳисоб-китоблар ва ўзаро операцияларни амалга ошириш, банк фаолиятини тартибга солиш ва банклар фаолиятини назорат қилиш, шунингдек, ҳукуматнинг банклари, маслаҳатчиси ва фискал агенти, тижорат банкларини қайта молиялаш ҳамда муомалага пул чиқариш каби вазифаларидир.

Ўзбекистон тижорат банклари тизими қўйидаги рақамлар орқали тавсифланади: 2001 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, республика бўйича 802 та бўлимга эга бўлган 38 та тижорат банки иш олиб бормокда. Уларнинг 16 таси хусусий, 4 таси чет эл инвесторлари билан қўшма корхона шаклида ташкил этилган, 2 таси давлат банки ва қолганлари аралаш мулкли акциядорлик жамияти шаклидаги банклардир. Айни пайтда хусусий банклар сони тобора ўсиб бормокда: агар 2000 йилнинг бошида улар 10 та бўлган бўлса, 2000 йилнинг охирида ва 2001 йилнинг биринчи ярми охирига келиб, 13 ва 16 тани ташкил этган. Бундан ташқари, 13 та чет эл банки Ўзбекистонда ўз ваколатхонасига эга.

Пул ва кредит ривожланишида кейинги тамойиллар

2001 йилнинг 9 ойи давомида банк тизимининг умумий капитали 28,6% га ортиб, 355,5 млрд. сўмга етди. Тижорат банклари ресурс базаси эса ушбу давр ичида 26% га ортиди. Бундай ўсиш асосан аҳоли омонатларининг 70% га ошиши ҳисобига рўй берди. Бунга тижорат банкларининг жисмоний шахслар депозитларини жалб қилиш борасида фаол иш олиб борганликлари натижасида эришилди.

2001 йилнинг дастлабки 9 ойида кенг пул массасининг (M2) ўртача ўсиш суръатлари 3 фоизни ташкил этди, бу 2000 йилдаги ўртача ўсиш суръатларига мос келади. Пул массасининг ўсиши асосан тижорат банклари иқтисодиётга йўналтирган кредитлар ҳажми ошиши ҳисобига рўй берди.

8-жадвал

Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг ўзгариши

Амал қилиш даври	Фоизларда, йилига
1996 йил 1 январдан бошлаб	125,2
1996 йил 1 июлдан бошлаб	79,6
1996 йил 1 августдан бошлаб	60,1
1997 йил 1 январдан бошлаб	47,6
1997 йил 1 ноябрдан бошлаб	34,5
1998 йил 1 январдан бошлаб	42,6
2000 йил 1 апрелдан бошлаб	30,0
2000 йил 1 майдан бошлаб	28,8
2000 йил 1 июндан бошлаб	27,6
2000 йил 1 июлдан бошлаб	24,0
2003 йил 1 октябрдан бошлаб	20,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

Марказий банкнинг инфляция пасайишига қараб қайта молиялаш ставкасини камайтириб боришга йўналтирилган пул-кредит сиёсати кредитларнинг ошишини рағбатлантирди. 2000 йилда банк тизимидаги умумий кредитлар миқдори 112,4% га ортди. 2001 йилнинг 9 ойи мобайнида банк тизимининг иқтисодиётга йўналтирилган кредитлари ҳажми яна 25,9% га ошди. 2001 йил сентябр ойининг охирига келиб, умумий кредит миқдорида ўрта ва узоқ муддатли кредитлар улуши 71,4% ни ташкил этди. Тармоқлар бўйича банк тизими кредитларининг энг катта қисми саноатга берилган (49,8%), айти пайтда қишлоқ хўжалигига 4,2%, савдо ва умумий овқатланишга 4,4% ҳамда транспорт ва коммуникация тармоғига 13,4% кредит йўналтирилган.

Банк соҳасини монополиядан чиқариш банк ислохотларининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Дастлабки босқичда, бу асосан иқтисодиётнинг айрим соҳаларига хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган банкларни тузиш йўли билан амалга оширилди. Ихтисослаштирилган банкларнинг ташкил этилиши бозорга йўналтирилган банк тизимини яратиш йўлидаги зарурий ва табиий босқич бўлди.

Тармоқлар бўйича банк кредити

	Кенг пул массасида нақд пулларнинг ўлуши, %	Қайта молиялаш ставкаси, йиллик % ҳисобида	Кредит қўйилмалари, млн. сўм	Йил бошидан берн умумий кредит қўйилмаларининг ўзгариши, %	Узоқ ва ўрта муҳдатли кредитлар ўлуши, %	Банк кредитларининг тармоқлари				
						Қишлоқ хўжалиги	Саноат	Транспорт ва алоқа	Савдо ва умумий овқатланиш	Бошқалар
дек.97	46,3	36,0	218154	-	49,3	1,9	62,8	6,7	11,2	17,4
март.98	45,3	36,0	251493	15,3	53,6	2,2	64,6	5,5	10,5	17,2
июн.98	45,5	36,0	285626	30,9	51,9	1,3	45,3	5,4	10,5	37,5
сен.98	46,1	36,0	312918	43,4	55,8	1,2	48,2	5,7	10,6	34,3
дек.98	46,1	36,0	343275	57,4	55,9	16,9	48,4	5,2	4,2	25,3
март.99	47,5	36,0	359889	4,8	60,4	11,9	51,2	5,1	4,4	27,4
июн.99	47,2	36,0	427639	24,6	55,4	16,8	46,3	4,4	4,4	28,1
сен.99	44,3	36,0	495911	44,5	56,1	20,1	44,3	4,8	4,4	26,4
дек.99	46,4	36,0	466200	35,8	56,6	21,1	44,4	3,8	4,3	26,4
март.00	45,7	36,0	501163	7,5	62,7	8,4	51,7	4,5	6,0	29,4
июн.00	45,6	27,6	733666	57,4	66,0	5,9	54,9	6,6	5,7	26,9
сен.00	45,8	24,0	837430	79,6	65,4	6,1	50,8	5,0	5,6	32,5
дек.00	42,6	24,0	990300	112,4	72,3	5,6	47,0	14,1	4,1	29,2
март.01	41,0	24,0	1069300	7,8	74,0	4,4	47,3	13,7	4,6	30,0
июн.01	39,6	24,0	1182950	19,5	70,4	4,3	49,2	13,5	4,7	28,3
сен.01	37,5	24,0	1346482	25,9	71,4	4,2	49,8	13,4	4,4	28,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

1995-96 йилларда «Асака» ихтисослаштирилган давлат-акциядорлик-тижорат банки, «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки, «Тошкент ижтимоий уй-жойбанк» акциядорлик тижорат банки, «Саёҳатинвестбанк» Ўзбекистон акциядорлик-тижорат инвестиция банки ва «Замин» ихтисослаштирилган давлат акциядорлик ипотека банклари ташкил этилди. «Ўздеконсаноатбанк» акциядорлик-тижорат банки «Пахтабанк» ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банкига, «Ўзжамфармабанк» Халқ банкга айланттирилди. Тижорат банклари халқ хўжалигининг турли соҳалари, корхона ва ташкилотларини кредитлаш, молиялаш ва уларга ҳисоб-китоб хизмати кўрсатишни амалга оширади. Бу банклар тўла мустақилдир. Хусусий ресурслари стмай қолганда улар бошқа банклардан ёки Марказий банкдан кредит олишлари мумкин.

Ўзбекистоннинг барча минтақаларида 790 га яқин филиалларга эга бўлган 33 акциядорлик-тижорат, шунингдек, хусусий капитал асосида ташкил этилган банклар фаолият кўрсатилмоқда.

Улардан 4 таси чет эл капитали иштирокидаги, 3 таси хусусий, қолганлари акциядорлик банклардир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкининг доимий маслаҳатчилари хизматларидан фойдаланади. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси банклари мижозларга 109,7 млрд. сўмлик қисқа муддатли, 87,5 млрд. сўмлик узоқ муддатли кредитлар берди. Ўртача фоиз ставкаси қисқа муддатли кредитлар бўйича 36,5%, узоқ муддатли кредитлар бўйича 15% дан иборат бўлди.

Молия бозори. Ўзбекистонда миллий молия бозори шаклланиши иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш зарурати билан белгиланади. Молиявий маблағларни тармоқлараро йўналтирувчи тижорат банклари ва бошқа молиявий воситаларни ўз ичига олувчи молия институтлари мажмуаси республика молия бозорини ташкил этади. Шу муносабат билан турли суғурта компаниялари, фонд биржалари ва молиявий воситачилик йўналишидаги бошқа тузилмалар ташкил этилмоқда, тижорат банкларининг сони кўпаймоқда.

1995 йилда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтган мамлакатларда мавжуд бўлган банклар билан биргаликда давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланадиган ихтисослаштирилган кредит-молия институтларини тузиш иши жадал олиб борилди.

Бундай жараён объектив характерга эга бўлиб, ҳар хил турдаги молия институтлари ўртасида кредит соҳасини тақсимлаш заруратидан келиб чиқади. Шу тариқа ихтисослаштирилган молия-кредит институтлари — «Бизнесфонд», «Мадад» Суғурта компанияси, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий Суғурта компанияси, хусусий суғурта ва инвестиция компаниялари дунёга келди. Бундай молия институтларини келгусида янада ривожлантириш мақсадида ҳукумат ва Марказий банк Ўзбекистон банклар уюшмаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлари билан биргаликда банклар фаолиятини, шунингдек, Суғурта, траст ва лизинг компаниялари каби молия муассасасалари фаолиятини аниқ чегаралаб қўйиш асосида банкдан ташқари молия институтлари фаолиятининг қонуний асосларини ишлаб чиқишни амалга оширмоқда.

1994-2003 йилларда капитал маблағлар таркибида банк кредитлари улуши сезиларли даражада кўпайди. Марказлашти-

рилган кредитлар ҳажми қисқартирилаётган бир шароитда банклараро кредит бозори ривожланиб бормокда. 1996 йилнинг 28 мартдан бошлаб Марказий банк ҳукумат агенти сифатида қисқа-муддатли облигациялар кўринишидаги давлат қимматбаҳо қоғозларини жойлаштиришга киришди. 1996 йилнинг май ойида давлат қимматбаҳо қоғозлари 3 марта чиқарилди ва Марказий банк томонидан жойлаштирилди.

Фонд бозорининг ҳуқуқий базаси шаклланиши, шунингдек, 1995 йилда хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи бошланиши тижорат банкларининг қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонуни асосий ҳужжат ҳисобланади. Хусусийлаштириш жараёнини фаолаштиришда корхона ва тижорат банклари акцияларининг бирламчи бозори кенг ривожланди, ҳисобкитоб ва тўлов воситаси сифатида ишлатилган векселлар бозори вужудга келди. Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси (ЎзРВБ) пул бозорининг таркибий қисмига айланди, 1992 йил 22 июнда ёпиқ тусдаги акциядорлик жамияти сифатида тузилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон акциядорлик-инновация банки, Ўзбекистон «Ипак йўли» инновация банки ЎзРВБ муассасислари бўлганлар. Республика валюта биржаси фаолиятининг асосий вазифаси чет эл валютаси савдосини ташкил қилишдан иборат.

Марказий банк томонидан чет эл валютаси операцияларини амалга ошириш учун бош лицензиянинг берилиши ваколатли банкларга чет эл банклари билан вақтинчалик муносабатлар ўрнатиш учун шарт-шароитлар яратди.

Ваколатли банклар нақд сўмларни эркин айирбошланадиган валютага алмаштириш учун айирбошлаш пунктларини ташкил этдилар. Сўмлар эркин айирбошланадиган валютага банклар томонидан талаб ва таклифга асосланган ҳолда белгиланадиган харид ва сотиш курслари бўйича алмаштирилади.

6.3. Пул агрегатлари

Пул махсус хусусиятга эга бўлган товар ҳисобланиб, айирбошлашнинг ривожланиши натижасида пайдо бўлган. У товар айирбошлашда умумий тенг қимматлилик (эквиваленти) ролини бажаради. Пул махсус хусусиятга ликвидлилик (яъни тез алмаштириш) хусусиятига эга бўлганликлари учун ҳам идеал восита ҳисобланади.

Ҳар қандай буюмнинг ликвидлилиги уни сезиларсиз сарф-харажатлар билан бошқа буюмга айирбошланиш қобилиятини билдиради.

Агар сарф - харажатлар пулга тенг бўлса, унда бундай буюм мутлақ ликвидли ҳисобланади. Масалан, 100 сўмлик қийматга эга бўлган пулни бошқа кўпгина буюмларга осон алмаштириш мумкин ва бунда сотувчилар 100 сўмлик қоғознинг қийматини ҳеч қандай туширмасдан қабул қилишади, яъни бу ерда айирбошлаш жараёни бутунлай сарф - харажатларсиз кечади.

Айирбошлаш кенгайиши билан кредит пуллар деб аталувчи векселлар, банкнотлар, чеклар, сертификатлар, кредит карточкалари ва ҳоказолар пайдо бўла бошлади. Улар товар айирбошлашни, яъни олди-сотди жараёнини енгиллаштириш, тезлаштириш ва ихчамлаштиришга хизмат қилади.

Пул деганимизда нималар тушунилади, пул массасига нималар киритилади? Бу саволга жавоб бериш жуда муҳим. Чунки, иқтисодиётни барқарорлаштириш, унинг тараққий этиши кўп ҳолларда пул массасини самарали тартиблашга боғлиқ.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида пул массасининг асосий ташкил этувчилари ёки пул агрегатлари қуйидагича:

Пул 1 (M_1) — «тор маънодаги пуллар» ёки муомаладаги нақд диверсификация пуллар (M_0) аҳоли ва корхоналарнинг талаб қилиб оладиган омонатлари ҳамда жорий тўлов айланишига хизмат қилувчи чеклар;

M_2 (M_2) - бу M_1 аҳоли ва корхоналарнинг муддатли омонатлари;

Пул 3 (M_3) — «кенг маънодаги пуллар» ёки жами пул массаси бўлиб, ўз ичига M_2 ликвидли қимматбаҳо қоғозлар (облигациялар, сертификатлар, хазина мажбуриятлари) ва бюджет, жамоат ташкилотлари ҳисобларидаги маблағлар ҳамда бюджет маблағлари ва капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун маблағлар;

Пул 4 (M_4) — M_3 банкларда сақланаётган пул шаклида бўлмаган ликвид маблағлар.

Айрим мамлакатларда пулларнинг бундай бўлиниши бошқачароқ бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Россияда M_0 , M_1 , M_2 , M_3 пул агрегатлари ишлатилади. M_0 пул агрегати — бу, муомаладаги нақд пуллар; M_1 баробар M_0 корхоналарнинг жорий ҳисобларидаги маблағлари, уларнинг депозитлари, аҳолининг талаб қилиб олинадиган депозитлари ва Давлат суғуртаси маблағлари; M_2 пул агрегати — бу, M_1 аҳолини жамғарма банкларидаги муддатли депозитлари, шу жумладан компенсациялар; M_3 пул агрегати — бу, M_2 плюс сертификатлар ва давлат заёмлари облигациялари.

Қисқача хулосалар

Молиявий муносабатлар ва уларга хизмат қилувчи махсус муассасалар Республиканинг молия тизимини ташкил қилади.

Давлат бюджети — маълум бир даврга қонуний тарзда тасдиқланган давлат даромадлари ва харажатлари ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими икки табақадан иборат: марказий банк ва тижорат банклари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатини амалга оширишда асосий вазифани бажаради.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида пул массасининг асосий ташкил этувчиларини пул агрегатлари дейилади. Улар пул 1 (M_1), пул 2 (M_2), пул 3 (M_3) ва пул 4 (M_4) лардан иборат.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Молия тизими нимадан иборат?
2. Давлат бюджетига тавсиф беринг.
3. Давлат бюджети даромад ва харажатлари таркибини айтиб беринг.
4. Суғурта тизимини тушунтириб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов.И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. — Т., «Ўзбекистон», 1992.

2. Каримов.И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. — Т., «Ўзбекистон», 1992.

3. Каримов.И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., «Ўзбекистон», 1997.

4. Йўлдошев З., Қосимов М. Макроиқтисодиёт асослари. — Т., «Мехнат», 1995.

5. Эшмухамедов А. ва бошқалар. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида миллий иқтисодиётни ривожлантириш. — Т., «Мехнат», 1997.

6. Якубов И.О., Ташмухамедов Н.С. Балансовые проблемы. Сб. текст. лек. ТГЭУ, Т., 2000.

VII боб

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ БАЛАНСИ ТИЗИМИДАН МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИГА ЎТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

7.1. Халқ хўжалиги баланси ва унинг асосий камчиликлари

Республикаimizдаги узок вақт амалда бўлган статистика ва ҳисобот тизими халқ хўжалиги балансига асосан олиб борилди. Унда мавжуд бўлган бир қатор кўрсаткичлар: кўп укладли иқтисодиёт таркиби, статистик кузатиш усуллариининг номутаносиблиги иқтисодиётни бошқариш ва самарали сиёсат олиб боришни қийинлаштиради, республикаimizнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожланишига кучли салбий таъсир кўрсатади.

Шу мақсадда макроиқтисодий статистика ривожланишининг асосий йўналишларида туб ўзгаришлар ҳосил қилиш учун халқ хўжалиги баланси (ХХБ) тизимини вақтинчалик сақлаб қолган ҳолда маҳаллий шароитларга уйғунлаштирилган халқаро андозавий миллий ҳисоблар тизимини (МХТ) ишлаб чиқиш ва жорий этиш керак бўлади.

Халқ Хўжалиги Баланси тизими — бу, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни муайян тарихий шароит, конкрет макон ва замонда яхлит ҳолда характерловчи, бир-бирига боғлиқ бўлган иқтисодий - статистик кўрсаткичлар тизими бўлиб, халқ хўжалигини ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига ажраган ҳолда ўрганишга имкон беради.

ХХБ тизими иқтисодиётни таърифлаш ва текшириш, марказий режалаштириш ва моддий ресурсларни тақсимлаш учун ташкил этилган.

ХХБнинг тизими маҳсулотни қайта ишлаб чиқариш механизмини, халқ хўжалигининг моддий техника базасини шакллантиришнинг қатор соҳалари ҳақида анчагина қимматли маълумотларни олиш имкониятини беради. ХХБ ҳисобот ва статистика тизими ялпи статистик кузатишга асосланган бўлиб, мамлакат иқтисодиётини маъмурий буйруқ билан бошқариш шароитига мослаб қурилган. Бу тизимда фақат моддий ишлаб чиқариш ва шу билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари ҳисобга олинган. Аҳолига хизмат кўрсатиш, банк ва молиявий хизмат кўрсатиш, тиббиёт хизмати, маориф, фан, маданият ва шу кабилар иккиламчи соҳа деб қаралиб, ишлаб чиқариш жарасидан алоҳида ҳолда моддий ишлаб чиқаришда яратилган миллий даромаднинг тақсимотида истисмолчи соҳалар си-

фатида ялпи миллий даромад яратишда қатнашмайди, деб ҳисобланади. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган даромад, бу соҳаларнинг ривожланиши якуний макроиқтисодий кўрсаткичларда ўз аксини топмайди.

Бу эса мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришларни реал тасвирлаб беролмайди, Ўзбекистон иқтисодий кўрсаткичларини хорижий давлатлар кўрсаткичлари билан таққослаш имкониятини қийинлаштиради.

ХХБ ҳисобот ва статистика тизимида давлатнинг молиявий аҳволи, пул муомаласи, кредит, ишбилармонлик, воситачилик сингари бозор таркибини белгиловчи иқтисодий кўрсаткичларнинг йўқлиги, статистик усулларни юз бераётган ўзгаришларни етарли даражада кузата олмаслиги иқтисодий ва сиёсий ислохот жараёнининг боришини ва натижаларини тизимий таҳлил қилиш имкониятларини қийинлаштиради. Ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий бошқарувнинг самарадорлигини пасайтиради. Бундан ташқари, ХХБ тизими ялпи статистик кузатишга асосланганлиги учун янгидан келаётган минглаб майда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш хўжалик бирликларини ялпи кузатиш услуби орқали амалий жиҳатдан ҳисобга олиб бўлмайди. Чунки, у катта маблағлар сарф этилишини талаб қилади.

ХХБ тизими асосан давлат бошқарув органларини, тармоқ вазирликлари ва идораларининг бошқарув вазифасини бажаришга қаратилган фаолиятларини ахборот билан таъминлашга йўналтирилган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида ҳисобот ва статистика тизими юқорида айтилган вазифаларга қўшимча равишда бошқа истеъмолчиларни: ишбилармонларни, иқтисодий-ижтимоий муаммолар билан шуғулланувчи олимларни, турли ассоциация ва фондларни, аҳолини ва чет эллик истеъмолчилар (халқаро ташкилотлар, чет эл инвесторлари) ни статистика ахбороти билан таъмин этиши лозим. Чунки, бозор муносабатларининг таркиб топиши ва шу асосда иқтисодиётнинг равнақи кўп жиҳатдан статистика ахборотларининг тўлалигича, ўз вақтида истеъмолчиларга етказилишига, аниқлигига боғлиқ. Бу ўринда ҳисобот ва статистика тизими иқтисодиётнинг ҳолатини, унинг ривожланиш йўллариини белгиловчи барометр бўлиб, бу даврда статистика ахборотига бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ортиқ бўлади. Статистика ахбороти иқтисодиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Шунинг билан бирга жамият ижтимоий тараққиётининг кўпгина соҳалари, капитал ва молиявий ўзаро алоқадорлик, бутун халқ хўжалиги юритилиши ва хўжалик механизми амалга оширилишини ўрганиш учун иқтисодиётни макроиқтисодий

саткичдир. Бу кўрсаткич ХХБ тизимида моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ялпи ишлаб чиқаришдан шу соҳадаги оралиқ истеъмолни айириб ташлашдан қолган натижага тенг бўлади.

МХТ да эса бу кўрсаткич моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ялпи ишлаб чиқаришдан моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги оралиқ истеъмолни чегириб ташлагандан сўнг қолдиққа, хизмат кўрсатиш соҳасидаги оралиқ истеъмол қўшилгач, ҳосил бўлган кўрсаткичга тенг бўлади.

Миллий даромад - бирламчи даромадлар йиғиндисини ифодаловчи кўрсаткичдир. Бирламчи даромадлар меҳнат ҳақи, фойда, ишлаб чиқариш солиқлари, мулкдан олинган даромадлар (фоиз, рента, дивидент) ҳисобига шаклланади.

Бутун халқ хўжалиги бўйича (ҳам моддий ишлаб чиқариш, ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ҳисобга олганда) миллий даромад кўрсаткичини ҳисоблаш учун ялпи ишлаб чиқаришдан қуйидаги кўрсаткичларни айириб ташлаш зарур: 1) моддий ишлаб чиқариш харажатлари; 2) номоддий хизматлар учун моддий ишлаб чиқариш корхоналари томонидан тўланадиган хизмат ҳақи; 3) моддий ишлаб чиқариш корхоналарида кадрлар тайёрлаш учун харажатлар; 4) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишловчилар, уларнинг oilаларига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш учун хўжалик бирликлари томонидан сарфланадиган харажатлар; 5) хизмат кўрсатиш соҳасидаги ресурслар истеъмоли; 6) хизмат кўрсатиш соҳасида номоддий хизматларнинг оралиқ истеъмоли; 7) хизмат кўрсатиш соҳасидаги амортизация ажратмалари.

Миллий даромад кўрсаткичини моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ялпи ишлаб чиқаришдан шу иккала соҳадаги оралиқ истеъмолни айириш орқали ҳам ҳисоблаш мумкин.

МХТ ва ХХБ тизими макроиктисодий кўрсаткичларини интеграциялаш.

I. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ.

1. Ялпи ижтимоий маҳсулот (ХХБ методологияси бўйича).
2. Номоддий хизматлар.
3. Моддий нсѐмат ва хизматларни ялпи ишлаб чиқаришдаги салмоғи.
4. Оралиқ истеъмол (моддий ишлаб чиқариш харажатлари).
5. МХТ методологияси бўйича ялпи миллий даромад (ЯМД).
6. МХТ методологияси бўйича ЯИМ.
7. Амортизация (асосий фондларнинг эскириши).
8. Миллий даромад (МХТ методологияси бўйича).
9. Миллий даромад (ХХБ методологияси бўйича).
10. Корхоналар соф маҳсулоти.

II. ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР.

1. Меҳнат ҳақи.
2. Ижтимоимӣ суғуртага ажратмалар.
3. Фойда.
4. Оборот солиғи.
5. Эгри солиқлар.
6. Субсидия.
7. Тадбиркорлик даромади.
8. Амортизация ажратмаси.
9. Аҳолининг мулкдан олган даромадлари.
10. Кириш ва туловларнинг қайта тақсимланиши.
11. Жорий трансфертлар.
12. Мавжуд даромад.
13. Шахсий мавжуд даромад.
14. Шахсий мавжуд даромад ва аҳолининг умумий даромадлари.

15. Шахсий ёрдамчи хўжаликлардан олинган соф маҳсулотлар.

III. ЯКУНИЙ ИСТЕЪМОЛГА ХАРАЖАТЛАР.

1. Уй хўжалигида товарлар ва номоддий хизматларнинг истеъмол харажатлари (якуний истеъмол).
2. Аҳолига бепул кўрсатилган хизматлар ҳажми.
3. Давлат бошқарув органларининг жорий харажатлари.
4. Ижтимоий ва нотижорат ташкилотларни шакллантиришга қилинган харажатлар.
5. Якуний истеъмол харажатлари — жами.
6. Аҳолининг моддий нєъмат ва хизматларга якуний истеъмоли.

7. Давлат муассасаларининг якуний истеъмоли.

IV. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАР.

1. Товар ва хизматлар экспорти.
2. Товар ва хизматлар импорти.
3. Ташқи савдо колдиғи.
4. Хорижий мамлакатлардан олинган иш ҳақи.
5. Хорижий мамлакатлардан жорий трансфертлар.
6. Бошқа мамлакатлардан олинган даромадлар.
7. Қарзларнинг ўсиши (пассив).
8. Хорижий мамлакатлардан соф трансфертлар.
9. Хорижга ишчи кучи экспорти.
10. Хорижий мамлакатлардан капитал трансфертлар.

V. ҚЎШИМЧА КЎРСАТКИЧЛАР.

1. Асосий фондлардан йўқотишлар.
2. Айланма воситалар ва захиралардан йўқотишлар.
3. Асосий фондларнинг амортизациясига ажратилмай қолган қисми.

4. Ижарадаги уй-жойлар амортизацияси.
5. Ҳарбий техникалар ва қуроллар учун харажатлар.
6. Иқтисодий тармоқлардаги моддий харажатлар.
7. Асосий фондларнинг ялпи жамланиши.
8. Моддий айланма воситаларнинг ўсиши.
9. Аҳоли томонидан номоддий хизматларни сотиб олиш.
10. Моддий нсъматларни ялпи ишлаб чиқариш.
11. Номоддий хизматлар реализацияси.
12. Хизмат кўрсатиш соҳасида фойда.
13. Амортизация.
14. Асосий фондлардан йўқотишлар (ХХБ бўйича).
15. Бошқа кўрсаткичлар.

ХХБ тизими билан МХТ ни бириктириш мақсадида ва унинг самарадорлигини таъминлаш учун «ўтиш калити» усули ишлаб чиқилган. Ушбу усул ХХБ ва МХТ асосий кўрсаткичларининг ўзаро боғланишини ифодалайди ва МХТ да энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоб- китоб қилиш бўйича кенг қўлланилиши мумкин. Берилган усул мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ифодаловчи асосий кўрсаткичларидан бири — миллий даромад кўрсаткичи мисолида кўриб чиқамиз.

II-жадвал

МХТ ва ХХБ тизими кўрсаткичларининг муҳим боғланишлари

ХХБ кўрсаткичлари	МХТ кўрсаткичларига ўтиш	МХТ кўрсаткичлари
1. Ялпи ижтимоий маҳсулот	пуллик ва бепул кўрсатилган хизматлар ҳажми уй-жой ва унинг эгалари томонидан тўланган шартли квартира ҳақи	1. Ялпи ишлаб чиқариш
2. Моддий харажатлар	хизмат кўрсатиш соҳасида моддий харажатлар -асосий фондлар истеъмоли хизмат сафари харажатлари номоддий хизматларга тўловлар. табiiий офатлар билан боғлиқ бўлмаган маҳсулотлардан йўқотувлар уй-жойларни сақлаб туриш учун унинг эгалари томонидан жорий харажатлар ҳарбий техникалар сотиб олиш ҳарбий хизматчилар, молиявий воситачиларга озиқ-овқат ва кийим-кечак харажатлари	2. Оралиқ истеъмоли
Миллий даромад		3. ЯҚҚ 4. Маҳсулотларга соф солиқлар 5. Импортга соф солиқлар 6. ЯИМ

Қисқача хулосалар

Халқ Хўжалиги Баланси (ХХБ) тизими — бу, бир-бирига боғлиқ бўлган иқтисодий-статистик кўрсаткичлар тизими бўлиб, халқ хўжалигини ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига ажратган ҳолда ўрганишга имкон беради.

Миллий Ҳисоблар Тизими — бозор иқтисодиёти шароитида юзага келадиган инфляция, ишсизлик, хорижий давлатлар билан пул-кредит муносабатлари, молиявий оқимлар, хўжалик ва мулкчиликнинг турли-туманлиги каби жараёнларни иқтисодий таҳлил қилиш имконини беради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Халқ хўжалиги баланси тизими ва унинг асосий камчиликларини тушунтиринг.

2. МҲТ билан ХХБ тизими орасидаги асосий фарқлар ва ўхшашликларни кўрсатинг.

3. ХХБ ва МҲТ нинг ўхшаш кўрсаткичларини аниқланг ва улар орасидаги фарқларни кўрсатинг.

4. МҲТни республикамизда шакллантиришда мавжуд бўлган муаммоларни аниқланг.

Асосий адабиётлар

1. 1.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. —Т., «Ўзбекистон», 1992.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. — Т., «Ўзбекистон», 1992.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т., «Ўзбекистон», 1995.

4. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. — Т., «Давлат миллий нашриёти», 1998.

5. Балабанов И. Валютные операции. —М., «Финансы», 1993.

6. Йўлдошев З., Қосимов М. Макроиқтисодиёт асослари. — Т., «Меҳнат», 1995.

7. Ғойибназаров Б. Миллий ҳисоблар тизими — макроиқтисодий таҳлил асоси. Илмий рисола. — Т., «Фан», 2001.

8. Кулагина Г.С. Национальное счетоводства. Учебник. — М.: «Финстатинформ», 1998.

9. Якубов И.О., Ташмухамедов Н.С. Балансовые проблемы. Сб. текст. лек. ТГЭУ, Т., 2000.

МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ГУРУҲЛАШ ВА ТАСНИФЛАШЛАР

8.1. Иқтисодий фаолият турларини мулк шакллари, маъмурий ва иқтисодий ҳудуд ҳамда идоравий тассарруфи бўйича таснифлаш

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришиши, жаҳон ҳамжамияти ва БМТга аъзо бўлиши боис унинг макроиқтисодий фаолият кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва уларни ривожланган мамлакатлар кўрсаткичлари билан таққослаш вазифаси юзага келди.

Макроиқтисодий статистикасининг ўрганиш объекти мамлакат иқтисодиёти бўлгани сабабли, у кўп сонли ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар - фирма, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро бир-бирлари билан боғлиқлик фаолиятини ўрганади. Маълумки, бу субъектларнинг айримлари моддий неъматлар яратиб, уларни истеъмолчиларга етказиб беради, айримлари турли-туман хизматларни амалга оширади, давлатни бошқаришда иштирок этади, баъзилари эса илмий, маърифий фаолият, маданий ва маиший хизматлар кўрсатади. Шунинг учун мавжуд корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятини ўрганишда уларни мулкчилик шакллари, маъмурий ва иқтисодий ҳудудлар ҳамда идоравий тассарруфи бўйича гуруҳларга ажратиш — таснифлаш лозим.

Халқаро ҳамжамият мамлакатларининг андозалари асосидаги таснифлаш юқорида қайд этилган белгилар асосида амалга оширилади.

Мулкчилик шакллари бўйича гуруҳлаш учун республика-мизнинг кўп укладли иқтисодиёти ўзига мос равишда қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- давлат мулки;
- жамоа—кооператив мулки;
- жамоа мулки;
- турли жамиятлар (акционерлик) мулки;
- хусусий мулк;
- шахсий мулк.

Мулкчилик шакллари бўйича бундай гуруҳлаш ҳар бир мулкчилик шаклининг мамлакатимиз ялпи миллий маҳсулотини яратишдаги ўрни, салмоғи ва аҳоли бандлигини аниқлаш имконини беради.

Маъмурий, идоравий тассаруфи бўйича гуруҳлашнинг асосий зарурати шундан иборатки, унинг ёрдамида халқ хўжалиги тармоқларини бошқаришнинг ташкилий шакллари аниқланади. Халқ хўжалиги тармоқларини бошқариш эса, тармоқ қоидалари асосида амалга оширилади. Масалан, умумтаълим мактабларини Халқ таълими вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги тармоғини эса Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқаради ва ҳоказо.

Корхона ёки ташкилотлар вазирлик ёки идоравий тассаруфи доирасида яна республика, вилоят, туман тассаруфидаги корхоналарга гуруҳланади.

Маъмурий ва идоравий тассаруфи бўйича гуруҳлашдан асосий мақсад ҳар бир вазирлик бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, динамикаси, меҳнат унумдорлиги динамикаси, ишлаб чиқарган ва сотган маҳсулотлари бўйича режалари ва битимларининг бажарилиш даражасини назорат қилишдан иборат.

Ҳудудлар бўйича гуруҳлаш мамлакат турли ҳудудлари ривожланишини, ишлаб чиқариш кучлари жойланишини ва ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларини таҳлил қилиш имконини беради.

Мамлакатимиз иқтисодиёти алоҳида-алоҳида иқтисодий ҳудудларга бўлинмаган, балки, маъмурий ҳудудларга ажратилган. Шу сабабли, корхоналарни автоном республика, вилоят, шаҳар ва туманлар тасаруфи бўйича ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин.

Айрим тармоқларда ҳудудлар бўйича махсус гуруҳлар қўлланилади. Масалан, кўмир саноатида, кўмир ҳавзалари бўйича, қишлоқ хўжалигида ер зоналари ва табиий иқлим шароити бўйича ҳам гуруҳларга ажратилади.

8.2. «Институцион бирлик» тушунчаси ва иқтисодий фаолият турларининг секторлама таснифи

Миллий ҳисоблар тизимининг асосий моҳияти иқтисодий фаолият натижасида даромад олиш ва ундан фойдаланишни талқин қилишдир.

Миллий ҳисоблар тизимида (МХТ) моддий неъматлар яратиш, хизматлар кўрсатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда қатнашувчилар бажарадиган иқтисодий вазифаси асосида гуруҳларга ажратилган. Ҳар бир гуруҳ ёки хўжалик бирлиги МХТ да иқтисодий агент деб юритилади.

Иқтисодий фаолият олиб бориш ва бошқа агентлар билан бўладиган ишларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган иқтисодий агент институцион бирлик деб аталади.

Институцион бирлик мустақил равишда фаолият кўрсатиб, даромад олувчи, барча молиявий мажбуриятларни бажарувчи, қаромоғида барча турдаги мол-мулк ва пул маблағлари бўлган, уларни ўз ихтиёри билан ишлата оладиган муассасалардир. Бундай муассасалар корхона, фирма, молиявий ташкилот ва бошқалар бўлиши мумкин. Улар ўз ҳисоб-китоб ишларини ўзлари тўлиқ юритадилар, банкларда ҳисоб рақамига эга бўладилар. Аудиторлар эса уларнинг ҳўжалик фаолияти натижаларини таҳлил қиладилар. Институцион бирликлар амалга ошираётган методологик фаолият асосида қуйидаги секторлар ва секторчаларга бўлинади:

1. Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сектори;
2. Молиявий корпорациялар (ташкилотлар) сектори;
3. Умумдавлат бошқарув сектори;
4. Уй ҳўжалигига хизмат кўрсатувчи давлат тасарруфида бўлмаган нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар сектори;
5. Уй ҳўжалиги сектори;
6. Ташқи дунё сектори.

Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сектори молиявий ташкилотлардан ташқари институцион бирликларни ўз ичига олади. Уларнинг асосий вазифаси маҳсулот ишлаб чиқариш ва номолиявий хизматлар кўрсатиш бўлиб, ўз харажатларини қоплаш учун фаолиятлари натижаларини кўзланган баҳоларда сотишдир. Аммо кўпгина ҳолларда ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми миллий иқтисодиёт манфаатларини ҳисобга олган ҳолда давлат бюджетидан субсидия ва дотациялар ҳисобидан копланadi. Бу секторга яна шартли равишда давлат бюджетидан ҳисобидан тўла молиялаштирилувчи корхоналар, шунингдек, корхоналар томонидан молиялаштирилувчи маблағларга боғлиқ бўлган нотижорат ташкилотлар ҳам киради.

Молиявий корпорация (ташкилот)лар сектори мулкчилик шаклидан қатъи назар тижорат асосида молиявий ва суғурта операциялари билан шуғулланувчи институцион бирликларни, яъни тижорат банклари, қарз берувчи жамиятлар ва ассоциацияларни ўз ичига олади. Уларнинг асосий вазифалари молиявий маблағларни чиқариш, сотиб олиш, сақлаш ва тақсимлаш, қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, пул маблағларини сақлаш, корхоналар, уй ҳўжаликлари ва бошқаларга қарз беришдан иборат.

Банкларни, молиявий ташкилотлари давлат муассасалари сирасига киритиш мумкин. Марказий банк пул сиёсатини олиб боради ва унинг вазифасига қуйидагилар киради:

1. Хорижий валюталар резервини бошқариш ва сақлаш;
2. Ссуда орқали бошқа (тижорат) банкларни пул билан таъ-

минлаш; 3. Ҳукумат банки; 4. Қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва сотиб олиш.

Суғурта ташкилотлари ҳаётни кўнгилсиз ҳодисалардан суғурта қилиш ҳамда корхона ва уй хўжалигининг мулклари суғуртаси билан шуғулланувчи институцион бирликларни ўз ичига олади.

Умумдавлат бошқарув сектори бозордан ташқари хизматлар кўрсатувчи ҳамда миллий даромад ва миллий бойликни қайта тақсимлаш вазифасини бажарувчи институцион бирликлардан иборат. Уларга асосан давлат бюджети томонидан молиялаштирилувчи бошқарув, молия фаолияти, атроф-муҳит муҳофазаси, давлат ҳимояси, жамоа тартибини бошқарувчи ҳамда аҳолига илм олиш, соғлиқни сақлаш, саънат ва маданият, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий суғурта соҳаларида пулсиз ёки имтиёзли хизматларни амалга оширувчи муассаса ва ташкилотлар киради.

Давлат молия муассасаларига марказий, минтақавий ва маҳаллий банклар кириб, уларнинг асосий вазифалари давлат ташкилотларига молиявий хизматлар кўрсатиш (қимматбаҳо қоғозлар ва пул чиқариш, темир пуллар босиш, тилла заҳиралари ва хорижий валюта заҳираларини сақлаш), уй хўжалиги ва хусусий тадбиркорларга молиявий хизмат кўрсатишдир.

Агар аҳолига хизмат кўрсатувчи давлат тассаруфида бўлмаган нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар давлат ташкилотлари томонидан молиялаштирилса ва назорат қилинса, улар «Умумдавлат бошқарув»и секторига киритилади.

Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи давлат тассаруфида бўлмаган нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар уй хўжалигига бозордан ташқари хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи институцион бирликларни қамраб олади. Бунда давлат муассасалари томонидан молиялаштирилмайдиган ва назорат қилинмайдиган ташкилотлар кўзда тутилиб, уларга турли сиёсий партиялар, касаба уюшма ва турли ижтимоий ташкилот аъзоларининг илм олиши, соғлиқни сақлаши, дам олишини таъминловчи, уларга ижтимоий хизмат кўрсатувчи ва бошқа соҳалардаги индивидуал ва жамоа истеъмолини қондирувчи ижтимоий ташкилотлар киради.

Уй хўжалиги сектори аҳоли ёки аҳоли гуруҳларига маҳсулот ва хизматларнинг истеъмолчиларига ишчи кучини етказиб берувчиларни ўз ичига олади. Уй хўжалигига ҳам иқтисодий ҳам юридик нуқтаи назардан ажратиб бўлмайдиган айрим шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятлари ҳам киради.

Ташқи дунё секторига шу мамлакат резидентлари билан ҳар қандай операцияларни амалга оширувчи чет эл иқтисодий бирликлари киритилади.

Умуман иқтисодий фаолият турларини мулк шакллари, ҳудудлар, иқтисодий секторлар бўйича таснифлаш ва гуруҳлаш макроиқтисодий жиҳатдан миллий иқтисодиётни ўрганишнинг бошланиши ва бирламчи асоси ҳисобланади. Улар ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)лар ҳажми, тури ва таркиби, пул айланиши бўйича объектив маълумотларни олиш, бу маълумотларни таҳлил қилиш ва ички имкониятлардан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

12-жадвал

Иқтисодий секторларнинг асосий ресурслари келиб чиқиши ва асосий вазифалари

Секторлар	иқтисодий фаолият турлари	
	асосий вазифа	асосий ресурслар
Говар ва хизматларни ишлаб чиқариш	товар ва номолиявий бозор хизматларини ишлаб чиқариш	Маҳсулотни сотишдан келадиган тушум
Молия муассасалари	Молия, яъни молиявий ресурсларни йиғиш, ўтказиш ва тақсимлаш, суғурта ажратмалари	Фойда, молиявий мажбуриятлар, фоииз, суғурта бадаллари
Давлат корхоналари	жамоа истеъмоли учун побозор хизматларни ишлаб чиқариш ва миллий даромад ҳамда миллий бўйлиқни қайта тақсимлаш операциялари	Мажбурий тўғри ва эгри солиқлар тўлови
Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи потижорат (ижтимоий) ташкилотлар	алоҳида уй хўжалиги гуруҳлари учун побозор хизматлари ишлаб чиқариш	Истеъмолчи сифатида уй хўжаликларининг кўнгилли бадаллари, мулкдан олинган даромад
Уй хўжалиги а) истеъмолчи сифатида б) тадбиркор сифатида	истеъмол, товар ва номолиявий бозор хизматларини ишлаб чиқариш	Меҳнат ҳақи, мулкдан олинган даромад, трансфертлар, маҳсулотни сотишдан келадиган тушум
Ташқи дунё	ушбу сектор бирор асосий ресурс ва вазифаларни ифодаламайди. У асосан чет давлатлар ва мамлакат институцион бирликлари (резидентлари) ўртасидаги операцияларни ҳисобга олади.	

8.3. Ишлаб чиқариш бирлиги ҳақида тушунча ва иқтисодий фаолият турларининг классификацияси

Маълумки, иқтисодиётда асосан уч хил фаолиятни кўриш мумкин: 1. Ишлаб чиқариш. 2. Истеъмол. 3. Жамғариш.

Ишлаб чиқариш шундай жараёнки, унинг натижасида истеъмол ёки жамғариш учун товар ва хизматлар яратилади. Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун эса ишчи кучи, иш қуроли ва технология, меҳнат предмети бўлиши шарт.

Демак, ишлаб чиқариш жараёнига ресурсларни тортиш ва маҳсулот (хизмат) яратиш фаолият турини аниқлайди.

Алоҳида олинган иш фаолияти бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келади, яъни бир турдаги иш фаолияти асосан битта оддий ишлаб чиқариш жараёнидан иборат. Аммо ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни ёки иш фаолияти бир неча босқичлардан иборат. Ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлари қанчалик кўп бўлса, фаолият турлари ҳам шунчалик ортиб боради.

Масалан, автомобиль ишлаб чиқариш бир турдаги фаолият ҳисобланади. Аммо бу жараён кўйиш, темирчилик ишлари, пайвандлаш, йиғув, бўяш ва бошқа бир қанча фаолият турларини ўз ичига олади. Агар бу жараёнда автомобилнинг мотори, узатиш қутиси, асбоб - ускуналари ишлаб чиқарилса, уларнинг ҳаммасига бир фаолият тури сифатида қаралади. Дейлик, корхона охирги маҳсулотни ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқаришда турли фаолият турлари қўлланилади. Аммо ишлаб чиқариш жараёнлари бу корхонада жуда юқори даражада узвий боғлиқдир. Бундай ҳолатда бу корхонадаги фаолият турларининг бирига асосий, қолганларига ёрдамчи фаолият, деб қаралади. Буни фаолият турлари бўйича сотилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматларнинг қўшимча салмоғи орқали аниқлаш мумкин. Лекин бу жуда мушкул иш. Шу боис асосий ва ёрдамчи фаолият кўпинча фаолият натижасидаги товар ва хизматларга тўғри келган ялпи маҳсулот салмоғи билан, бу ҳам тўғри келмаса, фаолият турларида банд бўлган ишчилар салмоғи орқали аниқланади.

Яна бошқа томондан қаралса, бир турдаги фаолият натижасида икки ва ундан ортиқ турдаги маҳсулотлар яратилиш мумкин. Аммо ишлаб чиқаришни ташкил қилиш нуқтаи назардан ишлаб чиқариш жараёнлари бир-бири билан боғлиқ эмас: технологияси ҳам, ишлаб чиқариш омиллари ҳам турлича. Бошқача айтганда, бу корхонада бир-бири билан боғлиқ бўлмаган икки хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бундай ҳолларда ишлаб чиқариш жараёнларини турли фаолият турларига ажратиш мумкин. Лекин, бу ишлаб чиқариш бўлинмаларини тўғридан-тўғри ажратиш, деган сўз эмас.

Кўриниб турибдики, фаолиятни асосий ва ёрдамчи турларга ажратиш мумкин. Асосий ва ёрдамчи фаолият натижасида олинган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар бозорда сотиш учун аввалдан белгиланмаган ҳолларда ишлатиш, сақлаш ёки қайта ишлаш учун ишлаб чиқарилади. Ёрдамчи фаолият эса асосий ва кўмакчи фаолиятга хизмат қилиш учун амалга оши-

рилади. Бу фаолият маҳсулоти тасодифий равишда бозорда сотилиши мумкин. Бундай ҳолларда у кўмакчи фаолият маҳсулоти ҳисобланади. Масалан, корхона ўзининг компьютер хизматларидан ўзи фойдаланди ёки турли дастурларни четга сотди.

Иккиламчи фаолият турига ҳар бир алоҳида фаолият тури кириб, унинг маҳсулоти охирги ҳисобда 3 томон учун ишлаб чиқарилади ва у, албатта, иккиламчи фаолият маҳсулоти ҳисобланади. Аксарият иқтисодий объектларда бир қанча иккиламчи маҳсулотлар яратилади. Ёрдамчи фаолиятларсиз асосий ва иккиламчи фаолиятни амалга ошириш мумкин эмас. Ёрдамчи фаолиятга бухгалтерия ҳисоби, маҳсулотларни ташиш, сақлаш, сотиш ва сотиб олиш, тузатиш, хизмат кўрсатиш, қўриқлаш ва ҳоказолар киради. Статистик бирликларни таснифлашда ёрдамчи фаолият турлари ҳисобга олинмайди. Асосий фаолият турининг бирлиги асосан бошқа бирликларга ёки истёмолчиларга сотган ёки жўнатган маҳсулоти ёки хизмати асосида аниқланади. Демак, бир турдаги ишлаб чиқариш фаолиятларининг йиғиндиси тармоқни ташкил этади. Ижтимоий меҳнат тақсимотида бажарадиган вазифалари моҳияти ва хусусиятига қараб, меҳнат фаолиятининг барча турлари тармоқларга ажратилади. Халқ хўжалиги тармоқлари ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ижтимоий маҳсулот яратишдаги хусусиятига қараб, моддий неъмат ишлаб чиқарадиган ва моддий неъмат ишлаб чиқармайдиган соҳа тармоқларига бўлинган ва улар ўз навбатида яна бир неча тармоқларга ажратилган эди.

Халқаро андозадаги иқтисодий фаолият турларининг тармоқ классификацияси 1948 йилда БМТ нинг Статистика комиссияси томонидан ишлаб чиқарилган ва қабул қилинган. У 1958, 1968, ва 1993 йилларда қайта кўриб чиқилган. Бунда иқтисодий фаолият натижаси миллий даромад яратишнинг асоси сифатида қаралиб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига ажратилмаган. Бундай тасниф асосига уч белги қабул қилинган:

1. Асос қилиб олинган материалларнинг натурал кўриниши.
2. Маҳсулотни бевосита белгиланган мақсадда ишлатиш.
3. Меҳнат предметларига ишлов бериш даражаси билан боғлиқ бўлган технологик жараённинг хусусияти.

Халқаро андозавий тармоқлар классификацияси (ХАТТ) ишлаб чиқариш жараёнларининг кетма-кетлик қоидалари бўйича тузилиб, натурал табиий моддий ресурслардан фойдаланувчи тармоқлардан (қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқчилик, овчилик) бошланиб, қазиб олиш, қайта ишлаш саноати, қурилиш, алоқа, транспорт, молия-кредит ва ҳоказо тармоқларга ўтилади.

Халқаро андозавий тармоқлар классификацияси тузилиши

Шуъбалар	Гуруҳлар сони				
	жами	шу жумладан, даражалари бўйича			
		I таснифлан I-даража- ли	II (бўлим)	III (гуруҳ)	IV (синф)
1	2	3	4	5	6
Жами	526	17	60	159	290
A. Қишлоқ хўжалиги, овчилик ва ўрмончилик	18	1	2	6	9
B. Балиқчилик	4	1	1	1	1
C. Қазиб олувчи саноат	28	1	5	10	12
D. Қайта ишловчи саноат	210	1	23	61	125
E. Электроэнергетика, газ ва сув таъминоти	11	1	2	4	4
F. Қурилиш	12	1	1	5	5
G. Улгуржи ва чакана товар оборот; автомобиль, мотоцикллар ремоти	50	1	3	17	29
H. Меҳмонхона ва ресторанлар	6	1	1	2	2
I. Транспорт, омборхона хўжалиги ва алоқачлю	33	1	5	10	17
J. Молнявийи воситачилик	21	1	3	5	12
K. Кўчмас мулк операциялари, ижара ва тижорат фаолияти	54	1	5	17	31
L. Давлат бошқаруви ва мудофаа, ижтимоий суғуртага ажратмалар	13	1	1	3	8
M. Таълим	11	1	1	4	5
N. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий суғурта	11	1	1	3	6
O. Бошқачлю коммунал, ижтимоий ва персонал хизматлар	36	1	4	9	22
P. Ёлланма персоналга асосланган хусусий уй хўжаликлари	4	1	1	1	1
Q. Экстериторнал ташкилотлар ва идоралар	4	1	1	1	1

Барча иқтисодий фаолият турлари бўйича халқаро андозавий тармоқлар классификацияси (ХАТТ) БМТ томонидан қабул қилинган.

Юқоридаги жадвалда кўрсатилган ХАТТ 17 шуъба (сектор)-дан иборат бўлиб, улар лотин ҳарфлари билан белгиланган. Бир

шубба бир бўлимдан, бўлим ва гуруҳлар эса қуйидагилардан иборат:

а) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган товар ва хизматлар (жисмоний ҳолати, ишлаб чиқариш босқичлари);

б) товар ва хизматлар номи;

в) хомашё, ишланувчи материаллар ва ишлаб чиқариш технологияси.

Шунингдек, жадвалда маҳсулотларни марказий таснифлаш бўйича шу таснифга эга бўлган 10 та шубба кўрсатилган, аммо баъзи бўлимлар бўйича берилмаган. Буларга 1,2,3 ва 7-шуббалар киради. Транспортабель товарлар ўз навбатида 0-4 — бўлимларда, нотранспортабель товарлар ва хизматлар 5-9 — бўлимларда кўрсатилган.

8.4. Макроиктисодий статистикада қўлланиладиган бошқа гуруҳлаш ва классификациялашлар

Юқорида баён этилган ХАТТдан ташқари статистикада у билан боғлиқ бир канча классификациялашларни кўриб чиқиш мумкин. Жумладан, тармоқларни ҳудудий бошқаришнинг ташкилий тузилиши (шакли) бўйича, мулкчилик шакли бўйича классификациялаш ва ҳоказо. Бундан ташқари макроиктисодий статистикада маҳсулотларнинг халқаро таснифи ва халқаро савдо таснифларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маҳсулотлар таснифи жабҳасидаги ҳозирги замон андозалари халқаро меҳнатни ташкил этиш доирасида олиб борилган узоқ муддатли иш натижаси бўлиб, ҳозирги кун амалиётида 1957 йилдаги таснифга нисбатан 1968 йилда аниқлик киритилиб, тўлдирилган классификациядан фойдаланиб келинмоқда. Маҳсулотларнинг халқаро андозалардаги классификацияси (МХАТ) бўйича гуруҳлашга «фаолият тури» асос қилиб олинган. Лекин бунда кўпинча тармоқ белгиларига асосланган. Ҳозирги кунда амал қилиб келинаётган МХАТ нга асосан ходимлар қуйидаги 11 та гуруҳга бўлинган.

1. Эркин мутахассисликка эга шахслар, техниклар ва бири-бирига ўхшаш мутахассисликлар;

2. Маъмурий ва бошқарув ходимлари;

3. Девонхона хизматчилари;

4. Савдо ходимлари;

5. Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари;

6. Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ходимлари, балиқчилар ва овчилар;

7. Моддий ишлаб чиқариш соҳа ходимлари;

8. Транспорт соҳаси ходимлари;

9. Алоқа соҳаси ходимлари;

10. Маҳсулот тури бўйича таснифга кирмайдиган ходимлар;

11. Махсус гуруҳ, ҳарбий хизматчилар.

Халқаро андозалар юқорида келтирилган МХТ нинг йирик

гуруҳлари асосида 84 та гуруҳчаларга (иккинчи даражали бўлиниш), 784 та уч рақамли (3 даражали бўлиниш) ва 150 та тўрт рақамли, жами 5,5 мингта турли машғулотларни бирлаштирувчи бўлимчаларга бўлинган.

Халқаро савдо классификацияси бошқа таснифларга нисбатан тўлароқ ва мукамалроқ ишлаб чиқилган. Бу таснифга давлат ташкилотлари, халқаро ташкилотларнинг алоҳида эътибор беришларига асосий сабаб божхона сиёсатининг талабчанлигидир. Ташқи савдо соҳасида жуда кенг турдаги истеъмол моллари ва ишлаб чиқариш воситаларининг барча ассортиментлари бўйича турлари қамраб олинган. Савдо таснифида маҳсулотлар таснифи билан тармоқлар таснифини чамбарчас бирлаштириш имкониятлари тўғрисидаги масалани ҳал қилиш зарур. Агар товарлар таснифида тармоқ белгисига мос келмайдиган белги асос қилиб олинса, у ҳолда маълумотларни солиштиришда қийинчиликлар пайдо бўлади. Шунингдек, турли тармоқ маҳсулотларини товарлар гуруҳида аралаштириб юбориш натижасида ҳам қийинчиликлар туғилиши мумкин. Аксарият маҳсулотларнинг истеъмол қийматларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотлар илмий таснифланади. Бошқалари соф натурал белгилари, масалан, маҳсулотларни кимёвий таркиби орқали таснифланади.

1974 йилда БМТ Статистика комиссияси томонидан иккинчи тахрир (матни) асосида қабул қилинган халқаро андозалардаги савдо таснифи (ХАСТ) нинг йирик бўлими ва бўлимчалари қуйидагилардан ташкил топган:

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари (10 та бўлим);
2. Ичимлик ва тамаки маҳсулотлар (2 та бўлим);
3. Бирламчи хомашё (ёкилғи кирмайди) (9 та бўлим);
4. Минерал ёкилғи ва мойлаш материаллари (4 та бўлим);
5. Ўсимлик ва ҳайвон ёғлари (3 та бўлим);
6. Кимё маҳсулотлари (9 та бўлим);
7. Саноат ярим тайёр маҳсулотлари (9 та бўлим);
8. Машинасозлик маҳсулотлари ва транспорт воситалари (9 та бўлим);
9. Ишлов берувчи саноатнинг бошқа товарлари (8 та бўлим);
10. Аввал қайд этилмаган бошқа товарлар.

Хулоса қилиб айтганда, тармоқлар халқаро классификацияси иқтисодиётда тармоқлар, корхоналар ва уларнинг бўлинмаларини тақсимлаш учун зарур. Иқтисодий фаолият турларини классификациялаш ишлаб чиқариш ва унга таъсир қилувчи омиллар тўғрисидаги статистика маълумотларини таҳлил қилиш учун база бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида Ўзбекистонда халқаро андозавий таснифлаш (БМТ методологияси бўйича) тизимини киритиш зарур. Бир сўз билан айтганда, барча иқтисодий фаолият турлари бўйича халқаро классификациялашлар иқтисодиётни ўрганиш ва уни таҳлил қилишда асосий тизим бўлиб хизмат қилади.

Қисқача хулосалар

Корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятини ўрганишда улар мулкчилик шакллари, маъмурий ва иқтисодий ҳудудлар ҳамда идоравий тасарруфи бўйича гуруҳларга ажратилади ва классификацияланади.

Иқтисодий фаолият олиб бориш ва бошқа агентлар билан бўладиган ишларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган иқтисодий агент институцион бирлик деб аталади.

Ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол ёки жамғариш учун товар ва хизматлар яратилади. Ишлаб чиқариш фаолияти учун ишчи кучи, иш қуроли ва технология, меҳнат предмети бўлиши шарт.

Халқаро андозавий тармоқлар классификацияси (ХАТТ) дан ташқари ҳудудий бошқаришнинг ташкилий тузилиши, мулкчилик шакли бўйича ва ҳ.к. таснифлашлар мавжуд.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. МҲТ да қўлланиладиган гуруҳлаш ва классификацияларни изоҳланг.
2. Халқаро андозавий тармоқлар классификациясини тушунтиринг.
3. БМТ таснифларини изоҳланг.
4. Халқаро савдо классификациясини тушунтиринг.
5. МҲТда қўлланиладиган бошқа классификациялаш ва гуруҳлашларни изоҳланг.

Асосий адабиётлар

1. Пономоренко А.И., Башкатов Б.И. Система национального счетоводства: принципы построение – М., «Экономика», 1992.
2. Рябушкин Б.Т., Хоменко Т.А. Система национальных счетов. Учеб. пособие. – М., «Финансы и статистика», 1993.
3. Рябушкин Б.Т. Национальные счета и экономические балансы. – М., «Финансы и статистика», 1999.
4. Рябушкин Т.В., Симчера В.М., Машихин Е.А. Статистические методы и анализа социально – экономических процессов. – М., «Наука», 1990.
5. Якубов И.О., Ташмухамедов Н.С. Балансовые проблемы. Сб. текст. лек. ТГЭУ, Т., 2000.

IX боб

МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ СЧЁТЛАРИНИ ТУЗИШ МАСАЛАЛАРИ

9.1. МҲТнинг ички иқтисодий счётлари

Миллий ҳисоблар тизими иқтисодиёт секторлари орасидаги муносабатларни ўрганиш мақсадида асосий счётдан кенг фойдаланади. Бу ҳисобламалар 2 гуруҳга бўлинади:

1. Мамлакат ички иқтисодиётини таърифловчи ички иқтисодий счётлар. Буларга қуйидаги ҳисобламаларни киритамиз:

- *товар ва хизматларни ишлаб чиқариш счётлари;
- *ишлаб чиқариш счёти;
- *даромадларнинг ташкил топиш счёти;
- *даромадларни тақсимлаш счёти;
- *даромадлардан фойдаланиш счёти;
- *капитал харажатлар счёти;
- *молия счёти.

2. Мамлакатнинг бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатларини ўрганишда ташқи иқтисодий алоқалар ҳисобламасидан фойдаланилади.

Бу ҳисобламаларга қуйидагилар киради: жорий операциялар счёти, капитал харажатлар счёти, молия ҳисобламаси.

Ишлаб чиқариш счёти

Ишлаб чиқариш счёти маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг натижаларини ифодалаш мақсадида ишлаб чиқилади. Унда маълум бир даврда ЯИМ ни ишлаб чиқаришга кетган маҳсулот ва хизматлар ҳажми акс эттирилади. Ишлаб чиқариш счётининг тузилиши маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ишларни олиб боришни тақозо этади.

Счётанинг ресурс қисмида маҳсулот ва хизматларнинг ялпи ишлаб чиқарилиши акс эттирилган.

Маҳсулот ва хизматларнинг ялпи ишлаб чиқарилиши бозор баҳоларида акс эттирилади.

Бозор баҳоларидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари кўпроқ иқтисодий моҳиятга эга. Айнан ушбу кўрсаткич ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг умумий қийматини аниқлайди. Шунингдек, бу кўрсаткич МҲТ нинг бошқа барча счётларини бир-бирига боғлашда қўлланилади. Шунинг билан бирга

асосий баҳоларда ишлаб чиқариш кўрсаткичи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг ҳажми солиқ ва субсидияларнинг ҳажмига боғлиқ эмас. Шунинг учун у ишлаб чиқариш тизимининг таркибий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилишда қўлланилади.

Фойдаланиш	Ресурс
Оралиқ истеъмол; ЯИМ (бозор баҳоларида)	Маҳсулот ва хизматларнинг асосий баҳоларда ялпи ишлаб чиқарилиши Маҳсулотларга солиқ Маҳсулотларга субсидиялар Импортга соф солиқ Ялпи ишлаб чиқариш
Баланс	Баланс

3-чизма. Ишлаб чиқариш счёти

Счётаининг ресурс қисмида маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг шаклланиш жараёни, шунингдек, маҳсулот ва импортга бўлган соф солиқлар акс эттирилади.

$$ЯИЧ_{б.б} = ЯИЧ_{а.б} + МСС + ИСС$$

Бу ерда: $ЯИЧ_{б.б}$ — бозор баҳосидаги ялпи ишлаб чиқариш;

$ЯИЧ_{а.б}$ - асосий баҳоларда ялпи ишлаб чиқариш;

МСС - маҳсулотларга соф солиқ;

ИСС - импортга соф солиқ.

Бозор хизматларини ялпи ишлаб чиқариш икки турга бўлинади:

1. Бозор хизматларини ишлаб чиқариш (молиявий воситачиларнинг билвосита хизматларидан ташқари);

2. Молиявий воситачиларнинг билвосита хизматлари.

Молиявий воситачиларнинг билвосита хизматлари - молиявий ресурсларни йиғиш, айрибошлаш ва тақсимлаш билан шуғулланувчи молиявий воситалар сифатида иштирок қилувчи молиявий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлардир. Улар мулкдан келадиган даромад ҳажми сифатида молиявий муассасалар томонидан кредиторларга тўланадиган фоизларни чиқариб ташлаганда ҳосил бўлади. Банк бошқа банкларга кредит берса, бу операциялар учун ялпи ишлаб чиқариш счётага олинмайди.

Ялпи ишлаб чиқариш кўрсаткичларини счётлашнинг умумий методологик тамойиллари мавжудлиги баъзи соҳаларда ушбу кўрсаткичларнинг ўзига хос усулда счётланишини инкор этмайди. Ушбу ўзига хосликлар у ёки бу ишлаб чиқариш соҳасининг хусусиятларидан келиб чиқади.

Ишлаб чиқариш соҳасида қўшилган қиймат иқтисодий операция бўлмаган ва арифметик усулда сўйланадиган мувозанатловчи моддадир. Барча соҳаларда яратилган қийматларнинг ялпи йиғиндиси ЯИМ ни ташкил қилади. Ташкилот, соҳа, сектор миқёсида ЯИМ қўшилган қиймат шаклида намоён бўлади.

Маҳсулотларга солиқ. Бу резидент томонидан ишлаб чиқарилган ёки сотилаётган маҳсулот ва хизматларнинг қиймати ёки миқдorigа пропорционал равишда олинадиган солиқлардир.

Маҳсулотга соф солиқ — маҳсулотга қўйилаётган солиқ билан маҳсулотга берилаётган субсидия ўртасидаги фарқдир.

Маҳсулотга субсидиялар. Бу резидент томонидан ички бозорга ишлаб чиқарилган ёки экспорт қилинган маҳсулот ёки хизматларнинг қиймати ёхуд миқдор ва сифатига пропорционал равишда берилаётган субсидиялардир.

Импортга соф солиқ — импортга қўйилаётган солиқ билан унга қўйилаётган субсидия ўртасидаги фарқдир.

Импортга субсидия — давлат бюджетидан ташқи савдо қатнашчиларига товарларни импорт қилиш учун бериладиган тўловлардир.

Импортга солиқ — давлат бюджетига ташқи ва ички нархларнинг фарқидан келиб тушадиган даромад.

Сўйганинг фойдаланиш қисмида оралиқ истеъмол ва ЯИМ акс эттирилади.

Оралиқ истеъмол — ишлаб чиқарувчи резидент томонидан маҳсулот ва хизматларнинг ҳосил бўлиш жараёнида истеъмол қилинган маҳсулот ва бозор хизматларининг қиймати акс эттиради.

Оралиқ истеъмол қуйидаги асосий кўрсаткичлардан иборат бўлади:

1. Моддий харажатлар (маҳсулот ва моддий хизматлар);
2. Номоддий хизматларга тўловлар;
3. Ишчи ва хизматчиларнинг хизмат сафарлари тўловлари;
4. «1» ва «2» моддалардаги харажатларсиз нормал иш тузумини сақлаш учун сарфланган институцион бирликларнинг харажатлари;
5. «1» ва «2» моддалардаги харажатларсиз ишчиларнинг малакасини ошириш учун сарфланган институцион бирликларнинг харажатлари.

Моддий харажатларга қуйидаги моддалар киради:

- якуний маҳсулотнинг ҳажмига кирган хомашё ва маблаглар;
- қуйидаги ишлаб чиқариш жараёнига ишлатиладиган

маблағлар, масалан, ишлаб чиқаришни синаш ва сифатини текшириш учун, ускуна, асосий мулкни сақлаш, ишлатиш, тузатиш харажатлари, ускуналар, эҳтиёт қисмларни тузатиш, махсус иш кийими, ва бошқа қиймати кам нарсалар;

- корхоналарга ўрнатиладиган эҳтиёт қисмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

- ишлаб чиқаришда ишлатилган барча ёнилғи турлари, истиш тизими, йўловчи транспортлар ва ишлаб чиқаришга сарф қилинган ёнилғилар, энергиянинг барча турлари, технологик ва бошқа ишлаб чиқаришга сарфланган хўжалик сарфлари ва энергия;

- бошқа иш ва хизматлар, асосий ишлаб чиқаришда қўлланилмайдиган, лекин айрим жараёнлар — хомашёни қайта тайёрлаш ва хоказолар, тузатиш ва ишлатиш ишларига қилинадиган харажатлар;

- маҳсулотни олиб келиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва бошқа корхоналарнинг йўл кира харажатлари, корхонанинг ичида ташишга сарфланган харажатлар;

- ҳисоблаш маркази ва бошқа алоқаларга харажатлар;

- маҳсулотларни қадоқлашга кетган харажатлар;

- ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган оралик истеъмол сарфларининг қўшимчалари;

- ишчиларнинг иш кийими ва керакли ускуналарга сарфланган харажатлар;

- ўзи чиқарган маҳсулотларни истеъмол қилиш, шунга ўхшаш деҳқончиликда сарфланган уруғлик ем-хашакларга харажатлар (МХТ да бу тур харажатлар назарда тутилмаган)

- қаҳвахона (кафе), ресторан, меҳмонхоналарга сотиб олинган озиқ-овқат, тамаки, ичимлик харажатлари;

- касалхона ва бошқа тиббий муассасалар беморлари ҳамда ўқув ташкилотлари ўқувчилари учун сотиб олинган доридармон харажатлари;

- уй хўжаликларининг хўжалик фаолияти учун сотиб олган ускуналари, ишчи кийимлари, уруғ, ем, қурилиш молларига харажатлар;

- уй-жой эгаларининг жорий таъмирлаш ва унга сарфланган маблағ харажатлари;

- ҳарбий ташкилотларнинг ускуна олиш ва ўрнатиш, у ёки бу ёққа олиб бориш харажатлари (бу ҳам МХТ да назарда тутилмаган);

- армия учун озиқ-овқат, кийим-кечак харажатлари;

- кафолатланган таъмирлаш хизматлари учун харажатлар;

- илмий-тадқиқот лабораторияларини таъминлаш учун харажатлар;

• меҳмонларни қабул қилиш ва сайр эттириш харажатлари;
• ишчи-хизматчиларни ишга ва ишдан уйга олиб бориш харажатлари;

• ишчиларни ишга жалб қилиш харажатлари.

Номоддий хизматларнинг харажатлари қуйидагилардан иборат:

- молларнинг сифатини текшириш харажатлари;
- илмий-тадқиқот ва экспериментал ишлар харажатлари;
- молня хизматлари учун харажатлар;
- ўқув юртларига тўловлар, ишчиларни тайёрлагани учун ва оралик истеъмол учун харажатлар;
- мулкни суғурта қилиш харажатлари;
- тиббий ташкилотларга тўловлар;
- бино, ускуна, машина ижаралари учун харажатлар;
- уй-жойни чиқиндилардан тозалаш учун коммунал хизмат харажатлари;
- адлия хизматлари учун харажатлар;
- реклама ва бошқа тадбиркорлик хизматлари учун тўловлар;
- молларнинг лицензия ва сертификат харажатлари;
- ёнғиндан сақлаш ва қоровуллик тўловлари.

Ишчиларнинг хизмат сафари харажатларига уларнинг йўл кираси, меҳмонхона, озиқ-овқат ва коммунал хизмат харажатлари киради.

Оралик истеъмолга кирмайдиган харажатлар қуйидагилардан иборат:

• иш унумини ошириш ва кўп хизмат қилиш мақсадида бино-ускуналарнинг сармоя таъмири ва уларни янги усулга мослаш харажатлари;

• уй-жойларни таъмирлаш, бўёқ сотиб олиш, гул қоғозни янгилаш ва бошқа харажатлар (улар уй хўжаликларининг якуний истеъмолига киради);

• ишчи ва хизматчиларга маҳсулотларни бепул ва арзон баҳода, иш ҳақини бартер ҳисобида натурал йўл билан тўлаш;

• ишчиларнинг ишга ва уйига кетган йўл кира харажатлари (улар уй хўжаликларининг якуний истеъмолига киради);

• давлат томонидан бериладиган натура шаклида нафақалар;

• ташкилотларнинг якуний истеъмолига кирадиган харажатлар, асосий мулк ва номоддий активларнинг ер олиш ҳуқуқига эга бўлиш харажатлари;

• ердан фойдаланиш учун аренда харажатлари (улар мулкдан даромад олишга киради);

- ерни яхшилаш, тозалаш, мелиорация қилиш, дарахт, боғ экинлари экиш харажатлари (улар асосий мулкнинг жамғармасига киради);

- маданий — маиший хизматлар харажатлари.

ЯИМ — муҳим иқтисодий категория ва иқтисодиёт ривожланишининг асосий кўрсаткичи бўлиб, мамлакат иқтисодий ҳудудидаги резидент ва норезидент ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг якуний натижасини ўзида акс эттиради.

Даромадларни бирламчи тақсимлаш счёти. Бу счёт ўзи қуйидаги ҳисобларни ўз ичига олади:

1. Даромадларнинг ҳосил бўлиш счёти;

2. Даромадларни бирламчи тақсимлаш счёти.

Даромадларнинг ҳосил бўлиш счёти - даромадларни бирламчи тақсимлаш счётининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу счёт ишлаб чиқариш счёти каби оқимлар счётига киритилади ва секторлар ҳамда соҳалар бўйича тузилади. Унда ЯИМ нинг институцион бирликлар томонидан моддий маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқарувчиларга бирламчи даромад тўлаш учун ишлатилиши кўрсатилади.

Бирламчи даромадга қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқариш фаолиятидан келадиган даромад;

- а) Ёлланма ишчиларнинг меҳнат ҳақи;

- б) Ишлаб чиқариш ва импортга солиқ;

- в) Фойда ва аралаш даромадлар.

2. Мулкдан келадиган даромад, яъни бошқа институцион бирликларга молиявий ва номолиявий активлар, шу жумладан ер, фойдали қазилмалар ва бошқа ноишлаб чиқариш активлари, патент ва лицензияларни вақтинчалик фойдаланишга беришдан келадиган даромадлар. Уларга қуйидагилар киради:

- а) Фоизлар;

- б) Ташкилотларнинг тақсимланган даромади (дивидент);

- в) Қайта инвестиция қилинадиган чет эл инвестициялари;

- г) Суғурта полислари эгаларига юклатилган мулк даромади;

- д) Рента.

Даромад ҳосил бўлиш счётида мулкдан даромад акс эттирилмайди. Даромад ҳосил бўлиш счёти ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ тақсимлаш жараёнини акс эттиради. Унинг кўрсаткичлари тизимига қуйидагилар киради:

1. Меҳнатга ҳақ тўлаш;

2. Ишлаб чиқаришга соф солиқлар;

3. Корхоналарнинг ялпи фойдаси;

4. Аҳолининг аралаш даромадлари.

Счётнинг ресурс қисмида ЯИМ бозор нархларида ва ишлаб чиқариш ҳамда импортга субсидиялар акс эттирилади.

Фойдаланиш қисмида эса ЯИМ нинг бирламчи тақсимла-
ниш унсурлари кўрсатилади. Булар:

- Иш ҳақи;
- Ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар;
- Асосий фондларнинг истеъмоли;
- Фойда.

Ушбу счётадаги маълумотлар секторлар ва соҳалар ўртаси-
даги меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини таққослаш имкониятини
беради. Иқтисодиётда банд бўлганлар сонини билган ҳолда ало-
ҳида сектор ва соҳалардаги ижтимоий меҳнат самарадорлигини
ҳисоблаш ва бир кишига тўғри келадиган ишлаб чиқариш миқ-
дори ҳамда даромадларни солиштириш мумкин. Ушбу счётадаги
кўрсаткичларнинг ҳисоблаш усулини батафсил кўриб ўтамиз.

Фойдаланиш	Ресурс
Ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи; Ишлаб чиқариш ва импортга солиқ, шу жумладан; а) Маҳсулотга; б) Ишлаб чиқаришнинг бошқа маҳсулотларига; с) Импортга. Ялпи фойда (ялпи аралаш даромад), шу жумладан, а) Асосий фондлар истеъмоли; Соф фойда.	ЯИМнинг бозор баҳосидаги ҳажми Ишлаб чиқариш ва импортга субсидиялар, шу жумладан; а) Ишлаб чиқаришга; • Маҳсулотга; • Хусусий ишлаб чиқаришга; • Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа субсидиялар. б) Импортга субсидия.
Баланс	Баланс

4-чизма. Даромадлар ҳосил бўлиш счёти

Ресурс кўрсаткичлари. Ресурс қисмининг асосий кўрсатки-
чи - бозор нархидаги ЯИМ (иқтисодиёт миқёсида) ёки ялпи кўшил-
ган қиймат (ЯҚҚ) (алоҳида сектор ва соҳалар миқёсида). Ушбу
кўрсаткич ишлаб чиқариш счётининг фойдаланиш қисмида ўтка-
зилади. ЯИМ ишлаб чиқариш ва импортга субсидиялар билан
бир қаторда даромад ҳосил бўлишининг манбаи ҳам ҳисобланади.

Субсидиялар — бу, давлат томонидан хўжалик бирликлари
— резидентларга тўланадиган жорий трансфертлар бўлиб, улар
беғараз мақсадда маҳсулот ва бозор хизматларини ишлаб чиқа-
рувчи ёки импорт қилувчиларга берилади. Улар ҳам иқтисодий-
ижтимоий сиёсатнинг унсурлари бўлиб, ишлаб чиқарувчи ва им-
портёрларнинг нархлари ва даромадларига таъсир қилишга йў-
налтирилган бўлади. Субсидия ўз иқтисодий моҳиятига кўра, ишлаб
чиқариш солиқларига тескари, муқобил тушунчадир. Чунки, улар
фойдага солиқлардан фарқли ўлароқ таъсир қилади. Ушбу счёта-
да субсидиялар капитал трансфертлардан фарқ қилади.

Капитал трансфертлар ишлаб чиқарувчиларга капитал харажатларни қоплаш, яъни жамғариш, асосий фондларни тиклаш каби харажатларни қоплаш учун берилади.

Субсидияларни давлат томонидан уй хўжаликларига бериладиган ёрдам пулларида фарқлаш керак.

Субсидиялар икки гуруҳга бўлинади:

1. Ишлаб чиқаришга субсидия;
2. Импортга субсидия.

Ишлаб чиқаришга субсидия — маҳсулотга ва бошқа ишлаб чиқаришга субсидияларни ўз ичига олади.

а) Маҳсулотга субсидия — ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматларнинг ҳар бир бирлигига тўланадиган субсидиялар, улар ҳар бир миқдор бирлиги учун маълум сумма ёки нархнинг маълум бир фоизи меъёрида бўлиши мумкин.

б) Ишлаб чиқаришга бошқа субсидиялар - бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш жараёнида давлат бошқарув органларидан олинадиган субсидиялардир. Уларга қуйидагилар киради:

- Ишлаб чиқарувчиларга алоҳида меҳнат шароитларидан фойдаланганлиги учун (ногирон ва ишсизларни ишлатиш) тўланадиган субсидиялар;

- Ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларидан фойдаланганлиги учун тўланадиган субсидиялар. Масалан, хомашё ва энергиянинг алоҳида турларидан фойдаланганлик учун;

- Атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтиришга мойил бўлган ишлаб чиқариш фаолиятига тўланадиган субсидиялар.

Импортга субсидиялар — товар ва хизматларни норезидентлардан сотиб олиб, уни арзонроқ баҳода резидентларга сотишни амалга оширадиган савдо ташкилотларига бюджет томонидан тўланадиган субсидиялардир.

Экспортга субсидия — товар ва хизматларни резидентлардан сотиб олиб, норезидентларга арзонроқ баҳода сотиш билан шуғулланадиган савдо ташкилотларига давлат бюджети томонидан тўланадиган субсидиялардир.

Даромад ҳосил бўлиш счётининг фойдаланиш кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

1. Иш ҳақи;
2. Эгри солиқлар;
3. Ялпи фойда.

Даромад ҳосил бўлиш счётида иш ҳақи — иқтисодий ҳудудда барча резидентлар ва норезидентларнинг иш ҳақини ўз ичига олади. Уларга қуйидагилар киради:

- а) Ялпи иш ҳақи;

б) Корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий суғуртага ҳақиқий ажратмалари;

в) Ижтимоий суғуртага шартли счётланган ажратмалар.

Ялпи иш ҳақи — даромад солиғи ва барча ажратмаларгача бўлган иш ҳақини ифодалайди. Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик бирликлари учун улар қуйидаги унсурлардан ташкил топади:

○ таъриф ставкаси бажарадиган вазифасига кўра ўртача иш ҳақи ёки бажарган меҳнати бўйича счётланган иш ҳақи;

○ бажарадиган вазифасига кўра ёки таъриф ставкаси бўйича тўланадиган қўшимча иш ҳақи. булар;

■ алоҳида шароитларда ишлаганлик учун иш ҳақи;

■ қўшимча ёки кечки ишлар учун иш ҳақи;

■ дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлик учун иш ҳақи.

● чакана нархларнинг ўзгариши муносабати билан тўланадиган қўшимча иш ҳақи;

● рағбатлантириш ва мукофотлар;

● йиллик ва қўшимча таътил учун тўловлар;

● кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда) пайтидаги сақланган иш ҳақи;

● ходимларнинг тиббий муассасаларда текширувда бўлган пайтларидаги тўловлар;

● комисион тўловлар;

● ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи.

Ўтиш даври пайтида пул шаклидаги иш ҳақи билан бирга натурал шаклдаги иш ҳақи ҳам кенг тарқалган. Натурал шаклдаги иш ҳақи ўз ичига ҳар қандай турдаги истеъмол товарлари ва хизматларини олиши мумкин. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг бундай тури қуйидаги мукофотларни ўз ичига олади:

● корхона томонидан ходимларига ойлик маош миқорида бериладиган шу корхонанинг ўзида етиштирилган маҳсулотлар;

● иқтисодиётнинг алоҳида соҳаларидаги ишчиларига тақдим қилинадиган бепул коммунал хизматлар;

● овқатланиш, товарларнинг қиймати;

● ошхоналар, буфетлар, профилакторияларда ишловчи ходимларга имтиёзли баҳоларда ёки бепул овқатланишни тақдим этиш;

● ишчиларни иш жойига идоранинг транспортларида олиб келиш ва олиб кетиш учун тўловлар;

● корхонанинг алоҳида олинган ёлланма ишчилар фойдасига тўланган суғурта тўловлари;

● корхоналар томонидан нодавлат ижтимоий фондларга ажратилган маблағлари (тиббий суғуртага ажратилган ихтиёрий тўловлар ва қўшимча нафақалар таъминоти);

- мактабгача бўлган муассасаларда болаларнинг тарбияланиши учун тўловлар;

- корхонанинг счётига ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун даволаниш, дам олиш учун берилган йўлланма ҳақининг тўловлари;

- ходимларга бепул бериладиган акциялар қиймати ва натурал шаклдаги иш ҳақининг бошқа турлари.

Юқорида санаб ўтилган натурал шаклдаги барча тўловларнинг турлари ё харидор баҳосида ёки асосий баҳоларда баҳоланади.

МХТда мавжуд бўлган муаммолардан бири ходимларнинг ёлланма ишчи ёки мустақил банд бўлган шахсларга ажратишдир. Бу ҳолатмеҳнатга ҳақ тўлашнинг секторлар бўйича бўлинишига таъсир қилади.

Агарда корхона билан шахс ўртасида расмий ёки норасмий битим мавжуд бўлса, унда ишчи ёлланма ишчи ҳисобланади. Бу келишувга асосан ушбу ишчи корхона учун натурал шаклдаги мукофот учун ишлайди.

Мустақил банд бўлган шахслар — шундай шахсларки, улар ўз-ўзича ишлайдилар. Уларга тегишли бўлган корхоналар эса алоҳида юридик шахс ёки МХТ даги институцион бирлик ҳисобланади. Улар аралаш даромадга эга бўладилар.

Агарда тадбиркорлар томонидан ёлланма ишчиларга тўланадиган тўловлар меҳнат миқдорига бевосита боғлиқ бўлмаса, унда бундай тўловлар иш ҳақи эмас, балки иккиламчи даромадга тегишли бўлган ижтимоий нафақалар ҳисобланади.

Тадбиркорлар ўзларининг ёлланма ишчиларини турли хил сабабларга кўра натурал шаклда мукофотлаши мумкин. Масалан, кўшимча солиққа тортишдан қочиш, корхонанинг ҳисобкитоб варағида нақд пулнинг йўқлиги ва тадбиркорнинг сотилмай қолган маҳсулотлардан қутулиши учун ва ҳоказо.

Корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий суғуртага ажратмалари — уларнинг ижтимоий суғуртага бадалларидан ташкил топади. Бу тўловлар ёрдам пуллари, нафақалар ва аҳолига санитария-курорт хизматлари кўрсатувчи воситалар манбаси ҳисобланади.

Ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳақиқий ва шартли ҳисобланган бўлиши мумкин.

Ижтимоий суғуртага ҳақиқий ажратмалар ишга ёлловчилар томонидан ёлланма ишчилар фойдасига турли хил ижтимоий суғурта ва нафақа фондларига ажратмалардан ташкил топади.

Айрим тадбиркорлар ўз ходимларига ижтимоий суғурта хизматларини таклиф қиладилар. Масалан, тадбиркорлар ўзи-

нинг собиқ ходимларига қўшимча нафақа ёки соғлигини тиклаш учун қўшимча воситалар тўлаши мумкин. Бундай ҳолатда ижтимоий суғуртага шартли ажратмалар счётга олинади.

Ижтимоий суғуртага шартли счётланган ажратмалар корхона ва ташкилотлар томонидан ўз ходимлари учун ижтимоий таъминот бўйича тўлайдиган ёрдам пулларини ўзида акс эттиradi. Уларга, масалан, корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқаришда ҳалок бўлган ходимларининг oilасига кўрсатилadиган ёрдам, ишлаб чиқаришда касбий касаллик орттирганларга ёрдам пуллари ва бошқалар киради.

Солиқлар. Солиқлар мажбурий шаклда корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолининг давлатга тўлайдиган тўловларидир. Уларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Ишлаб чиқаришга солиқ. Бу ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган барча солиқ ва йиғимларни ўз ичига олади. Булар:

а) Маҳсулотга солиқ. Резидент бирликлар томонидан ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулот ва хизмат қиймати ёки миқдорига тўғри мутаносибликда ундирилади. Улар қуйидагилардан иборат:

- Қўшилган қиймат солиғи;
- Акциз солиғи;
- Реклама солиғи;
- Автомобил йўлларида фойдаланганлик учун солиқ ва бошқалар.

б) Ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар. У қуйидагилардан иборат:

- Курорт зоналарида ишлаб чиқариш объектларини қурганлик учун;
- Ер ости ва табиий ресурслардан фойдаланганлик учун;
- Савдо қилиш ҳуқуқини олиш учун;
- Лицензия олиш учун тўлов;
- Ер солиғи;
- Тадбиркорлик солиғи;
- Ташкилотлар мулкига солиқ.

2. Импортга солиқ. Бу солиқ даромадлар яратиш счётида импортга субсидияларни чиқариб ташламай акс эттириладиган солиқлардир. Улар импортга соф солиқ ва субсидиялар суммаси сифатида акс эттирилади. Импортга солиқ ҚҚС ва импорт тўловларини чиқариб ташлаганда қуйидаги солиқ турларини ўз ичига олади:

- а) Савдонинг умумий шаклига солиқ;
- б) Акциз йиғимлари;

- в) Мутахассислик хизматларига солиқ;
- г) Импорт монополиясидаги фойдага солиқ.

3. Экспортга солиқ. Бу товарлар иқтисодий ҳудудни тарқатганда ёки хизматлар норезидентларга кўрсатилганда ундириладиган солиқлардир.

Иқтисодиётнинг ялпи фойдаси (аралаш даромад) — бу даромад яратиш счётининг мувозанатлаштирувчи моддаси ҳисобланади. Унинг ҳажми ЯИМ дан ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи, шунингдек, ишлаб чиқариш ва импортга соф солиқлар суммаларини айириб ташлаш йўли билан аниқланади.

$$ЯФ = ЯИМ - ИХ - (СОЛ_{и/ч} + СОЛ_{имп}) - (СУБ_{и/ч} + СУБ_{имп})$$

Миллий ҳисоблар бўйича халқаро статистик ташкилотлар томонидан қабул қилинган таклифларга кўра, фойдани ялпи ва соф шаклда кўрсатиш тавсия қилинади. Бунда шунга мос равишда асосий фондларнинг истеъмоли счётга олиниб ва счётга олинмай кўрсатилади.

ЯИМ дан ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи ва соф солиқлар чиқариб ташланса, ялпи фойда ҳосил бўлади.

Ялпи фойдадан асосий фондларнинг қўшимча ҳажми айириб ташланса, соф фойда ҳосил бўлади.

Миллий ҳисоблар тизимида тадбиркорлик фойдаси булардан ташқари аралаш даромадни ҳам ўз ичига олади.

Аралаш даромад — фойда ва иш ҳақи унсурларини ифодаловчи даромадларнинг турли хил кўринишидир. Унинг таркибига хусусий тадбиркорлик (ёлланма ишчиларнинг меҳнатисиз) фаолиятидан келадиган даромад, шахсий томорқа хўжалиги, мустақил касб фаолиятидан келадиган даромад, авторлик гонорарлари ва бошқалар киради.

Даромадларни бирламчи тақсимлаш счёти. Бу ишлаб чиқаришда атнашувчиларнинг бирламчи даромадлари даромад яратиш счётида ўз аксини топмаган жараёндир.

Унинг мақсади — маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида яратиладиган бирламчи даромадларни, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш натижасида институцион birlikлар ўртасида тақсимланишини акс эттиришдан иборат.

Бирламчи тақсимлаш счётида — уй хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятидан оладиган аралаш даромадлари, ёлланма ишчиларнинг ўз меҳнатидан оладиган даромадлари, давлат бошқарув органларининг ишлаб чиқариш ва импортдан оладиган солиқлари, молия муссасалари ва номолия ташкилотларининг оладиган фойдаси акс эттирилади.

Фойдаланиш	Ресурс
«Ташқи дунё»га берилган мулк даромади; Ишлаб чиқариш ва импортга субсидиялар; Бирламчи даромадлар сальдоси	Ялни фойда ва ялни аралаш даромад; Ёлланма ишчиларнинг меҳнат ҳақи; Ишлаб чиқариш ва импортга солиқ; «Ташқи дунё» дан олинган мулк даромади;
Баланс	Баланс

5-чизма. Даромадларни бирламчи тақсимлаш счёти

Даромадларни бирламчи тақсимлаш счётининг ресурс қисми иккита асосий даромаддан ташкил топади.

Бирламчи даромадлар. Бу ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этган резидент институцион бирликларнинг бирламчи даромадлари ёки давлатнинг ишлаб чиқариш ва импортга билвосита солиқларидан иборат. Булар ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи, ишлаб чиқариш ва импортга солиқ, ташкилотларнинг аралаш даромад ёки фойдасидир.

Хусусий молиявий активлардан олинган даромадлар. Буларга мулкдан даромад киради.

Мулкдан даромад — бу бошқа бирликларга фойдаланиш учун берилган ноишлаб чиқариш активлари ва молиявий активлардан олинган бирламчи даромадлардир.

Бу ерда ноишлаб чиқариш активлари — номолиявий активлар бўлиб, улар кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида пайдо бўлмасдан, балки табиат инъоми, яъни табиий ресурслар ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва импортга солиқларнинг барчаси давлат ташкилотлари учун бирламчи даромад сифатида қаралади.

МҲТ да мулкдан даромад қуйидаги шаклларда классификацияланади:

- а) Фоизлар;
- б) Корпорацияларнинг тақсимланган даромадлари (дивидентлар);
- в) Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни реинвестиция қилишдан келган даромад;
- г) Суғурта полиси эгаларининг мулкдан келадиган даромадлари;
- д) Рента.

Даромадларни бирламчи тақсимлаш счётининг фойдаланиш қисмида фақат мулкдан даромад акс эттирилади. Бу даромадга институцион бирликлар, кредиторлар сектори ёки акционерлар, ер эгалари ва бошқалар эга бўладилар.

Бирламчи даромадлар (рентадан ташқари) норезидентлардан олинади ва уларга тўланади. Норезидентлардан олинган ва

уларга тўланган бирламчи даромадлар суммаси ўртасидаги фарк чегарадан олинган даромадлар сальдоси ҳисобланади.

Счётининг мувозанатлаштирувчи қисми — бирламчи даромадлар сальдоси ҳисобланади. Улар тўланган бирламчи даромадларни чиқариб ташлангандан кейин қоладиган институцион бирлик ва секторлардан олинадиган даромадларнинг умумий суммаси сифатида белгиланади.

Даромадларни иккиламчи тақсимлаш счёти.

Бу сёт иқтисодиётнинг институцион бирлик ва секторнинг бирламчи даромадлари, ижтимоий трансфертларини сётга олмаган ҳолда жорий трансфертларни тўлаш йўли билан уларни ўз ихтиёридаги даромадларга трансформациялаш натижасида ҳосил бўладиган сальдони кўрсатади.

Унинг вазифаси мамлакат иқтисодиётининг ёки бир секторнинг сёт даври мобайнида ўзининг харажатларини молиялаштириш учун сарфланиши мумкин бўлган максимал суммани акс эттиришдан иборатдир.

Фойдаланиш	Ресурс
«Ташқи дунё»га берилган жорий трансфертлар; Ялпи миллий ихтиёридаги даромад	Бирламчи даромадлар сальдоси (ялпи); «Ташқи дунё» дан олинган жорий трансфертлар.
Баланс	Баланс

6-чизма. Даромадларни иккиламчи тақсимлаш счёти

Иккиламчи тақсимлаш секторлар ўртасида олинган даромадларни қайта тақсимлашни ўзида акс эттиради. Уй хўжаликлари ижтимоий суғуртага ажратмалар ва даромад солиғи тўлайдилар, МХТ да бошқа жорий трансфертлар таърифланган ихтиёрий бадалларни ижтимоий ташкилотларга тўлайдилар. Лекин шу билан бирга турли хил ижтимоий тўловларга ҳам эга бўладилар. Булар ижтимоий суғурта бўйича ёрдам пуллари, нафақа ва бошқалар.

Корхоналар фойдадан солиқ ва нотижорат ташкилотларига бадаллар тўлайдилар. Шу тарзда барча секторлар ўз даромадларининг маълум бир қисмини алмашадилар.

Сектор сётларида бундай операциялар иккиёқлама ёзув таъмоийлига асосланиб, сёт варақларда икки марта акс эттирилади. Масалан, даромад солиғини тўлаш уй хўжалиги секторининг фойдаланиш қисмида (-) минус белгиси билан, давлат сектори сёттаварағининг ресурс қисмида (+) плюс белгиси билан ифодаланади.

Ҳар қандай секторларда бундай операцияларнинг акс эттирилиши натижасида ялпи ихтиёридаги даромад (ЯИД) ҳосил бўлади, бутун иқтисодиёт бўйича эса ялпи ихтиёридаги миллий даромад (ЯИМД) ҳосил бўлади.

ЯИМД ҳар бир институцион бирлик, сектор ва бутун иқтисодиёт бўйича ўз қарзларининг ҳажмини оширмай ўз активларининг (пул воситалари ресурслари, валюта ва ҳоказолар) ҳажмини камайтирмасдан пировард истеъмол ва жамғарма учун сарфланган энг максимал суммадир.

ЯИМД — счётнинг мувозанатлаштирувчи моддаси ҳисобланади. У институцион бирликларнинг бирламчи даромад сальдосига натура шаклдаги ижтимоий трансфертлардан ташқари барча жорий трансфертларни қўшиш ва ундан ушбу бирлик ёки сектор томонидан олинган ҳамма жорий трансфертларни айириш йўли билан аниқланади. Булар «Ташқи дунё» счётида амалга оширилади.

Счётнинг барча операциялари — трансфертлардир.

Трансфертлар — бир институцион бирлик томонидан бошқа бир институцион бирликка бегараз бериладиган товар, хизмат ёки активлардир. Булар ҳам операциялар сифатида белгиланади. Трансфертлар пул ва натура шаклида бўлиши мумкин.

Пул шаклидаги трансферт — бир институцион бирлиكنинг бошқа бир институцион бирликка ҳеч қандай эквивалент олмасдан ўтказган тўлов ёки тўланган нақд пуллари дир.

Натура шаклидаги трансфертлар нақд пулдан ёки кўрсатилган хизматдан ташқари товар ёки активларнинг бир институцион бирлиكنинг бошқасига ҳеч қандай эквивалент олмасдан берилиши дир.

Бу счётда жорий ва капитал трансфертларни бир-биридан фарқлаш лозим.

Капитал трансфертларнинг асосий хусусияти шундаки, улар натурал шаклда бўлса, (моддий айланма воситалари ресурсларидан ташқари), унда активларга бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиб юборишни билдиради.

Агар трансферт пул шаклида бўлса, унда у бир ёки бир неча қатнашувчилар томонидан активларни сотиб олиш ёки ўтказиб юбориш билан боғлиқ бўлади.

Қолган барча трансфертлар жорий трансфертларга кирди, (натура шаклидаги ижтимоий трансфертлардан ташқари).

Бу счётда умумлаштирилган трансфертлар классификацияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Даромад, бойлик ва бошқаларга жорий солиқ;
2. Ижтимоий суғуртага ажратмалар;
3. Ижтимоий нафақа;
4. Бошқа жорий нафақалар.

Даромадлар тақсимланишининг йиғма счёти.

Ушбу счётда давлатнинг иқтисодиёт миқёсида ва бошқа давлатлар билан алоқаларини счётга олган ҳолда даромадларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши акс эттирилади.

Фойдаланиш	Ресурс
Ишлаб чиқариш ва импортга субсидия; «Ташқи дунё» га берилган мулк даромадлари; «Ташқи дунё» га берилган жорий трансфертлар; Ялпи миллий ихтиёридаги даромад (ЯМИД)	Иқтисодиётнинг ялпи фойдаси; Ишчиларнинг меҳнат ҳақи; Ишлаб чиқариш ва импортга солиқ; «Ташқи дунё» дан олинган мулк даромадлари; «Ташқи дунё» дан қабул қилинган жорий трансфертлар
Баланс	Баланс

7-чизма. Даромадлар тақсимланиши йиғма счёти

Ушбу счётнинг ресурс қисмига ишлаб чиқариш фаолиятдан тушган даромадлар (ялпи фойда, ишчиларнинг иш ҳақи, ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар) ва бошқа қайта тақсимланган даромадлар (мулкдан тушган даромад, тадбиркорлик даромади ва жорий трансфертлар) киради.

Фойдаланиш қисмида субсидиялар ва бошқа давлатларга бериладиган мулк ва тадбиркорлик даромадлари ҳамда жорий трансфертлар акс эттирилади. Мувозанатлаштирувчи модда эса ялпи миллий ихтиёридаги даромад (ЯМИД) ҳисобланади.

Счётнинг ресурслар қисмидаги иқтисодиётнинг ялпи фойдаси ушбу счётга даромадлар ҳосил бўлиш счётидан ўтказилади ва унинг бошланғич кўрсаткич ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва импортга солиқларга қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқарувчи резидент бирликлар томонидан давлатга тўланадиган солиқлар (бу даромад ҳосил бўлиш счётидан ўтказилади);

2. Ишлаб чиқарувчи норезидент бирликлар томонидан давлатга тўланадиган солиқлар (ташқи иқтисодий алоқалар жорий операциялари счётидан ўтказилади)

«Ташқи дунё»дан олинган мулк даромадлари — хўжалик бирликлари томонидан молиявий активлар, ер ва номоддий, номолиявий активлар (муаллифлик ҳуқуқи, патент, товар белгилари ва ҳоказолар) ни «Ташқи дунё» га фойдаланишга берганлиги учун олинадиган даромадлардир.

«Ташқи дунё» дан қабул қилинган жорий трансфертлар — тўловчининг жорий даромадларидан ажратилиб, қабул қилув-

чининг жорий даромадларига қўшилади. Уларга қуйидагилар киради:

- бахтсиз ҳодисаларга қарши суғурталар;
- мулк ва даромадга жорий солиқлар;
- ижтимоий суғуртага ҳақиқий ажратмалар;
- мажбурий тўловлар ва йиғимлар (автоинспекция йиғимлари, паспорт олиш учун тўловлар, жиноий хатти-ҳаракатлар натижасида жабрланганларни даволаш тўловлари);
- жарималар;
- ихтиёрий бадаллар.

Даромадлар тақсимланиши йиғма счётининг фойдаланиш қисмида қуйидаги счётлар акс эттирилган:

Ишлаб чиқариш ва импортга субсидиялар — давлат томонидан резидент хўжалик бирликлари учун тўланадиган субсидиялардир.

«Ташқи дунё» га берилган мулк даромадлари — хўжалик бирликлари томонидан молиявий активлар, ер ва номоддий активлардан фойдаланганлиги учун эгаларига тўланадиган тўловдир.

«Ташқи дунё» га берилган жорий трансфертлар — «Ташқи дунё» дан қабул қилинган жорий трансфертларга тескари тушунчадир.

Ялпи ихтиёридаги миллий даромад — тақсимлаш счётининг мувозанатлаштирувчи моддаси ҳисобланади ва барча қабул қилинган даромадлар билан берилган даромадлар фарқини билдиради.

Даромадлардан фойдаланиш счёти.

МҲТ нинг даромадлардан фойдаланиш счёти ялпи миллий соф даромадни якуний миллий истеъмолга ҳамда ялпи миллий жамғармага ишлатилишини ифодалайди.

Фойдаланиш	Ресурс
Якуний миллий истеъмол; шу жумладан; ➤ Уй хўжалиги; ➤ Давлат муассасалари; ➤ Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар. Ялпи миллий жамғарма	Ялпи миллий соф даромад
Баланс	Баланс

8-чизма. Даромадлардан фойдаланиш счёти

Даромадлардан фойдаланиш счётининг ресурс қисмида битта кўрсаткич — ялпи миллий соф даромад акс эттирилади.

Бу кўрсаткич ушбу счётгага даромадларни тақсимлаш счётидан ўтказилади.

Счётнинг фойдаланиш қисмида эса иккита кўрсаткич — якуний миллий истеъмол ва ялпи миллий жамғарма ифодаланади.

Якуний миллий истеъмол — кишиларнинг якка тартибдаги жамоа истеъмолини қондириш мақсадида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг қийматини ифодалайди. У ўз ичига уй хўжалиги, давлат муассасалари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар истеъмолини олади.

Уй хўжаликларининг якуний истеъмоли ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Қисқа ва узоқ муддатга фойдаланиладиган товарлар;
- Кўрсатилган истеъмол хизматлари;
- Квартира ва коммунал хизматлар ҳақи;
- Маиший хизматлар ҳақи (ҳаммом, кир ювиш, сартарошхона, прокат, маълумот бериш хоналари ва ҳоказолар);
- Уй хўжаликларининг шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарган маҳсулотлари қиймати;
- Корхона ва ташкилотлар томонидан ўз ишловчиларининг оила аъзоларига бепул кўрсатиладиган ижтимоий-маданий хусусиятга эга бўлган хизматлар (корхоналар қошидаги касалхоналар, стадион, клуб, дам олиш уйлари).

Уй хўжаликларининг якуний истеъмолига қуйидагилар кирмайди:

1. Уй-жой ва квартиралар сотиб олиш (бу асосий фондларнинг ялпи жамғармасига киритилади);

2. Ишлаб чиқариш мақсадида товарлар сотиб олиш ва бошқа харажатлар (бу оралиқ истеъмолга киради);

➤ Қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, махсус кийим-кечак ва бошқалар;

➤ Ветеринария тўловлари, юридик хизматлар;

➤ Квартира, уй-жойларни жорий таъмирлаш учун материаллар сотиб олиш.

Давлат муассасалари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотларнинг якуний истеъмолига қуйидагилар киради:

Алоҳида кишиларга кўрсатган бепул хизматлар;

Соғлиқни сақлаш;

Фан, маданият ва санъат;

Умумий бошқарув, мудофаа ва бошқалар.

Давлат муассасалари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотларнинг якуний истеъмолига қуйидагилар кирмайди:

1.Товарлар савдоси:

Хўжалик сҳисобидаги ташкилотлар ва муассасаларга кўрсатиладиган пуллик хизматлар қиймати;

Баъзи бир товар ва хизматларни сотишдан тушган пуллар;

2.Давлат муассасалари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотларнинг уй хўжаликларига кўрсатган технологик хизмат жараёнлари билан боғлиқ бўлмаган, қайта ишланмаган маҳсулотлар қиймати (улар уй хўжаликларининг на-турал шаклдаги якуний истеъмолига киради);

Корхона ва ташкилотлар ходимларига ёки уларнинг оила аъзоларига кўрсатиладиган ижтимоий-маданий хизматлар (улар уй хўжаликларининг якуний истеъмолига киради).

Бепул кўрсатилган хизматлар қиймати корхона ваа ташкилотларнинг жорий харажатлар суммасига мувофиқ аниқланади.

Давлат муассасаларининг жорий харажатларига узоқ муддатга фойдаланиладиган ҳарбий техника ва асбоб-ускуналар (бунга ҳарбий хизматчилар учун озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар киритилмайди), шунингдек, ҳарбий объектларни қуриш қиймати, давлат резервлари учун маҳсулот сотиб олиш ҳам киради.

Даромадлардан фойдаланиш счётининг мувозанатлаштирувчи моддаси — ялпи миллий жамғарма кўрсаткичларидир. Бу кўрсаткич ялпи миллий соф даромад билан якуний миллий истеъмол ўртасидаги фарқдан иборат бўлади.

Ялпи миллий жамғарма — даромадлардан фойдаланиш счётининг мувозанатлаштирувчи моддаси ҳисобланади. У ялпи миллий ихтиёридаги даромад билан якуний миллий истеъмол ўртасидаги фарқдан ҳосил бўлади.

Капитал харажатлар счёти.

Капитал харажатлар счёти асосий ва айланма фондларнинг номатериал ва молиявий активлар, шунингдек, уларнинг таъминот манбалари жамланиш жараёнини ифодалайди.

Фойдаланиш	Ресурс
Асосий фондларнинг ялпи жамғармаси; Моддий айланма воситаларининг ўзгариши; Сотиб олинган ер ва бошқа номолиявий активлар; «Ташқи дунё» га берилган капитал трансфертлар; Соф кредит ёки соф қарзлар.	Ялпи миллий жамғарма; «Ташқи дунё» дан олинган капитал трансфертлар.
Баланс	Баланс

9-чизма.Капитал харажатлар счёти

Капитал харажатлар счётининг ресурс қисмидаги ялпи миллий жамғарма кўрсаткичлари даромадлардан фойдаланиш счётидан олинади.

Асосий фондларнинг ялпи жамғарилиши кўрсаткичи ҳозиргача қўлланилиб келинган асосий фондларнинг ўсиши кўрсаткичларига тўғри келади. Бу счётнинг мувозанатлаштирувчи счёти соф кредит ёки соф қарзлар ҳисобланади.

Улар қуйидагича ифодаланади:

$$СКҚ = ЯМЖ + КТ_{БДО} - ЯЖ_{АФ} - ЗЎ_{АВ} - А_{ЕН} - КТ_{БДБ}$$

Бу ерда: СК - соф кредит ёки соф қарзлар;
 ЯМЖ - ялпи миллий жамғарма;
 КТ_{БДО} - капитал трнасфертлар (бошқа давлатлардан олинган);
 ЯЖ_{АФ} - асосий фондлар ялпи жамғармаси;
 ЗЎ_{АВ} - моддий айланма воситалари ресурсларининг ўзгариши;
 А_{ЕН} - сотиб олинган ер ва бошқа номоддий активлар;
 КТ_{БДБ} - капитал трансфертлар (бошқа давлатларга берилган).

Халқ хўжалиги бўйича соф кредит ёки соф қарзлар соф ресурслар миқдорини кўрсатади. Қайсики давлат «Ташқи дунё» га буни таклиф этади ёки «Ташқи дунё» буни давлатга такдим этади.

Маҳсулот ва хизматлар счёти.

Маҳсулот ва хизматлар счёти иқтисодиёт миқёсида товар ва хизматларнинг умумий ресурслари ва шу ресурслардан фойдаланиш йўллари ифодалайди.

Фойдаланиш	Ресурс
Оралиқ истеъмол; Якуний истеъмол; Асосий фондларнинг ялпи жамғармаси; Моддий айланма ресурсларининг ўзгариши; Маҳсулот ва хизматлар экспорти.	Ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар; Маҳсулотларга солиқ; Маҳсулот ва хизматлар импорти; Импортга солиқ.
Баланс	Баланс

10-чизма. Маҳсулот ва хизматлар счёти

Ушбу счётнинг ресурслари асосан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар, маҳсулотларга солиқ, маҳсулот ва хизматлар импорти, импортга соф солиқлардан ташкил топади.

Счётнинг фойдаланиш қисмида эса оралиқ истеъмол ва якуний истеъмол, асосий фондларнинг ялпи жамғармаси, моддий айланма воситалари ресурсларининг ўзгариши, маҳсулот ва хизматлар экспорти акс эттирилади.

Товар ва хизматлар билан боғлиқ бўлган барча ички счётлар бошқа счётлар тизимидан ўтказилади.

Счётнинг ресурс қисми кўрсаткичлари бўлган ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар, маҳсулотларга солиқ, импор-тга соф солиқ бу счётга ишлаб чиқариш счётидан ўтказилади.

Счётнинг фойдаланиш қисмидаги оралиқ истеъмол ишлаб чиқариш счёти, якуний истеъмол даромадлардан фойдаланиш счёти, асосий фондларнинг ялпи жамғармаси, моддий айланма воситалари ресурсларининг ўзгариши, капитал харажатлар счёти маҳсулот ва хизматлар экспорти эса ташқи иқтисодий алоқалар счётининг жорий операциялар счётидан олинади.

Молия счёти.

Молия счёти асосан мамлакатдаги молиявий актив ва пасивларнинг ўзгариши, иқтисодиётдаги молиявий ҳолат ҳамда капитал ҳаракатларга баҳо беради.

Фойдаланиш	Ресурс
Молиявий активларга эга бўлиш.	Қабул қилинган молиявий мажбуриятлар; Соф кредит ёки соф қарзлар
Баланс	Баланс

11-чизма. Молия счёти

Молия счётида молия операциялари каби номолия операциялари ҳам акс эттирилади. Кўпчилик номолиявий операциялар товар ёки номолиявий активларга эга бўлиш ҳуқуқи билан боғлиқ. Масалан, товар ва хизматларни сотиб олишда харидорнинг нақд пул ёки депозит активлари камаяди, сотувчини эса кўпаяди. Товар ва хизматларни кредитга беришда сотувчининг молиявий талабномаси, харидорнинг эса молиявий мажбурияти вужудга келади. Бу эса дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошишига олиб келади.

Номолиявий активлардан молиявий активлар шуниси билан фарқ қиладики, молиявий активлар ўзида бошқа иқтисодий бирликларга талабномани акс эттиради. Бу ерда бир иқтисодий бирлик кредитор, иккинчиси эса дебитор ҳисобланади.

Молиявий активларнинг классификацияси қуйидагича:

1. Олтин монета ва ўзлаштириш ҳуқуқи;
2. Нақд пул ва депозитлар;
3. Қимматбаҳо қоғозлар (акциядан ташқари);
4. Заёмлар;
5. Акциялар ва капиталда иштирок этишнинг бошқа турлари;
6. Суғурта ресурслари;
7. Дебитор ва кредиторларнинг бошқа ҳисоблари.

9.2. Ташқи иқтисодий алоқалар счёти

Ташқи иқтисодий алоқалар қуйидаги 3 та счётда ўз аксини топади:

Жорий операциялар счёти давлатлар ўртасидаги товар ва хизматлар олди-сотди жараёнини ифодалайди. Бу счётнинг баланслаштирувчи моддаси жорий операциялар қолдиғи бўлади.

ФОЙДАЛАНИШ	РЕСУРС
Бошқа давлатлардан экспорт эвазига олинадиган даромад	Резидент бўлмаганларнинг жорий даромади
Резидент бўлмаган уй хўжаликлари сотиб олган товар ва хизматлар	Резидент бўлмаганларнинг иш ҳақи
Резидентларнинг резидент бўлмаганларни ёллаш ҳисобига олган иш ҳақи	Ишлаб чиқаришга ва импортга солиқлар
Бошқа давлатлардан олинадиган мулк, тадбиркорлик ва трансферт даромади	Жорий операцияларнинг қолдиғи
Баланс	Баланс

12-чизма. 1.Жорий операциялар счёти

Капитал харажатлар счёти

Капитал харажатлар ҳисобламаси асосий ва айланма фонд, номоддий активларга тегишли бўлган ташқи иқтисодий операцияларни ифодалайди.

Юқорида назарий жиҳатдан тавсифлаб берилган ички ҳисобламаларнинг тузилиши қуйидагича бўлади:

Фойдаланиш	Қиймати	Ресурс	Қиймати
Оралиқ истеъмол		Маҳсулот ишлаб	
Ялпи қўшилган қиймат	1883	чиқариш	3737
	1854		
Баланс	3737	Баланс	3737

13-чизма. 2.Ишлаб чиқариш счёти

Фойдаланиш	Қиймати	Ресурс	Қиймати
Ходимларнинг меҳнат ҳақи	762	Ялпи қўшилган қиймат	
Ишлаб чиқариш солиғи	191		
Ишлаб чиқаришга субсидиялар	459		1854
Ялпи фойда	442		
Баланс	1854	Баланс	1854

14-чизма. 3. Даромадларнинг ҳосил бўлиш счёти

Фойдаланиш	Қиймати	Ресурс	Қиймати
Мулкдан олинган даромад (хорижга берилган)	399	Ялпи фойда	459
Ялпи миллий даромад	1433	Ходимларнинг меҳнат хақи	766
		И-ч га солиқлар	191
		Мулкдан олинган даромад	416
Баланс	1832	Баланс	1832

15-чизма. 4.Даромадларнинг бирламчи тақсимланиш счёти

Фойдаланиш	Қиймати	Ресурс	Қиймати
Жорий даромад солиқлари	212	Ялпи миллий даромад	1832
Ижтимоий суғуртага ажратмалар	320	Жорий даромад солиғи	213
Бошқа ижтимоий нафақалар	560	Ижтимоий суғурта ажратмалари	322
Бошқа жорий трансфертлар	259	Бошқа ижтимоий нафақалар	560
		Бошқа жорий трансферт	239
Ялпи миллий мавжуд даромад	1805		
Баланс	3166	Баланс	3166

16-чизма. 5.Даромадларни қайта тақсимлаш счёти

Фойдаланиш	Қиймат	Ресурс	Қиймати
Якуний истеъмол харажатлари	1399	Ялпи миллий мавжуд даромад	1805
Ялпи жамғариш шу жумладан:	406		
* Асосий капитал истеъмоли	184		
* Соф жамғариш	222		
Баланс	1805	Баланс	1805

17- чизма. 6.Даромадлардан фойдаланиш счёти

Фойдаланиш	Қиймати	Ресурс	Қиймати
Асосий капитални жамғариш	139	соф жамғариш	222
Асосий капитал истеъмоли	12	соф капитал трансфертлар	-3
Моддий айланма воситалар	28		
Захираларининг ўзгариши	10		
Бошқа активларни сотиб олиш ёки сотиш, соф кредит	30		
Баланс	219	Баланс	219

18- чизма. 7.Капитал харажатлар счёти

Фойдаланиш	Қиймати	Ресурс	Қиймати
соф активларни сотиб олиш	647	Соф кредит	30
		Соф қабул қилинган мажбуриятлар	617
Баланс	647	Баланс	647

19-чизма. 8.Молия счёти

Қисқача хулосалар

Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодиёт секторлари орасидаги муносабатларни ўрганиш мақсадида асосий счётлардан кенг фойдаланади.

Мамлакат ички иқтисодиётини таърифловчи ички счётлар ва мамлакатнинг бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатларини ўрганишда ташқи иқтисодий алоқалар счётидан фойдаланилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. МҲТ ининг асосий счётларини тузишдан мақсад нима?
2. Ички иқтисодиётни қайси счётлар характерлаб беради?
3. Ташқи иқтисодий алоқаларни қайси счётлар ифодалайди?
4. Счётнинг баланслаштирувчи моддаси деганда нимани тушунаси?
5. Счётнинг стишмайдиган кўрсаткичлари қандай йўл билан олинади?
6. Сектор ва тармоқлар учун қандай счётлар ишлаб чиқилади?

Асосий адабиётлар

1. Сакс Дж.Д., Ларрен Ф.Б. Макроэкономика. Глобальный подход: Пер. с.анг. — М., «Дело», 1996.
2. Салин В.Н. и другие. Макроэкономическая статистика. - М., «Дело», 2001.
3. Салин В.Н., Шпаковская Е.П. Социально - экономическая статистика. - М., «Юристь», 2001.
4. Сафранова В.П. Показатели системы национальных счетов в отечественной статистике: Учеб пособие. — М., «Финстатинформ», 1996.
5. Система национальных счетов: инструмент макроэкономического анализа. Под. ред. Ю.Н. Иванова. — М., «Финстатинформ», 1996.
6. Спридонов И.А. Мировая экономика. — М., «ИНФРА», 2001.
7. Теслюк Н., Новиков К., Макроэкономическая статистика. Беларусь, 1996.
8. Фон Дер Липпе. Экономическая статистика. Германия, Штутгарт, 1995.
9. Ғойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими — макро-иқтисодий таҳлил асоси. — Т., «Фан», 2001.
10. Якубов И.О., Ташмухамедов Н.С. Балансовые проблемы. Сб. текст. лек. ТГЭУ, Т., 2000.

МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ

10.1. Макроиқтисодий таҳлил

Миллий ҳисоб-китоб — иқтисодий таҳлилнинг асосий қуролидир. Уларда бюджетни чеклаш ифодаланади. Миллий ҳисоб - китоблар жамланган ҳолда макроиқтисодий таҳлил учун фойдаланилади. Макро-иқтисодий таҳлил учун ҳисобда асоси — балансли туташганлик, ҳисоб-ларнинг ўзаро мослашганлигидир. Ҳисобларни ҳақиқий баланслаш — бюджетларни чегаралашдир. Улар тўлов баланси даромадлар ва хара-жатларининг бир хиллигини ифодалайди:

1) Даромадлар + харажатлар барчаси (ички ишлаб чиқаришда). Агарда истеъмол олиб ташланса, у ҳолда:

Жамғарма + Инвестицияларнинг барчаси.

2) Давлат бюджети камомадини аниқлаш — харажатлар-нинг даромадлардан ошиб кетиши; давлат ички қарзининг йи-гиндиси ва муомилага қўшимча пул чиқариш.

3) Тўлов баланси — валюта харажатининг келиб тушиши-дан ошиб кетиши. Чет эл заёмлари ва ички валюта воситаси ўзгариши ҳисобидан маблағ ажратилади.

Бу манбалар ҳисобидан тенглаштирилади.

Миллий ҳисоблар давлат сиёсати ва иқтисодий ривожланиш дастурини ишлаб чиқариш учун самарали воситалар ҳисобланиб, иқтисодий статистикани уюштириш ва системалаш учун негиз ва асос яратади.

МҲТ нинг статистик вазифаси аввало, аниқ шаклда тизимлар ўрнини ва ўзаро бир-бири билан боғлиқлигини кўрсатиш ва шу негизда бутун иқтисодий айланиши акс эттиш ҳамда хусусий якуний миқдор орасида ўзаро мосликни таъминлашдан иборатдир.

МҲТ кам меъёрга бўлса ҳам қиймат тизимини бутун ҳолга келти-ришнинг кўпгина талабларига жавоб беради. Аввалом бор у халқ ҳўжа-лигини ишлаб чиқариш схемасини бутунлигича ифодалайди ҳамда уни ташкил этган таркиби ўрнини ва ўзаро боғлиқлигини аниқлайди. Иқти-соднинг реал ҳолатини таҳлил қилиш учун ҳамда иқтисодий сиёсат ва истиқболни ишлаб чиқишда керакли бўлган статистик маълумотлар ҳар бир ҳисоблар системаларида сақланади.

МҲТ статистик маълумотнинг мисли қўрилмаган қимматли манбасини ифодалайди. Охирги йилларда модел тизимини ишлаб чиқиш тез ўсди: 1) қисқа муддатли прогнозлар учун эконетрик моделлар, 2) ривожланиш дастурини ишлаб чиқариш учун макро-моделлар назариясига асосланган ва шу каби, 3) «харажатлар-иш-лаб чиқариш» назариясини ўзаги ҳисобланган тармоқлараро модел.

10.2. Макроиктисодий таҳлилда МҲТ дан фойдаланиш

Илгарида ҳисобланган кўрсаткичлар нуқтаи назаридан миллий даромад статистикаси ва ТАБ тармоқлараро баланс бир - бири билан боғланмаган. Янги МҲТ да «кўчирилган коэффицентлар» ни ҳисоблашда ва шу асосда кўп секторлик моделларда бир қатор функцияларни баҳолаш учун маълумот етишмаслигини бартараф қилишда катта ютуққа эришилди.

Молия ва пул-кредит доирасида молиявий капитал ҳаракати акс этувчи реал (миллий даромад ва бошқалар) ва молиявий моделларнинг бирлашиш зарурлиги пайдо бўлди. Миллий даромад статистикаси ва молиявий оқимлар баланси бирлашиши бунга амалга ошириш мумкин эканлигини кўрсатди. Масалан, аввал иқтисодий режалар фақатгина реал нуқтаи назардан келишувга эга бўлган бўлса, ҳозир эса молиявий мувозанатни таъминлаш асосини ифодалайди.

МҲТ қисқа муддатли иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш учун ҳам муҳим аҳамиятига эга бўлади. Масалан, инвестицияларни машина ва жиҳозларда ўсишини аниқлаш учун маълум ўсиш суръатларининг дастлабки шарти сифатида бир томондан ишлаб чиқариш қувватини қанчалик кенгайтириш ҳисобланса, бошқа томондан бунинг учун қандай капитал талаб қилиниши зарурдир.

Иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш учун давлат харажатлари кўрсаткичи муҳим роль ўйнайди. МҲТда кўрсатилган классификацияларга мувофиқ давлатнинг молиявий харажатлари (ўзини - ўзи маҳаллий бошқарув органларини ўз ичига олади) қуйидагиларга бўлинади:

- умумий ҳукумат хизмати;
- мудофаа;
- маориф;
- соғлиқни сақлаш;
- уй-жой қурилиши;
- бозорлар ривожланиши;
- иқтисодий хизмат ва бошқалар.

Бу харажатлар институционал секторлар бўйича режа тузишда кўринади:

1. Марказий ҳукумат;
2. Маҳаллий органлар;
3. Ижтимоий суғурта фондлари ва бошқалар.

Бундай кўрсаткичлар давлат маблағларини қайси мақсадда ва қандай ҳажмда сарфлаш ҳамда бу ҳолат иқтисод ва унинг субъектларига қандай таъсир кўрсатишини таҳлил қилишга имкон беради.

МХТнинг такомиллаштиришдаги вазифаларига қуйидагилар киради:

- 1) Макроиктисодий кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш учун вақтинчалик горизонтал қаторларни тузиш;
- 2) МХТ вертикал қаторларни
- 3) Статистикада заиф ҳисобланган муомила ва хизмат кўрсатиш соҳасида маълумотларни такомиллаштириш;
- 4) Худудий ҳисоблар, тақсимлаш статистикаси, ижтимоий статистикани ишлаб чиқиш.

МХТнинг кейинги такомиллашиши билан боғлиқ бўлган изланиш бир қанча йўналишларда олиб борилади:

- 1) Истеъмол, харажат ва даромадларнинг аниқ тақсимлаш тизимини ишлаб чиқиш.
- 2) МХТнинг оммалаштирилиши ва кенг фойдаланилишидан мақсад йил ўлчовлари, мавсумий коррективировка, товар оқимлари статистикасидан бевосита олиш мумкин бўлган, нарх индекси тизимини ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Хулоса қилиб, шуни қайд қилиш мумкинки, МХТдан иқтисодий динамикани таҳлил қилиш учун иқтисодий сиёсат ва дастурни ишлаб чиқиш сифатида фойдаланилади.

10.3. Миллий ҳисоблар ва пул-молиявий амалиёти

Макроиктисодий таҳлилда тузилишни аниқлаб берадиган 5 асосий счётлардан фойдаланилади:

1. Давлат даромади ва харажати тенг Давлат бюджети (жорий капитал субсчёт)
2. Молиявий тизим счёти;
3. Тўлов баланси;
4. Номолиявий хусусий сектор счёти;
5. Миллий даромад ва якуний маҳсулот сифатидаги счёт.

I счёт. Давлат даромадлари ва харажатлари счётининг тузилиши, жорий субсчёт

Жорий келиб тушиши	Жорий сарфлар
1. Солиқлар- тўғри, эгри тушумлар	1. Хусусий истеъмол харажатлари
2. Тоза тақсимланмайдиган фойда	2. Ички трансфертлар
3. Чет эл жорий трансфертлари	3. Фоиз бўйича тўлов
Хусусий секторга ички қарз бўйича	Ташқи қарз бўйича
4. Субсидиялар	4. Жамғарма (баланслашган)

Капитал субсчёт	
1. Давлат маблағлари	1. Пассив йиғиндиси ҳолатидаги жамғарма
2. Хусусий секторга давлат кредитлари	2. Давлат заёмлари (банк тизимидаги давлат кредитлари, хусусий сектордаги чет эл кредитлари).

Давлат инвестицияларига, давлат жамстик вазифаси млари-
ридан маблағ ажратилади, шундай қилиб бу счёт мувофиқла-
шади.

II Молиявий тизим счёти (пул-кредит соҳасида молияларнинг ўзгаришини кўрсатади)

Активларнинг ўзгариши	Пассивларнинг ўзгариши
1. Давлат кредитларининг ўзгариши 2. Хусусий сектор кредитларининг ўзгариши 3. Чет эл валютаси резервларининг ўзгариши (Бошқа давлатларнинг молиявий мажбуриятлари) Активларнинг бошқа ўзгаришлари)	1. Пул миқдорининг ўзгариши (АМГ) (депозитлар, талаблар) 2. Ташқи дунёга муносабати бўйича узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларининг ўзгариши, яъни чет эл ташқи заёмлари 3. Пассивларнинг бошқа ўзгаришлари

Марказий банк тизимлари (тижорат ва халқ банклари) жорий даромад ва харажатларга эга эмас.

Счётлар активлар ва пассивларнинг ўзгаришини кўрсатади.

Бундан ташқари, шундай тузилишга асосан Марказий банк бўйича субсчёт, тижорат банклари тизимлари ва молиявий тизимлар учун жамланган счётдан таркиб топади.

III счёт. Хусусий сектор Жорий субсчёт

Жорий тушум	Жорий харажатлар
1.Қўшимча нарх (ини ҳақлари фойда) 2.Давлат трансфертлари 3.Ички қарз бўйича фойзаларнинг келиб тушини (давлат ҳисобидан кредитларни узини)	1.Истеъмол харажатлари: а)ички истеъмол б)импорт истеъмоли 2. Тўғри солиқлар 3. Ташқи қарз бўйича фойзалар тўлаш 4.Жамғарма (Даромадларининг харажатлардан ўсиб кетиши-баланслаган)
Капитал субсчёт	
1.Хусусий квартиралар (машиналар, жиҳозлар, қурилиш) 2.Давлатга кредитлари 3.Пуллар ва депозитлар (эга бўлиш) 4.Чет эл валюталарининг молиявий мажбуриятлари ва қимматли қоғозга эга бўлиш 5.Активларнинг бошқа ўзгаришлари	1. Жамғарма 2. Молиявий тизимлардан хусусий секторларга кредитлар (акция бир қисмининг давлат орқали олинини) 3. Чет эл кредитлари 4. Давлат заёмлари

IV счёт. Ташқи дунё «тўлов баланси». Жорий субсчёт

Ташқи дунёнинг жорий даромадлари	Ташқи жорий харажатлари
1.Импорт 2.Фоиз бўйича ташқи дунёдан келиб тушиниш	1.Экспорт 2.Давлатга жорий трансфертлар 3.Хусусий секторга жорий трансфертлар 4.Ташқи дунёнинг жамғармаси (бизнинг дефицит-жамғарма)
Капитал субсчёт	
1.Давлатнинг қарзи 2.Хусусий секторнинг ташқи қарзи 3.Молиявий тизимларнинг узоқ муддатли, ўрта муддатли кредитлари	1.Жамғарма 2.Молиявий тизимнинг қимматли қўғоз сотуви (хусусий секторнинг чет эл валютасини сотиб олиши ва қимматли қўғозни сотиши) 3.Давлат ва хусусий секторга бошқа молиявий мажбуриятлар

V счёт. Маҳсулот ва даромадларнинг жамловчи счёт (асосий ўхшашликни акс этади)

Жорий субсчёт	
Жорий келиб тушиниш 1.ЯИМ 2.Эгри солиқлар (субсидия) 3.Импорт	1.Истеъмоли: а) хусусий сектор, давлат. 2.Капитал маблағлари: а) хусусий сектор, давлат. Жамғармаси:- давлат-хусусий сектор
Капитал субсчёт	

$$МС = МД$$

Бунда: МС- пул тахминлари; МД- пулларга талаб.

Пулга талаб —пулнинг шундай миқдорики, унга жисмоний ва юридик шахсларнинг бир қисми бошқа мақсадларда ишла-тиш учун эга бўлишидир. У, инфляция суръатига боғланган ҳолда тажрибага асосланиб баҳоланади.

I счёт. Марказий банк. Пул баланси

Актив	Пассив
1.МГА чет эл активлари (чет эл валюталари) 2.МДСУ ҳукуматининг ички кредити (давлат ички қарзи) 3.Тижорат сектори ва тижорат банкига ички кредит ССВ	1.Пул резервлари (М): Банкдан ташқаридаги пул муомиласи Банк резервлари 2.Ташқи дунёга муносабат бўйича мажбурият (ташқи қарз) 3.Ҳукумат депозитлари (пуллар, суғурта, фондлар) 4.Бошқалар

$$MP = MGA + MDSU + CCB$$

Бунда: МР-пул миқдори;
 МГА-ташқи;
 МДСУ-давлат бюджети билан ўзаро муносабат;
 ССВ- хусусий сектор билан ўзаро муносабат.

Тижорат халқ банкларининг счёти

Актив	Пассив
1.Чет эл молиявий активлар (ёки бу банкда чет эл валютасини сотиб олиш)	1.Депозитлар (омонатлар)
2.Пул резервлари	2.Ташқи дунёга муносабат бўйича мажбуриятлар
3.Марказий ҳукумат кредитлари	3.Марказий ҳукумат депозитлари
4.Хусусий сектор кредитлари	4.Марказий банк кредитлари
5.Бошқалар	5.Бошқалар

Молиявий тизимлар счёти

Активлар	Пассивлар
1.Соф чет эл активлари (MFA) молиявий балансининг якуний сальдоси	1.Кенг маънодаги муомиладаги пул
2.Соф кўринишдаги ички кредит (кредитлар орасидаги фарқ): NDC	2.МЗ- омонат депозитлари (нақд ва нақдавлат Диверсификация бўлмаган оборот қисми)
а) давлатнинг ташқи қарзи	
б) хусусий секторнинг ташқи қарзи	
в) бошқа молиявий институтларнинг ташқи қарзи	3.Бошқалар

Қисқача хулосалар

Миллий ҳисоб-китоб иқтисодий таҳлилнинг асосий қуролидир. Миллий ҳисоб-китоблар жамланган ҳолда макроиқтисодий таҳлил учун фойдаланилади. Улар тўлов балансининг даромадлар ва харажатлари бир хиллигини ифодалайди.

Илгари ҳисобланган кўрсаткичлар нуқтаи назаридан миллий даромад ва тармоқлараро баланси бир-бири билан боғланмаган. Янги МХТда «Кўчирилган коэффицентлар» ни ҳисоблашда ва шу асосда кўп секторлик моделларда бир қатор функцияларни баҳолаш учун маълумот етишмаслигини барта-раф қилиш борасида катта ютуққа эришилди.

Пулнинг умумий таклифини ошириш, ички кредит ва чет эл валютаси резервларини кўпайтиришдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Миллий ҳисоблар тизимини юритишнинг бирламчи даврини айтинг.

2. Макроиқтисодий таҳлилда МХТдан фойдаланишни айтиб беринг.

3. МХТ ва пул молиявий амалиётини тавсифлаб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., «Ўзбекистон», 1997.

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т., «Ўзбекистон», 1992.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т., «Ўзбекистон», 1999.

4. Йўлдошев З., Қосимов М. Макроиқтисодиёт асослари. — Т., «Меҳнат», 1995.

5. Якубов И.О., Тошмухамедов Н.С. Балансовые проблемы. Сб. текст лек. ТГЭУ, Т., 2000.

XI боб

ТАРМОҚЛАРАРО БАЛАНС (ТАБ)

11.1. Миллий ҳисоблар тизими услубияти асосида тармоқлараро балансни тузиш принциплари

Маҳсулот (хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг тармоқлараро баланси миллий ҳисоблар тизимининг муҳим қисми ҳисобланади. Бу баланс натура ва қиймат шаклида тузилади. Унинг ёрдамида асосий халқ хўжалиги мувозанатини тармоқлар бўйича ва тармоқлар ўртасида муфассал равишда ойдинлаштириш таъминланади. У натура шаклида тармоқ доирасидаги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини акс эттиради. Қиймат шаклида эса, ишлаб чиқаришнинг моддий алоқалари ҳақида тасаввур уйғотади. Натурал шаклида тузилган баланс ўз моҳияти билан кўп сонли алоҳида балансларнинг йиғиндисидан иборат. Шартномалар, маҳсулот ишлаб чиқариш ва тармоқлараро баланс ҳисоблари асосида белгиланганда ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад балансларидан келиб чиқадиган халқ хўжалиги мувозанатлари, саноат ва бошқа тармоқлар асосий турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмига оид тармоқ ички пропорциялари билан уйғунлаштириш таъминланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тармоқлараро баланс ёрдамида миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг алоҳида моддий баланслари ўзаро уйғунлаштирилади, тармоқлар ва халқ хўжалиги ривожланишининг суръатлари ва пропорцияларини меҳнат ресурсларидан ва капитал маблағлардан фойдаланиш даражалари билан мувофиқлаштириш амалга оширилади.

Ҳисобот баланси ўтган давр мобайнидаги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни, вужудга келган ўзаро алоқа ва пропорцияларни ҳар томонлама ифодалайди.

Жорий тармоқлараро баланс тузишнинг методологик таъмоийллари ва асосий элементлари ўтган асрнинг 20-йилларида халқ хўжалиги балансини тузиш мақсадида ишлаб чиқилган эди. Аммо, бу ишлар кейинчалик старли даражада ривожланмади. Фақатгина хўжаликнинг режалаштирилган тармоқлараро алоқаларини ўрганишга талаб кучайган ва халқ хўжалигига электрон-ҳисоблаш машиналари жорий қилина бошлаган 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб тармоқлараро баланс-ларга бўлган талаб ортиб борди.

Собиқ СССР Марказий статистика бошқармаси томонидан 1959 йили амалиётда илк бор жорий тармоқлараро ишлаб чиқариш ва тақсимлаш баланси тузилди. Бундай баланслар 1966, 1972, 1977 ва 1982 йиллар учун ҳам тузилди. 1975 йилдан бошлаб эса ушбу баланслар ҳар йил учун қисқартирилган дастур бўйича тузила бошланди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тармоқлараро баланс асосан икки хил шаклда акс эттирилади:

1) маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг қиймат кўринишидаги тармоқлараро баланси;

2) маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг натура кўринишидаги тармоқлараро баланси.

Тармоқлараро балансининг (қиймат кўринишидаги) схемаси шахмат шаклидаги жадвал кўринишида тузилган бўлиб, унинг эгасида (қаторларида) ва кесимида (устунида) бир хил кетма-кетликда моддий ишлаб чиқариш тармоқлари келтирилган. Бундан ташқари, жадвалнинг эгасида соф маҳсулотнинг (иш ҳақи, фойда ва ҳоказо) элементлари, кесимида эса, маҳсулотдан пировард фойдаланиш элементлари (ноишлаб чиқариш истеъмоли, жамғарма ва бошқалар) келтирилган. Шундай қилиб, агар тармоқлараро балансининг маълумотларини қаторлар бўйича қарасак, у ҳолда ҳар бир қатор ҳар бир тармоқнинг жамланма кўрсаткичлари балансини ифодалайди. Бунда тармоқнинг маҳсулотини ишлаб чиқариш учун ва ноишлаб чиқариш учун истеъмоли ва бошқа сарфлари кўрсатилади. Агар балансини устунлари бўйича кўрадиган бўлсак, у ҳолда ҳар бир устун — тармоқ маҳсулоти таркибини қиймати бўйича кўрсатади.

Тармоқлараро баланс ўз иқтисодий маъносига кўра, кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг алоҳида томонларини ифодаловчи тўрт қисмга (квадрантга) бўлинади.

Биринчи квадрант тармоқлараро балансда (ТАБ) асосий бўлиб, тармоқлар орасидаги ўзаро моддий ишлаб чиқариш алоқаларини ифода этади. У моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини қамраб олади.

Иккинчи квадрантда эса ҳар бир тармоқ маҳсулотининг ноишлаб чиқариш истеъмолига, жамғаришга ва бошқа пировард фойдаланишга сарфи характерланади.

Ноишлаб чиқариш ҳажмининг умумий жамланмасидан аҳолини моддий бойликларининг шахсий истеъмоли ва ноишлаб чиқариш соҳаси корхона ва ташкилотлардаги моддий бойликлар истеъмоли алоҳида кўрсатилади. Ноишлаб чиқариш соҳасининг қуйидаги тармоқлари ажратиб кўрсатилади: йўловчилар транспорти, алоқа (аҳолига ва ноишлаб чиқариш соҳасига хизмат кўрсатиш қисми), маориф, соғлиқни сақлаш ва маданият, фан, умумий бошқариш ва уй-жой коммунал хўжалиги.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг тармоқлараро баланси

14-жадвал

Иқтисодий маҳсулотдан фойдаланиши																	
Ишлаб чиқариш истеъмоли										Пироқард маҳсулот							
1		2		...	j	.	n-2	n-1	n	Истеъ- моли фонди	Жам- ғарма фонди	Чикиб кетган фондлар ўринин туғдириши ва уларин капитал тизимири (ремонти)	Экспорт ва импорт сальдоси	Йи- ми	Ҳамма- си		
Метал- лургия	Электро- энергети- ка								n								
Маҳсулот истеъмоли қилувчи тармоқлар																	
Маҳсулотни ишлаб чиқариш тармоқлари	1	Металлургия		..	j	..			$A_{1n}x_n$					y_1	x_1		
	2	Электрэнергетика												y_2	x_2		
	...																
	i		I квадрант														
	...																
	n-1																
Пиро- қард маҳсу- лот қиймати	n																
	Миллий даромад	$a_{nn}x_1$	$a_{n2}x_2$	.	$a_{nn}x_1$	.			$A_{nn}x_n$						y_n	x_n	
		r_1	r_2	.	r_1	.			r_n								
		y_1	y_2		y_1	.			y_n								
		m_1	m_2	.	M_j				m_n								
		III квадрант															
Ҳаммаси	z_1	z_2	.	z_j	.			z_n									
	x_1	x_2	.	x_j	.			x_n								ΣX_i	

Учинчи квадрантда миллий даромаднинг таркиби қиймат бўйича кўрсатилади. Бу ерда соф маҳсулотнинг асосий элементлари ҳар қайси моддий ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича ўз аксини топади, соф маҳсулотнинг қуйидаги элементлари эса ажратилади: иш ҳақи ва бошқа пул тўловлари (хизмат сафари харажатлари, иш ҳақиға кирмайдиган бошқа харажатлар) ширкат хўжаликларидаги меҳнат ҳақи, ижтимоий суғуртаға ажратмалар, давлат корхоналарининг фойдаси, айланма солиғи, жамоа хўжаликлари ва кооперациялар даромадлари, соф даромаднинг бошқа элементлари (кредит учун фоиз ва ҳоказо) ва аҳоли томорқасидан олинган соф даромад.

11.2. Миллий ҳисоблар тизими тармоқлараро баланси жадвалининг тузилиши

Тармоқлараро баланслар (ТАБ) миллий ҳисоблар тизимида (МХТ) алоҳида ўрин эгаллайди. Бу, аввало, уларнинг халқ хўжалиғи баланси (ХХБ) таркибини таҳлил қилиш учун баҳолар тизими ўзгариши натижаларини, асосий қиймат, натурал моддий тенгликлар, халқ хўжалиғи ривожланиши тамоийилларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини таснифлаш ҳамда халқаро таққослашлар ўтказиш учун кенг имкониятлар очиб беради.

ТАБ МХТ халқ хўжалиғи ривожланишининг асосий кўрсаткичлари умумлашмаси бўлиб, уни тузиш тармоқлар умумий фаолияти жаами бўйича статистик маълумотлар тўплаш ва уларға ишлов бериш натижаларига асосланади.

Олиб борилган изланишлар натижасида ТАБ МХТ нинг жорий баҳодаги қуйидаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ҳисобланди:

- оралиқ истеъмол;
- қўшилган қиймат (ялпи ички маҳсулот);
- уй хўжаликларининг пировард истеъмоли;
- аҳолининг шахсий талабини қондирувчи давлат ташкилотларининг пировард истеъмоли;
- жамоа талабини қондирувчи давлат ташкилотларининг пировард истеъмоли;
- уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг пировард истеъмоли;
- асосий капиталнинг ялпи жамғармаси;
- моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши;
- товарлар ва хизматлар экспорти қолдиғи.

Юқорида қайд этилган макроиктисодий кўрсаткичлар асо-

сида МҲТ нинг тажрибавий ТАБи жадвали жорий баҳода миллий валютада тўлдирилади.

МҲТ ТАБи асосан уч қисмдан — 1,2 ва 3-квadrантлардан иборат.

1-квadrант тармоқларнинг ўзаро боғланишини ва оралиқ истеъмолини ҳарактерлайди.

МҲТ ТАБ ининг 1-квadrантидаги йўллар ва устунларда моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва ноишлаб чиқариш тармоқлари (маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, фан, бошқарув, мудофаа ва бошқалар) жойлашган.

МҲТ ТАБи 1-квadrантидан ўнг томонда 2-квadrант жойлашган бўлиб, унинг йўллари ишлаб чиқариш тармоқларига мос келса, устунлари эса пировард фойдаланишнинг тоифаларига мос келади: пировард истеъмол (уй хўжаликларининг, шахсий ва жамоа истеъмолини қондирувчи давлат муассасаларининг; уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг), ялпи жамғарма (асосий капиталнинг ялпи жамғармаси, моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши), товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси кўрсаткичи.

3-квadrантда 1-квadrант асосида жойлашган устунлар ишлаб чиқариш тармоқларига мос келса, қаторлар қўшилган қийматнинг асосий элементлари: меҳнат ҳақи, ишлаб чиқариш солиқлари (субсидияларни айириб ташлаб), фойда, асосий капиталнинг истеъмоли, аралаш даромад ва бошқаларни ифодалайди.

МҲТ ТАБи устунларининг жамида тармоқлар маҳсулотининг ялпи ишлаб чиқариш (ЯИЧ қиймати таркиби кўрсатилиб, у оралиқ истеъмол (1-квadrант) ва қўшилган қийматдан (3-квadrант) иборат бўлади.

Жадвалнинг 01-устун ва 01-қаторида «моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари оралиқ истеъмоли» (1-квadrант) макроиктисодий кўрсаткичлари ифодаланган. Кейинга 01-йўл, 02-05, 07-08 ва 10-устунларда ялпи ички маҳсулотдан (ЯИМ) пировард фойдаланишнинг таркиби ифодаланади (2-квadrант, МҲТ ТАБи) ва қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Пировард истеъмол:

- а) уй хўжаликларининг;
- б) аҳоли шахсий истеъмолини ва жамоа истеъмолини қондирувчи давлат муассасаларининг;
- в) уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларнинг;

2. Ялпи жамғарма:

- а) асосий капиталнинг ялпи жамғармаси;
- б) моддий айланма воситалар захиралари ўзгариши;

3. Товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси. 01-йўлнинг 06,09,11-устунлари мос равишда МХТ нинг қуйидаги макроиктисодий кўрсаткичлари пировард жамланма қийматларини кўрсатади:»Пировард фойдаланиш», «Ялпи ишлаб чиқариш» кўрсаткичларининг қиймати 01-йўлнинг 01-11-устунларини қуйиш натижаси бўлиб, миллий корхона ва ташкилотлар томонидан жорий даврдаги умумий ишлаб чиқариш ҳажми ва товарлар ҳамда хизматлар тақсимоти умумий ҳажмини ифодалайди.

Жадвалнинг 01-устун, 04-йўлида жойлашган қўшилган қиймат (ёки ялпи ички маҳсулот) кўрсаткичининг қиймати «Асосий капиталнинг истеъмоли» (01-устун 02-йўл) ва «соф қўшилган қиймат» (01-устун ва 03-йўл) кўрсаткичларининг йиғиндисидан иборат бўлади.

«Соф қўшилган қиймат» «Қўшилган қиймат» ва «Асосий капитал истеъмоли» кўрсаткичлари орасидаги тафовутни ифодалайди.

Жамланма кўрсаткич «Ялпи харажатлар» (01-устун 05-йўл), «Моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳа хизматларининг оралиқ харажатлари» кўрсаткичлари йиғиндиси кўринишида аниқланади.

11.3. Халқ хўжалигининг ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг тармоқлараро ҳисобот балансидан МХТ тармоқлараро балансига ўтиш усули

МХБ методологияси бўйича 1-квadrантда акс этган оралиқ истеъмол қисқа муддат фойдаланиладиган барча моддий маҳсулотларни ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланиладиган моддий ва номоддий хизматларни ўз ичига олади. Бундан ташқари давлат ташкилотлари ҳарбий анжомлар ва ускуналар (кемалар, танклар, ракета мосламалари ва ҳоказо) сотиб олишга қилган сарфлари ҳам оралиқ истеъмолга киради.

МХТ ТАБи 1-квadrанти оралиқ истеъмоли таркибига корхона ва ташкилотларнинг жорий қиймат ҳажмида товарларни ва хизматларни сотиб олиш учун қилинган жорий харажатлари (бунда савдо устамаси ва транспот харажати алоҳида ҳисобга олинади) киритилади.

Оралиқ истеъмол қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

- бино ва иншоотларни қуришга ёки уларни капитал таъмирлашга қилинган сарфлар;

- меҳнат унумдорлигини ошириш, хизмат муддатини узайтириш мақсадида машина ва ускуналар таъмири (тузатиш) сарфлари (бундай сарфлар асосий фондларнинг ялпи жамғармаси деб талқин қилинади).

- уй-жойни таъмирлаш учун, истиқомат қилувчилар - ижарачилар томонидан қилинган жорий сарфлар (бўёқ, гул, қоғоз ва шунга ўхшаш материалларни сотиб олиш ва ҳоказо). Булар уй хўжаликларининг пировард истеъмоли сарфлари деб юритилади.

Оралиқ истеъмолнинг (1- квадрант) МХТ ТАБи концепцияси бўйича ҳисоблаш усули қуйидаги схемада амалга оширилади:

А) Моддий (материал) харажатлар (амортизациясиз) (ХХБ ТАБи 1-квадранти);

Б) 1 дан 8 гача йиғинди = Б.

1. Ноишлаб чиқариш тармоқлари хизмати моддий харажатлари (амортизациясиз).

2. Моддий ишлаб чиқариш тармоқлари томонидан номоддий хизматлар учун тўлов (геология қидирув хизматларисиз, ХХБ ТАБ 3-квадранти);

3. Номоддий хизматлар тармоғи номоддий хизматлари тўлови (ХХБ ТАБи 4 - квадранти).

4. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларидаги хизмат сафарлари харажатлари (транспорт ва меҳмонхона хизматларига тўлов қисмида, ХХБ ТАБи 3 ва 4-квадранти);

5. Жорий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган заҳираларнинг йўқотилиши;

6. Умумий овқатланиш корхоналари томонидан озиқ-овқат товарлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини сотиб олиш (ХХБ ТАБи 2-квадранти);

7. Ҳарбий хизматдаги истеъмол ва уст-бош учун тўловлар;

8. Пудрат ташкилотлари томонидан бино ва иншоотларнинг жорий таъмирини бажариш учун қилган харажатлари;

В) Моддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги капитал таъмир харажатлари;

Г) МХТ ТАБида (1-квадрант) оралиқ истеъмоли қуйидаги схемада ҳисобланади: $A+B-V=G$.

1.3. Ялпи ички маҳсулотни пировард фойдаланиш усули билан ҳисоблаш

Ушбу усулнинг мақсадларидан бири ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) пировард фойдаланиш қисмлари йиғиндиси кўринишида МХТ халқаро андозаларига мос равишда ҳисоблаш ва ЯИМ миқдори, тузилиши ва ўзгариши тўғрисида маълумот тўплаш учун асос яратишдир.

ЯИМдан пировард фойдаланиш маҳсулотлар ва хизматларнинг пировард истеъмолини, асосий фондларнинг ялпи жамғармасини, моддий айланма воситалар заҳираларининг ўзгари-

шини, маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдо-сини ўз ичига олади.

ЯИМ ни ҳисоблаш қуйидаги жадвал бўйича олиб борилади:

1. Пировард истеъмол ($A+B+V$):

- а) уй хўжаликларининг пировард истеъмоли сарфлари;
- б) аҳолининг шахсий истеъмолини ва жамоа истеъмолини қондирувчи давлат муассасаларининг пировард истеъмоли сарфлари;
- в) уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг пировард истеъмоли сарфлари.

2. Ялпи жамғарма ($G+D$)

Г. Асосий фондларнинг ялпи жамғармаси;

Д. Моддий айланма воситалари захираларининг ўзгариши;

3. Маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси;

4. Ялпи ички маҳсулот ($1+2+3$).

1.3.1. Пировард истеъмол.

Пировард истеъмол — хўжалик бирликлари аҳолининг жорий даврдаги шахсий ва жамоа истеъмолини қондириш учун фойдаланилган маҳсулотлар ва хизматлар сарфларидир. Ушбу сарфлар ким томонидан молиялаштирилишига қараб уч гуруҳга бўлинади:

1) уй хўжаликларининг истеъмол сарфлари аҳолининг шахсий бюджети ҳисобидан молиялаштирилади;

2) давлат муассасалари — давлат бюджети ҳисобига;

3) нотижорат муассасалар эса ушбу муассасалар аъзоларининг аъзолик бадаллари ва хайриялари ҳисобига маблағ билан таъминланади.

1.3.1.1. Уй хўжаликларининг пировард истеъмолига сарфлар.

МХТ да уй хўжаликларининг пировард истеъмолига сарфлар - аҳолининг шахсий даромади ҳисобига қисқа ва узоқ муддат фойдаланиладиган воситалар (уйларни ва квартираларни сотиб олишдан ташқари) ва истеъмол хусусиятига эга хизматлар учун тўловлардир. Бу кўрсаткич шунингдек, аҳоли меҳнат ҳақиға натура шаклида тўланган ёки уларнинг томорқасидан олинган маҳсулотларни ва кўрсатилган хизматларни ўз ичига олади.

Қуйида уй хўжаликларининг пировард истеъмолига сарфларни ХХБ ТАБда «Шахсий истеъмол» кўрсаткичи ёрдамида ҳисоблаш кўрсатилади:

А) Шахсий истеъмол (ХХБ ТАБ 2-квадрант)

Б) $1+18=B$.

1. Квартира тўлови: Ушбу кўрсаткич маълумотлари «Аҳолининг пул даромадлари ва сарфлари баланси»дан «Квартира тўлови ва коммунал тўловлари» жадвали -1-йўл «Квартира тўлови» дан аниқланади.

2. Меҳмонхоналар ва ётокхоналарда яшаганлик учун тўловлардан айириб ташланади (минус) хизмат сафари тўловлари ҳисобига меҳмонхоналар ва ётокхоналарда яшаганлик учун тўловлар.

3. Канализация ва ахлат ўраларини тозалаганлик учун коммунал тўловлари.

4. Умумий овқатланиш ташкилотлари хизматининг истеъмоли.

5. Майший ва номоддий (ҳаммомлар, сартарошхоналар, ижара шахобчалари, фотосурат, маълумотхоналар (маълумот бериш бюрolari), уй-жой алмаштириш муассасалари ва ҳоказо хизматлар тўловлари.

6. Санаторияларга, дам олиш уйлари, пенсионатлар, туристик базалар ва ҳоказоларга йўлланмалар сотиб олиш.

7. Пуллик тиббий муассасалар хизматига тўловлар.

8. Кино, театр, музей, цирк, ҳайвонот боғи ва бошқа маданий-оқартув муассасаларига ташриф буюриш сарфлари.

9. Транспорт хизматлари учун тўловлар (хизмат сафари пули ҳисобига кўрсатилган транспорт хизмати сарфи бундан айириб ташланади).

10. Алоқа хизмати учун тўловлар.

11. Молиявий, юридик ва бошқа хизматлар учун тўловлар.

12. Ёлланма хизматчилар хизмати учун тўловлар: бу кўрсаткич уй хўжаликларини танлама текшириш натижаси маълумотлари асосида ҳисобланади.

13. Ўз уйида яшаганлик хизматлари учун тўловлар қуйидаги жорий харажатлар йиғиндисини ўз ичига олади:

- жорий таъмир учун давлат ва кооператив савдоси шахобчаларидан, айрим шахслардан сотиб олинган қурилиш материаллари қиймати;

- ихтисослашган корхоналар томонидан бажарилган жорий таъмир тизимлари қиймати;

- иншоатлар эгаларидан йиғилган тўловлар ва солиқлар;

- уй-жой эскириши.

14. Эркин мутахассисликлар билан шуғулланувчи шахсларнинг хизмати учун тўлов: бу кўрсаткич уй хўжаликларини танланма кузатиш асосида тўпланган маълумотлар асосида ҳисобланади.

15. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд шахслар томонидан кўрсатилган хизматларга (уй-рўзгор, ижтимоий, маданий хизматлар, уй-жойни ижарага бериш ва бошқалар) тўловлар.

16. Болалар муассасаларига тўловлар.

17. Лотереяларнинг шартли тўлови: лотерея билетларини сотиб олиш сарфлари билан уларнинг ютуқлари орасидаги тафовути каби аниқланади.

18. Суғурта хизматларининг шартли тўлови: бу кўрсаткични баҳолаш давлат ва тижорат суғурта ташкилотларининг йиллик бухгалтерия ҳисоботлари асосида амалга оширилади:

$$a-b-v+\Gamma$$

- а) суғурта мукофотлари;
- б) суғурта тўловлари;
- в) суғурта заҳираларининг қўшимча ўсиши;
- г) суғурта заҳиралари бўйича фойзлар.

В. 19 дан 22 гача йиғинди = В

19. Уй-жой фондининг (эскириши) амортизацияси.

20. Ҳарбий хизматчиларнинг овқатланиши ва уст-боши қиймати.

21. Уй ва квартира эгаларининг уй-жой фондини жорий таъмирлаш учун қурилиш материалларини сотиб олишга қилган сарфлари.

22. Аҳолининг умумий овқатланиш муассасаларидаги истеъмоли (ушбу корхоналарнинг савдо устамасини қўшиб).

Г. МХТ да ТАБ (2-квadrant) бўйича уй хўжаликларининг истеъмоли қуйидаги схемада ҳисобланади:

$$A+B-V=\Gamma$$

1.3.1.2. Аҳолининг шахсий (индивидуал) талабини қондирувчи давлат муассасаларининг пировард истеъмоли сарфлари.

Аҳоли шахсий талабини қондирувчи давлат муассасаларининг пировард истеъмоли сарфлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) айрим шахсларга давлат бюджетидаги муассасалар томонидан соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, маориф, маданият ва санъат соҳаларида бепул хизмат кўрсатиш қиймати.

б) уй хўжаликларига бериш мақсадида давлат муассасалари томонидан ижтимоий суғурта ёки ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастури асосида сотиб олинган маҳсулотлар ва хизматлар қиймати.

Аҳолининг шахсий талабини қондирувчи давлат муассасаларининг пировард истеъмоли сарфлари қуйидаги схемада олиб борилади:

А. Тармоқлар бўйича бюджетдаги муассасаларни таъминлаш сарфлари давлат бюджетининг бажарилиши ҳақидаги ҳисобот асосида ҳисобланади.

Б. 1 дан 17 гача бўлган йиғинди = Б

1. Ускуналар ва жихозлар сотиб олиш учун қилинган сарфлар.

2. Давлат капитал қўйилмалари.

3. Бино ва иншоотларни капитал таъмир қилиш харажатлари;

4. Нафақа ва ёрдам пули.

5. Нафақалар ва ёрдам пулларига қўшимча тўловлар.

6. Бюджетдан нафақа фондига ўтказиладиган маблағлар.

7. Стипендиялар.

В. Бюджетдаги ташкилотларни бюджет ҳисобига таъминлаш жорий сарфлари қўйидаги жадвал асосида ҳисобланади:

$$A-B=V$$

Г. Ижтимоий-маданий тадбирлар учун давлат ижтимоий суғурта бюджетидан ажратилган маблағларнинг жорий сарфи.

Д. Ижтимоий-маданий тадбирлар учун касаба уюшмаси бюджетидан ажратилган маблағларнинг жорий сарфи.

Е. Давлат бюджет муассасаларининг жами жорий сарфлари қўйидаги схемада ҳисобланади:

$$B+Г+Д=Е.$$

Ж. Бюджетдаги муассасаларнинг асосий фондлар истеъмоли.

З. Бюджетдаги муассасаларнинг сақлаш сарфлари (асосий фондлар истеъмолини ҳам қўшиб) қўйидаги схемада ҳисобланади:

$$E+Ж=З.$$

И. Бюджет ҳисобидаги пуллик хизматларнинг сотилиши.

К. Аҳолининг шахсий истеъмолини қондириш учун давлат муассасаларининг пировард истеъмол учун сарфлари қўйидаги жадвал асосида ҳисобланади:

$$З-И=К$$

Л. Уй хўжаликларига бериш учун товарларни ва хизматларни сотиб олиш (натурал ижтимоий ёрдам).

М. (Пулсиз, текин) Бюджет ҳисобидаги хизматларнинг қиймати.

1.3.1.3. Жамоа истеъмолини қондирувчи давлат муассасаларининг пировард истеъмоли сарфлари.

Жамоа истеъмолини қондирувчи давлат муассасаларининг пировард истеъмоли сарфлари, ушбу муассасаларнинг бепул хизматларини ўз ичига олиб, уларнинг жорий харажатларига (асосий фондлар истеъмоли ҳам қўшилиб) тенглаштирилади (пуллик хизматлардан тушган даромадлар бунда ҳисобдан чиқарилади) ва қўйидаги схемада ҳисобланади:

1. Бошқарув.

2. Мудофаа.

3. Фан ва илмий хизмат кўрсатиш.
4. Кредит.
5. Кишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар.
6. Йўл хўжалиги.
7. Жамоа истеъмолини қондирувчи давлат муассасаларининг пировард истеъмоли сарфлари:

$$1+2+3+4+5+6=7.$$

1.3.1.4. Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат муассасаларининг пировард сарфлари.

Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат муассасаларининг пировард сарфлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ушбу муассасалар (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, турли ташкилотлар, хайрия ва бошқа турли фондлар) томонидан уй хўжаликларига кўрсатилган бепул хизматлар қиймати.

б) уй хўжаликларига бериш (бепул) мақсадида нотижорат муассасалари томонидан сотиб олинган маҳсулотлар ва хизматлар қиймати;

Бепул хизматлар қиймати ташкилотларнинг жорий харажатларидан (асосий фондлар истеъмоли ҳам ҳисобга олиниб) пуллик хизматлар қийматининг айириб ташланганига тенг. Бу кўрсаткичга корхоналарнинг (нотижорат муассасаларига қарашли) харажатлари (масалан, босмахоналар харажатлари партия ва касаба уюшмаларига тегишли) киритилмайди.

А. Жорий сарфлар $= 1 + 2 + 3 + 4 = А$.

1. Меҳнат ҳақи.

2. Оралик истеъмол.

3. Асосий фондлар истеъмоли.

4. Ишлаб чиқаришга солинган солиқ ва бошқа сарфлар.

Б. Пуллик хизматларнинг сотилиши.

В. Уй хўжаликларига кўрсатилган бепул хизматлар қиймати қуйидаги схемада ҳисобланади:

$$А - Б = В$$

Г. Уй хўжаликларига бериш мақсадида маҳсулот ва хизматларнинг сотиб олиниши (бунга ташкилотга қарашли касалхоналар, уй-жойлар фонди, стадионлар, клублар, дам олиш уйлари ва ҳоказолар) томонидан ўз хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилган хизматлар ҳам киради). Ушбу хизматлар қиймати жорий даврда ушбу корхона ва ташкилотлар харажатларига тенглаштириб олинади.

Д. Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат муассасаларининг пировард сарфлари $= В + Г = Д$.

1.3.2. Ялпи жамғарма (ЯЖ)

Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳисоблар тизими
бўйича тармоқлараро баланси 1998 йил учун
(жорий баҳоларда, млн. сўм)

Кўрсаткичлар	Йўл коди	Тармоқлар оралиқ истеъмо-ли	Пировард истеъмо-л										Товар ва хизмат- лар экс- порти ва импорти	Жами пировард фойдала- ниши	Ялпи ишлаб чиқари- ши
			Уй хўжа- ликлари истеъмо-ли	Давлат муассалари қондирувчи			Жами пировард истеъмо-л	Ялпи жамғарма			Жами ялпи жамғар- ма				
				Аҳоли- нинг шахсий истеъ- мо-ли	Жамoa истеъ- мо-ли	Уй хўжалик- ларига хизмат кўрсатув- чи поти- жорат ташкilot лар		Асосий капитал нинг ялпи жамғарма си	Айланма моддий воситалар нинг ялпи жамғарма си						
А	Б	01	02	03	04	05	06	07	08	09	10	11	12		
Моддий ишлаб чиқариш ва номоддий хизмат кўрсатиш тармоқларининг оралиқ харажатлари	01	78093,7 I квадрант	35279,7		2116,5		50218,7		6194,5	09	-2377,5		143587,5		
II квадрант															
Кўнмла- ган қиймат (ЯИМ)	02	5261,8 III квадрант		855,3		11458,1		17662,6		65493,8					
	03	59532,3													
Жами кўнмлаган қиймат	04	64794,1													
Яхшилани харажатлари	05	142887,8													

Статистик тафовут

Статистик тафовут

Ялпи жамғарма ўз ичига асосий фондлар ёки капиталнинг ялпи жамғармасини ва моддий айланма воситалар захираларининг ўзгаришини қамраб олади.

Асосий фондларнинг ялпи жамғармаси хўжалик юритувчи резидентлар томонидан инвестицион объектларга ва бир йилдан ортиқ муддат фойдаланувчи воситаларга ажратилган маблағларни ташкил қилади (уларга кирувчи хизматлар қийматини ҳам қўшиб).

Асосий фондлар ялпи жамғармасини ташкил этувчи элементларни баҳолаш, агар улар сотиб олинган бўлса, сотиб олиш баҳоларида, улар ўз кучи билан ёки хўжалик усули билан амалга оширилган бўлса, у ҳолда асосий баҳоларда (яъни бирламчи харажатларни ёки бошқа ишлаб чиқариш солиқларини ҳисобга олувчи баҳоларда) амалга оширилади.

Моддий айланма воситалар захиралари хўжалик бирликларида ушбу даврда мавжуд бўлган, асосий фондларнинг ялпи жамғармасига қўшилмайдиган барча маҳсулотларни ўз ичига олади.

Моддий айланма воситалар захираларига қуйидагилар киради:

а) саноат маҳсулотларининг захиралари (хомашёлар, материаллар, ярим фабрикатлар, ёқилғи, тайёр маҳсулот);

б) йиғиштириб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захиралари;

в) боқувдаги мол, ёш мол, қуён, қуш ва асаларилар;

г) тугалланмаган ишлаб чиқариш;

д) давлат моддий захиралари;

Моддий айланма воситалар захиралари қазилма бойликлар захиралари, йиғиб олинган ўрмон ва қишлоқ хўжалиги ҳосили қийматини ўз таркибига олмайди. Захиралар қийматининг маълум даврдаги ўзгариши уларнинг давр бошидаги ва давр охиридаги захиралар тафовути билан аниқланади.

Товарлар захиралари, агар улар истеъмолчиларда ёки улгуржи ва чакана савдо корхоналарида бўлса, сотиб олувчиларнинг баҳолари бўйича, бордию ишлаб чиқарувчиларда бўлса, у ҳолда асосий баҳоларда баҳоланади.

1.3.2.1. Асосий фондларнинг ялпи жамғармаси

Асосий фондларнинг ялпи жамғармаси кўрсаткичини ҳисоблаш қуйидаги схемада олиб борилади:

А. Асосий фондлар жамғармаси (2-кв. ХХБ ТАБи)

Б. 1 дан 8 гача йиғинди = Б.

1. Капитал таъмир ва чиқиб кетган асосий фондлар ўрнини қоплаш.

2. Тўхтатилган қурилишни чегириб ташлаш.

3. Чиқариб ташланган ноишааб чиқариш фондларининг қиймати (2-кв. ХХБ ТАБи);

4. Тугалланмаган қурилишнинг қўшимча ўсиши.

5. Тугалланмаган капитал таъмирнинг қўшимча ўсиши.

6. Давлат бюджети ёки асосий фаолият маблағлари ҳисоби-га амалга оширилган қазилар ва геология қидирув ишлари хара-жатлари.

7. ЭХМ ни дастур билан таъминлаш ва вужудга келтириш билан боғлиқ харажатлар.

8. Йирик қорамолнинг нобуд бўлиши.

В. МХТ ТАБида асосий капиталнинг ялпи жамғармаси қуй-идаги схемада амалга оширилади:

$$A + B = B$$

1.3.2.2. Моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши.

«Моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши» қуй-идаги схемада амалга оширилади:

А. Моддий айланма воситаларнинг ХХБ ТАБидаги жамғар-маси (2-қв. ХХБ ТАБ)

$$B. 1 + 2 = B$$

1. Тугалланмаган қурилишнинг қўшимча ўсиши (2-қв. ХХБ ТАБ).

2. Тугалланмаган капитал жорий таъмирнинг қўшимча ўси-ши (2-қв. ХХБ ТАБ).

В. Моддий айланма воситалар захиралари ўзгариши МХТ ТАБида (2-квадрант) қуйидаги схемада ҳисобланади: $A - B = B$

1.3.3. Товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси

Товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси — ташқи иқтисодий операциялар натижасининг қуйидаги шаклидир:

- товарлар экспорти ва импорти;
- моддий ва номоддий хусусиятга эга хизматлар экспорти ва импорти;

Товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси - бу ташқи савдо балансининг якуний кўрсаткичи бўлиб, ташқи савдо бирлашмаларининг ва юкларнинг божхона декларацияси маълумотлари асосида тузилади. Товарлар экспорти деганда мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларни мамлакатдан ташқарига олиб чиқиб кетиш ва товарларни реэкспорти тушунилади.

Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таркибига, шу-нингдек мамлакатга четдан олиб келтирилган ва маълум даража-да қайта ишлов берилиб, техник ва асосий тавсифлари ўзгартирил-ган товарлар ҳам киради.

Товарлар импорти деганда мамлакатга чет элдан товарлар-ни олиб кириш тушунилади.

Импортга халқ хўжалигида истеъмол қилиш учун чет элдан келтирилган реэкспортга мўлжалланган товарлар ва чет элдан ушбу мамлакатнинг ташкилотлари учун ўша ердан истеъмол қилиш учун сотиб олинган товарлар ҳам киради.

Агар экспорт импортдан ортиқ бўлса, сальдо мусбат, агар импорт ҳажми экспортдан ортиқ бўлса, сальдо манфий бўлади.

Товарларни баҳолаш шартномада кўрсатилган ташқи савдо баҳоларини ҳисобга олган ҳолда миллий валюта ёки АҚШ долларида олиб борилади.

Хизматлар импорти ва экспорти техник хизмат кўрсатиш, таъмир, йўловчилар ва юкларни ташиш, алоқа хизматлари, тижорат хизматлари, чет эл сайёҳчилиги ва бошқаларни ўз ичига олади.

Хизматлар экспорти ва импорти сальдоси ушбу хизматлардан тушган тушумлар орасидаги фарқ каби аниқланади.

Товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси қуйидагича аниқланади:

А. Товарлар ва хизматлар экспорти;

Б. Товарлар ва хизматлар импорти;

В. Товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти сальдоси қуйидагича аниқланади: $A - B = B$.

1.4. МХТ ТАБи тақсимот усули ёрдамида ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш (3-кв. квадрант).

МХТ ТАБи 3-кв. квадрантида ишлаб чиқариш жараёни иштирокчи-ларнинг умумий даромадини акс эттирувчи қўшилган қиймат ифодаланади: яъни «қўшилган қиймат» тоифаси МХТда маҳсулот қиймат компонентларини ифодалаш учун хизмат қилади. МХТда асосий макроиктисодий кўрсаткич бўлиб, қўшилган қийматнинг тармоқлар бўйича миқдори йиғиндисига импорт соф солиқларини қўшиб ҳосил қилинувчи ялпи ички маҳсулот ҳисобланади.

Ушбу макроиктисодий кўрсаткич қуйидаги схемада олиб борилади:

А. Соф маҳсулот (3-кв. квадрант ХХБ ТАБи)

Б. $1 + 2 + 3 + 4 = B$

1. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг амортизацияси (1-кв. ХХБ ТАБи);

2. Номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари амортизацияси;

3. Капитал таъмирлашга сарфланган харажатлар;

4. Номоддий хизматлар кўрсатиш соҳаларининг қўшилган қиймати (4-кв. ХХБ ТАБи).

В. $5 + 6 = B$

5. Моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва номоддий хизматлар соҳаси бўйича транспорт ва меҳмонхона хизматларига командировка сарфлари.

6. Моддий ишлаб чиқариш ва номоддий хизматлар соҳаси номоддий хизматларига тўловлар (3 ва 4-кв. ХХБ ТАБи).

Г. Қўшилган қиймат (3-кв. МХТ ТАБи) қуйидаги схемада ҳисобланади:

$A + B - B = G$.

Қисқача хулосалар

Тармоқлараро баланс асосий халқ хўжалиги мувозанатини тармоқлар бўйича ва тармоқлар орасида муфассал равишда ойдинлаштиради. Унинг ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг алоҳида моддий баланслари уйғунлаштирилади.

ТАБ миллий ҳисоблар тизими халқ хўжалиги ривожланишининг асосий кўрсаткичлар умумлашмаси бўлиб, уни тузиш тармоқлар умумий фаолияти жами бўйича статистик маълумотлар тўплаш ва уларга ишлов бериш натижаларига асосланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тармоқлараро баланс деганда нимани тушунасиз?
2. Тармоқлараро баланс квадрантларини тушунтиринг.
3. Тармоқлараро балансда оралиқ истеъмол кўрсаткичининг тутган ўрнини баҳоланг.
4. Тармоқлараро балансда якуний истеъмолнинг таснифланишини кўрсатинг.

Асосий адабиётлар

1. Сакс Дж.Д., Ларрен Ф.Б. Макроэкономика. Глобальный подход: Пер. с.анг. М., «Дело», 1996.
2. Салин В.Н. и другие. Макроэкономическая статистика. - М., «Дело», 2001.
3. Салин В.Н. , Шпаковская Е.П. Социально - экономическая статистика. - М., «Юристъ», 2001.
4. Сафранова В.П. Показатели системы национальных счетов в отечественной статистике: Учеб пособие. М., «Финстатинформ», 1996.
5. Система национальных счетов: инструмент макроэкономического анализа. Под. ред. Ю.Н. Иванова. М., «Финстатинформ», 1996 .
6. Спридонов И.А. Мировая экономика. М., «ИНФРА», 2001.
7. Теслюк Н., Новиков К., Макроэкономическая статистика. Беларусь, 1996
8. Фон Дер Липпе. Экономическая статистика. Германия, Штутгарт, 1995.
9. Ғойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими —макроиктисодий таҳлил асоси. — Т., «Фан», 2001.
10. Якубов И.О., Тошмухамедов Н.С. Балансовые проблемы. Сб. текст лек. ТГЭУ, Т., 2000.

ТЎЛОВ БАЛАНСИ

12.1. Республика ташқи алоқаларини ривожлантиришнинг аҳамияти

Ҳозирги шароитда ташқи иқтисодий омил ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг тараққий этишида ва мустақамланишида муҳим ўрин тутади. У айниқса, мустақил ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Илгарилари собиқ СССР таркибига кирган республика ўзи мустақил равишда хорижий мамлакатлар билан алоқа қилишдан маҳрум эди. Ундан ташқари, собиқ СССРда халқаро айирбошланишнинг капитал ва ишчи кучлари миграцияси, валюта муносабатлари деярли ривожланмаган эди. Шунинг учун ҳам ўтказилган ислохотларнинг вазифаларидан бири қисқа муддатда республикани жаҳон хўжалиги тизимига кириб бориши ва барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг аҳамияти нимада? Бу саволга шундай жавоб бериш мумкин. Ҳар қандай мамлакат учун халқаро айирбошланишнинг аҳамияти биринчидан, халқаро меҳнат тақсимооти ва бошқа мамлакатлардаги нисбатан ишлаб чиқариш сарфлари пастроқ бўлган маҳсулот тайёрлашга ихтисослашуви натижасида олинган кўшимча фойда билан белгиланади. Кўшимча фойда жаҳон ва ички нархлар ўртасидаги фарқлардан ташкил топади. Иккинчидан, ташқи иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш ва эркинлаштириш орқали: энг янги технологиялар, бошқариш усуллари, чет эл инвестициялари ва бошқалардан фойдаланилади ва миллий иқтисодиётни янада тезроқ кўтаришга кўмаклашади.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларидан бутун жаҳон хўжалиги ҳам ютади. Чунки, унинг қаторига Ўзбекистон каби ресурсларга бой ва катта ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлган мамлакатнинг қўшилиши умумжаҳон иқтисодий имкониятларини кучайтиради.

Тарихан таркиб топган объектив сабабларга кўра, Ўзбекистон собиқ иттифокдош республикалар иқтисоди билан чамбарчас боғланган эди. Шу боис, Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсати икки йўналишда ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда. Биринчи йўналиш Ўзбекистонни ишлаб чиқариш, молия, транспорт, энергетика, фан, маданият ва бошқа соҳалардаги кўп йиллик алоқалар боғлаб турган собиқ иттифокдош республикалар билан муносабатлари. Иккинчи йўналиш - республиканинг илгарилари мустақил ўзаро муносабатларда бўлмаган хорижий мамлакатлар билан муносабатлари.

Агарда, биринчи йўналиш Ўзбекистонга кам харажатлар сарф-

лаб, кенг кўламда хомашё, тайёр маҳсулотлар, технологиялар, фан-техника ахбороти кенг бозорларига кириб боришни, шунингдек, ривожланган транспорт тармоқлари ва алоқа воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминласа, иккинчи йўналиш эса республикага иқтисодий фаол равишда жаҳон ҳамжамиятига бирлашувининг иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асосини яратиш имконини беради.

12.2. Тўлов баланси

Мамлакатнинг тўлов баланси - бир йил давомида бир мамлакатнинг бошқа бир давлатдаги алоҳида шахслар, фирмалар, ҳукумат ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартномаларнинг йиғма баланси.

Миллий иқтисодийнинг очиқлиги барча ютуқ ва камчиликлари билан тўлов баланси кўзгусида ўз аксини топади. Унинг асосини жорий операциялар баланси ва капитал ҳаракатининг баланси ташкил этади.

6-жадвал

Жорий операциялар балансини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

Даромадлар:	Харажатлар:
Товарлар экспорти	Товарлар импорти
(шу жумладан, патент ва лицензиялар)	(шу жумладан патент ва хизматлар)
Чет мамлакатларга қилинган инвестициядан даромад (маблағ кирими)	Мамлакатда чет эл инвестицияларидан даромаднинг ўтказиши (маблағ чиқиши)
Мамлакатда жойлашган чет эл фуқароларининг трансферт тўловлари (нафақа, совға, алимент)	Чет эл фуқароларига трансферт тўловлари
Чет эл фуқароларининг мамлакат ичкарасидаги харидлари	Мамлакат фуқароларининг чет эл активларини харид қилиш.
Жорий операциялар бўйича сальдо (мусбат ёки манфий)	

Мамлакатнинг маълум бир вақт давомидаги барча халқаро иқтисодий фаолияти, шу жумладан ташқи савдо, капитал ва ишчи кучи миграцияси ҳам унинг тўлов балансида ҳам ўз аксини топади. Модомики, ҳар қандай ташқи иқтисодий битим валюталарни айирбошлаш билан кузатиладиган олди-сотди жараёни ҳисобланар экан, пировард ҳисобда мамлакатнинг жаҳон бозоридаги фаолияти натижалари хорижий валютанинг тушумлари ва харажатларида ифодаланади. Бир томондан хориждан тушадиган барча тушумларни, бошқа томонидан мамлакатнинг хорижга барча тўловларини кўрсатувчи ҳужжатта тўлов баланси дейилади. Мамлакат тўлов балансининг тушумларни (кредит

«+» белги) фақат экспорт орқали, яъни миллий товарларни хорижий валютага айирбошлаганда таъминлаш мумкин. Унинг харажат қисми, аксинча, хорижий товарларни сотиб олиш ёки импорт билан боғлиқ валютадаги харажатлари (дебет «—» белги) ифодалайди. Бунда товар деганда айирбошлашнинг ҳар қандай объекти: моддий маҳсулотлар, хизматлар, ишчи кучи, капитал ва валютанинг ўзи тушунилади.

12.3. Мамлакат тўлов балансининг тахминий кўриниши ва унинг операциялари

Мамлакат тўлов балансининг тахминий кўриниши ва ундаги операциялар қуйидаги жадвалда келтирилган (17-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, барча ташқи иқтисодий операциялар икки катта гуруҳга бўлинади: жорий операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар.

Жорий операцияларнинг асосий моддаси товарлар экспорти ва импорти ҳисобланади. Улар ўртасидаги фарқ ташқи савдо балансининг қолдиғи деб аталади. Келтирилган мисолда жорий операциялар бўйича баланс салбий қолдиққа эга (-82). Бу шуни билдирадики, импорт операциялари натижасида мамлакатда хорижий валюталарга бўлган талаб, унинг экспорт операциялар билан таъминланадиган таклифидан ошиқ бўлди. Бошқача сўз билан айтганда, бундай вазиятда мамлакат жорий операциялар бўйича тақчилликка эга ва уни қоплаш учун у ё қарз олади (узоқ ва қисқа муддатли кредитлар) ёки ўзининг кўчмас мулкни (ер, иншоотлар) ва молиявий активларини (акция ва облигациялар) сотади.

Бироқ, мамлакат жорий тўлов балансининг мусбат қолдиғига ҳам эга бўлиши мумкин, агарда унинг экспорт операциялари импорт операцияларидан ошиб кетса. У ҳолда мамлакатда хорижий валюталар ортиқچалиги пайдо бўлади ва улар хориждан кўчмас мулкни сотиб олишга ёки бошқа мамлакатга қарз кўринишида йўналтирилиши мумкин.

Инвестициялаш ва кредитлаш билан боғлиқ операциялар тўлов балансининг кейинги бўлимида капиталлар ҳаракати ҳисобида акс эттирилади. Савдо балансидаги тақчиллик билан боғлиқ бўлган активларни сотиш ёки улар экспорти валюталар оқиб келишини таъминлайди ва бу капитални мамлакатга олиб келишини билдиради. Ва аксинча, импорт ёки бошқа мамлакатлардан активларни сотиб олиш валюта харажатлари билан боғлиқ бўлиб, капиталнинг мамлакатдан чиқиб кетишини билдиради.

Жорий операциялар ва капиталлар ҳаракати баланси бир-бирлари билан жипс ўзаро боғланган: биринчисининг тақчиллиги (-82) капиталнинг соф оқиб келиши (+53) билан молиялаштирилади. Бу икки бўлим аслида бир-бирларини бараварлаштириб туриши лозим, аммо ҳақиқатда доимо тақчиллик ёки ортиқчалик ҳоллари мавжуд. Шу сабабли турли мамлакатларнинг Марказий банклари хорижий валюталар захираларини барпо этади.

Улар валюта резервлари деб аталади ва умумий балансни тартиб-га солишда, унинг қолдиғини нолга келтиришда фойдаланилади.

17-жадвал

Мамлакат тўлов балансининг тахминий кўриниши

№	Моддалар	Кредит(+) ёки экспорт ҳисобига тушумлар	Дебет(-) ёки импорт харажатлари	Соф кредит (+) ёки соф дебет(-)
I.	Жорий операциялар ҳисоби			
1.	Товарлар	+125	-205	-80
2.	Ташқи савдо балансининг қолдиғи			
3.	Хизматлар	+35	-37	-2
4.	Инвестициялар даромади (фоизлар ва дивидендлар)	+17	-10	+7
5.	Пул жўнатмалари	+1	-8	-7
6.	Жорий операциялар бўйича баланс қолдиғи			
II.	Капиталлар ҳаракати ҳисоби			
7.	Инвестициялар ва бошқа ўрта ва узоқ муддатли капитал	+90	-37	+53
8.	Капиталлар ҳаракати балансининг қолдиғи			+53
9.	Жорий операциялар ва капиталлар ҳаракати бўйича балансининг қолдиғи)			-29
III	Расмий резервлар (олтин, СДР, Халқаро валюта фондидаги (ХВФ) резерв позициялари, хорижий валюталар, ХВФ кредитлари)	29		29

Тўлов баланси мамлакатнинг ташқи дунё билан ўзаро ҳисоб-китоблари аҳволини ифодалар экан, давлат уни мутаносиб ҳолда бўлишидан манфаатдордир. Бундай мутаносибликка қисқа муддат ичида валюта курсини ўзгартириш ҳисобига эришиш мумкин.

Валюта бозорига бостириб кириш (интервенция) ва Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини ўзгартириш йўли билан миллий валюта курсини пасайтириш мумкин. Бу импорт ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Оқибатда хорижий валюталар тушумининг ўсишига сабаб бўлади. Ҳукумат камдан-кам ҳолларда ўз валютасини девальвация қилишга ёки бир марталик қадрсизланишига йўл қўйиши мумкин.

Қисқача хулосалар

Ҳар қандай мамлакат учун халқаро айирбошланишнинг аҳамияти, халқаро меҳнат тақсимоти ва бошқа мамлакатлардагига нисбатан ишлаб чиқариш сарфлари пастроқ бўлган. Маҳсулот тайёрлашга ихтисослашуви натижасида олинадиган қўшимча фойда билан белгиланади.

Мамлакатнинг тўлов баланси — бир йил давомида бир мамлакатнинг бошқа бир давлатдаги алоҳида шахслар, фирмалар, ҳукумат ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартномаларнинг йиғма балансидир. Унинг асосини жорий операциялар баланси ва капитал ҳаракатининг баланси ташкил этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ташқи иқтисодий алоқалар аҳамияти нимада?
2. Тўлов баланси нима?
3. Давлат бюджети даромад ва харажатлар структурасини айтиб беринг.
4. Суғурта тузилмасини тушунтириб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. — Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т., «Ўзбекистон», 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т., «Ўзбекистон», 1992.
4. Исаев Б. Балансы межотраслевых финансовых связей. — М., «Наука», 1998.
5. Хакимова М. Макроиқтисодиёт. — Т., «Меҳнат», 1997.
6. Якубов И., Тошмухамедов Н. Балансовые проблемы. Сб. текст лек. Т., 2000.

ХУЛОСА

Баланс муаммолари фани бу айни бозор иқтисодиётига мос келадиган макроиқтисодий-статистик модел бўлиб, миллий иқтисодиёт бўйича макроиқтисодий кўрсаткичларни баланс тизимида баҳолашда, ҳисоблар тўплами ва баланс жадвалларини тузишга, иқтисодий фаолият натижаларини ҳарактерлашга, иқтисод тузилмасини ва бошқа муҳим зарурий боғланишларни ифодалашга хизмат қилади. У бозор иқтисодиёти шароитида юзага келадиган инфляция, ишсизлик, хорижий давлатлар билан пул-кредит муносабатлари, молиявий оқимлар, хўжалик ва мулкчиликнинг турли-туманлиги каби жараёнларни турли баланс ҳисоблари ёрдамида иқтисодий таҳлил қилиш имкониятини беради. Шунингдек, МХТни жорий қилиш, унинг йўналишларини белгилаш, тармоқлараро балансларни МХТ принциплари асосида қайта ишлаш, маълумотлар билан таъминлаш, тинлашни мукаммаллаштириш, жаҳон мамлакатлари маълумотлари билан республика маълумотларини халқаро миқёсда таққослаштиришдан иборатдир. МХТ да келтирилган маълумотларнинг кўп қисми кузатиш маълумотларига асосланган. Улар махсус статистик усуллар ёрдамида умумлаштирилади ва тегишли хулосалар чиқарилади. МХТ миллатлараро ҳисобот ва статистика тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳозирги замон иқтисодий ривожланиши, унинг қонуниятлари, йўналишларини реал тасвирлайди. Бугунги кунда республикада МХТ ни ишлаб чиқиш қатор вазифаларни ечишга имкон беради:

1. Давлат бошқарув органлари томонидан иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган макроиқтисодий маълумотлар ишлаб чиқилади;

2. Халқаро иқтисодий ташкилотларга маълумотларни бериш муаммосини хал этишга имкон яратади;

3. Иқтисодиётни ҳар томонлама кенг қамровли ўрганиш, макроиқтисодий таҳлил қилишни таъминлайди ва ҳ.к.

Республикада МХТ ни жорий қилиш анчагина ресурсларни талаб қилади. Халқаро андозаларга мувофиқ ҳолда статистикани қайта қуриш дастурини молиявий таъминлашни чўзиб юбориш бу жараённинг секинлашувига олиб келади. Гарчи статистика органлари МХТни жорий этиш бўйича ишларда Stackчи бўлсалар ҳам шу статистикани янгилаш билан боғлиқ вазифаларни ечиш учун умумиқтисодий бошқармаларни, жумладан, Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқаларнинг ҳаракатини мувофиқлаштиришни таъминлаш зарур. Чунки, ҳозирги вақтда республикада тузилаётган мо-

лия, банк, бухгалтерия, солиқ ва статистика ҳисоботлари ўртасида катта фарқланишлар мавжуд.

Юқорида таъкидланган ишларни амалга ошириш келгусида республикамизни халқаро майдонда жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий соҳадаги алоқалари мустаҳкамланишига, республикамиз ички имкониятларидан самарали фойдаланишга яқиндан кўмак беради ҳамда миллий ҳисоблар тизимини тез суръатлар билан ривожланишига замин тайёрлайди.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз иқтисодиётига МҲТ ни жорий қилиш миллий иқтисодиётимиз ривожланишини, ижтимоий ҳаётда юз бераётган ўзгаришларни объектив статистик маълумотлар асосида макроиқтисодий таҳлил қилиш имконини беради. Ушбу тизим давлатнинг молиявий аҳволи, пул муомаласи, кредит, тадбиркорликнинг янги тузилмасига оид кўпгина статистик кўрсаткичларни олишга ҳамда иқтисодиёт, сиёсат ва маънавий ҳаётда юз бераётган жараёнларни тўлалигича ҳисобга олиш ва таҳлил қилишга замин яратади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. — Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. — Т., «Ўзбекистон», 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., «Ўзбекистон», 1997.
5. Абдуллаев А. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. -Т.: «Меҳнат», 1998 .
6. Адамов В.Е. Экономика и статистика фирм. - М.: «Финансы и статистика», 2000.
7. Акрамов Э.А., Ишмухамедов Ш. Узбекистан на пути к рынку: теоретические основы, условия и практика перехода.- Т.: «Узбекистан», 1993.
8. Алимов И.Р. , Хуррамов А.Ф., Маматов А.А. Макроиқтисодий барқарорлик ва ялпи ички маҳсулот. -Т.: «Фан», 1999.
9. Доклад о мировом развитии. 2000-2001гг. Всемирный банк. 2001г.
10. Доклад о человеческом развитии. «Узбекистан», 1994.
11. Додобобоев Ю.Т. и др. Макроэкономика.- Т.: «Фан», 1999.
12. Еремена Н.М., Мершалова В.П. Статистика труда.- М.: «Финансы и статистика», 1988.
13. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. М.: «Инфра», 2000.
14. Иванов Ю.Н. Система национальных счетов.- М.: «Финстатинформ», 1996.
15. Ишмухамедов А.А. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. -Т.: «Ўқитувчи», 1996.
16. Кулагина Г.С. Национальные счетоводства. - Учебник. — М.: «Финстатинформ», 1998.
17. Кузнецова Е.В. Индекс человеческого развития и тенденции его изменения в России и зарубежных странах. Вопросы статистики, №2 за 1999.
18. Матюха И.Я. Статистика уровня жизни населения. — М.: «Статистика», 1973
19. Можена М.А. Человек, труд, потребление. М.:1991.
20. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. — М., «Финстатинформ», 2000.
21. Набиев Х.Н. ва бошқалар. Миллий ҳисоблар тизими.

- Т., 1998.

22. Пономаренко А. Методологическое обеспечение расчетов показателей СНС. Вопросы статистики №1, 1995.

23. Петер фон Дер Липпе. Экономическая статистика. ФСУ Германии, 1995.

24. Салин В.Н. и др. Экономическая статистика. - М.: «Дело», 2001.

25. Сакс Дж.Д., Ларрен Ф.Б. Макроэкономика. Глобальный подход: Пер. с.анг. – М., «Дело», 1996

26. Салин В.Н. и др. Макроэкономическая статистика. - М.: «Дело», 2001

27. Салин В.Н., Шпаковская Е.П. Социально - экономическая статистика. - М.: «Юристь», 2001

28. Сафранова В.П. Показатели системы национальных счетов в отечественной статистике: Учеб пособие. – М.: «Финстатинформ», 1996.

29. Система национальных счетов: инструмент макроэкономического анализа. Под. ред. Ю.Н. Иванова. – М.: «Финстатинформ», 1996 .

30. Спридонов И.А. Мировая экономика. – М.: «ИНФРА», 2001

31. Якубов И.О., Тошмухамедов Н.С. Балансовые проблемы. Сб. текст лек. Т., ТГЭУ, 2000.

32. Экономическое обозрение. Социальная политика в Узбекистане, 1998.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I боб. «БАЛАНС МУАММОЛАРИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.....	6
1.1. «Баланс муаммолари» фанининг ривожланиш тарихи ва бошқа назарий фанлар билан алоқалари.....	6
1.2. «Баланс муаммолари» фанининг предмети ва ўрганиш усуллари...	9
1.3. «Баланс муаммолари» фанининг асосий вазифалари.....	11
Қисқача хулосалар.....	12
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	12
Асосий адабиётлар.....	12
II боб. БАЛАНС МУАММОЛАРИ АСОСЛАРИ.....	13
2.1. Иқтисодиёт балансининг мазмуни ва моҳияти.....	13
2.2. Миллий иқтисодиёт балансини ишлаб чиқишнинг илмий асослари.....	15
2.3. Иқтисодиёт балансини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	17
Қисқача хулосалар.....	19
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	19
Асосий адабиётлар.....	19
III боб. ИҚТИСОДИЁТ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БАЛАНСИ.....	20
3.1. Ишчи кучи баланси тузилишининг назарий ва ижтимоий асоси...	20
3.2. Ишчи кучи баланслари тизими ва уларнинг иқтисодиётини тартибга солишда қўлланиши.....	20
3.3. Меҳнат ресурслари ва аҳолининг келажагдаги сонини аниқлаш методикаси.....	24
Қисқача хулосалар.....	25
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	25
Асосий адабиётлар.....	25
IV боб. МИЛЛИЙ БОЙЛИК БАЛАНСИ.....	26
4.1. Миллий бойлик, миллий мулк ҳақида тушунча ва уларнинг таркиби.....	26
4.2. Миллик бойлик, миллий ҳисоблар тизимида актив ва пассив тушунчалари.....	28
4.3. Асосий фондлар баланслари.....	31
Қисқача хулосалар.....	36
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	36
Асосий адабиётлар.....	36
V боб. АҲОЛИ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ БАЛАНСИ.....	37
5.1. Аҳоли пул даромадлари.....	37
5.2. Аҳолининг номинал ва реал даромадлари.....	39
5.3. Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси.....	41

5.4. Аҳоли истеъмоли.....	44
Қисқача хулосалар.....	49
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	49
Асосий адабиётлар.....	49
VI боб. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНК ПУЛ БАЛАН- СИ.....	50
6.1. Молия муносабатлари ва молия тизими.....	50
6.2. Давлат бюджети.....	51
6.3. Пул агрегатлари.....	59
Қисқача хулосалар.....	61
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	61
Асосий адабиётлар.....	61
VII боб. ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ БАЛАНСИ ТИЗИМИДАН МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИГА ЎТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ХУСУСИ- ЯТЛАРИ.....	62
7.1. Халқ хўжалиги баланси ва унинг асосий камчиликлари.....	62
7.2. Халқ хўжалиги баланси билан миллий ҳисоблар тизими орасида- ги асосий фарқлар ва ўхшашликлар.....	64
Қисқача хулосалар.....	69
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	69
Асосий адабиётлар.....	69
VIII боб. МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИ- ГАН ГУРУҲЛАШ ВА ТАСНИФЛАШЛАР.....	70
8.1. Иқтисодий фаолият турларини мулк шакллари, маъмурий ва иқти- содий ҳудуд ҳамда идоравий тассаруфи бўйича таснифлаш.....	70
8.2. «Институцион бирлик» тушунчаси ва иқтисодий фаолият турла- рининг секторлама таснифи	71
8.3. Ишлаб чиқариш бирлиги ҳақида тушунча ва иқтисодий фаолият турлари тармоқларининг таснифи.....	74
8.4. Макроиқтисодий статистикада қўлланиладиган бошқа гуруҳлаш ва таснифлашлар.....	78
Қисқача хулосалар.....	80
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	80
Асосий адабиётлар.....	80
IX боб. МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ СЧЁТЛА- РИНИ ТУЗИШ МАСАЛАЛАРИ.....	81
9.1. МҲТнинг ички иқтисодий ҳисоблари.....	81
9.2. Ташқи иқтисодий алоқалар счёти.....	102
Қисқача хулосалар.....	104
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	104
Асосий адабиётлар.....	104
X боб. МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА МҲТдан ФОЙДАЛА- НИШ.....	105

10.1. Макроиктисодий таҳлил.....	105
10.2. Макроиктисодий таҳлилда МҲТдан фойдаланиш.....	106
10.3. Миллий ҳисоблар ва пул-молиявий амалиёти.....	107
Қисқача хулосалар.....	111
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	111
Асосий адабиётлар.....	111
XI боб. ТАРМОҚЛАРАРО БАЛАНС (ТАБ).....	112
11.1. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг тар- моқлараро баланси.....	112
11.2. Миллий ҳисоблар тизими тармоқлараро баланси жадвалининг тузилиши.....	115
11.3. Халқ хўжалигининг миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақ- симотнинг тармоқлараро ҳисобот балансидан МҲТ тармоқлараро балансига ўтиш усули.....	117
Қисқача хулосалар.....	128
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	128
Асосий адабиётлар.....	128
XII боб. ТҶЛОВ БАЛАНСИ.....	129
12.1. Республика ташқи алоқаларини ривожлантиришнинг аҳамияти...	129
12.2. Тўлов баланси.....	130
12.3. Мамлакат тўлов балансининг тахминий кўриниши ва унинг опе- рациялари.....	131
Қисқача хулосалар.....	133
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	133
Асосий адабиётлар.....	133
ХУЛОСА.....	134
АДАБИЁТЛАР РҶЙХАТИ.....	136

CONTENTS

INTRODUCTION.....	5
PART-I. ESSENCE, METHODS AND TASKS OF THE COURSE OF BALANCE PROBLEMS.....	6
1.1. Development history of the course and its relations with other courses.....	6
1.2. Subject and studying methodology of the course of balance problems.....	9
1.3. Main tasks of the course.....	11
Brief conclusions.....	12
Questions for discussion and control.....	12
Main literature.....	12
PART-II BASIS OF BALANCE PROBLEMS.....	13
2.1. Essence and meaning of the national economy.....	13
2.2. Scientific basis of creation of agricultural balance.....	15
2.3. Main trends for the development of agricultural balance.....	17
Brief conclusions.....	19
Questions for discussion and control.....	19
Main literature.....	19
PART-III. BALANCES OF NON-PRODUCTION FACTORS OF NATIONAL HOUSEHOLD.....	20
3.1. Theoretical and social basis of preparation of labor-force balance.....	20
3.2. System of labor force balance and its usage in the regulation of national economy.....	20
3.3. Labor resources and methodology of anticipating the population numbers in future.....	24
Brief conclusions.....	25
Questions for discussion and control.....	25
Main literature.....	25
PART-IV. BALANCE OF NATIONAL WEALTH.....	26
4.1. National wealth, structure and meaning of national property.....	26
4.2. National wealth, essence of passive and active in national account system.....	28
4.3. Balances of main funds.....	31
Brief conclusions.....	36
Questions for discussion and control.....	36
Main literature.....	36
PART-V. BALANCE OF POPULATION INCOME AND EXPENDITURES.....	37
5.1. Population money income.....	37

ЯКУБОВ ИСКАНДАР ОДИЛОВИЧ
ҒОЙИБНАЗАРОВ БАҲОДИР КАРИМОВИЯ
ОЧИЛОВ КЕЛДИЁР ТУРДИЕВИЧ
АБДУСАТТОРОВА ХАБИБА МУРАТОВНА

БАЛАНС МУАММОЛАРИ

Ўқув қўлланма

Нашр учун маъсул:
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси директори
Қурбонмурод Жумасев
Мусаввир:

Акбарали Мамасолиев.
Мухаррир — Д.Икромов
Техник муҳаррир — Ш.Тожиёв
Мусахҳис — Ж.Йўлдошев
Компьютерда саҳифаловчи — Д.Иномов

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsuc.uz
Электрон почта манзили: info@tsuc.uz

Теринга берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004 й.

Қоғоз формати 60x84 $\frac{1}{32}$. Офсет босма усулида босилди.

Нашр босма тобоғи 9. Нусхаси 400.

Буюртма № 29

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси наприйёти. 700000,
Тошкент, Ж-Неру, 1.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
босмахонасида чоп қилинди.

Тошкент шаҳри, Хадича Сулаймонова, 33-уй

